

14  
М90

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ  
АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ

УДК:140.8(09)(5-011)

Мунис онамнинг порлоқ  
хотирасига бағишлайман.

Муксимова Х.В.

АРИСТОТЕЛ “АНАЛИТИКАЛАР”И ВА IX-XII АСР МАРКАЗИЙ  
ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МАНТИҚИЙ  
ТАЪЛИМОТЛАРИ НИНГ РИВОЖИ.

Тошкент-2006

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УДК:140.8(09)(5-011)**

**Мунис онамнинг порлоқ  
хотирасига бағишлайман.**

**Муксимова Х.В.**

**Аристотел “Аналитикалар”и ва IX-XII аср Марказий  
Осиё мутафаккирларининг мантиқий  
таълимотларининг ривож.**

**Тошкент-2006**

Монографияда ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан Аристотел мантиғи, айниқса унинг “Аналитика”лари ғояларининг ривожлантирилиши, мантиқ илмининг юқори поғоналарига кўтарилиши, унинг кейинги мантиқий фикрлар тараққиётига кўрсатган таъсири жамиятимизда бугунги кунда содир бўлаётган муҳим ўзгаришлар, миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолда олиб тадқиқ этилади.

У фалсафа, мантиқ масалалари билан қизиқувчи барча кишилар ва биринчи навбатда мазкур йўналиш ва мутахассисликлар бўйича бакалавриатура, магистратура босқичларида таълим олаётган талабалар учун фойдали манба бўлиб хизмат қилади.

Масъул муҳаррир: фалсафа фанлари номзоди, доцент М.Ш.Шарипов

Тақризчи: фалсафа фанлари доктори, профессор Қурбонмамадов А.

## КИРИШ

Президентимиз И. А. Каримов асарларида ёшларимизни демократик руҳда тарбиялаш, уларни ҳар томонлама маданиятли, демократик жамият қуриш талабларига тўла жавоб бера оладиган, чуқур фикрлайдиган, ўткир зеҳли, қобилиятли кишилар қилиб етиштириш вазифаси энг муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб турганлиги таъкидланади. Президентимизнинг фикрича, «Асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган маънавий мерос орқали тафаккуримизни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, истиқлолимиз фалсафаси, аввало, ўтган замонлар фалсафасининг ижобий ютуқларига таянади<sup>2</sup>.

Республикаимизнинг мустақилликка эришуви шарофати билан халқнинг ўтмиш тарихи, бой маданияти, ахлоқий ва иқтисодий меъроси, фалсафий тафаккури тарихи қайтадан ҳар томонлама ва теран ўр-ганилмоқда.

Бу борада сўнги йилларда бир қатор ижобий натижаларга эришдик. Бу юк мутафаккирларимиз Форобий, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Бурҳониддин Марғиноний, Сулаймон Боқиргоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абулқосим Махмуд ибн Умар аз-Замахшарий, Муҳаммад Ризо Огахий ва кўпгина бошқа улуғ зотларнинг инсонни маънавий покликка, етукликка чорловчи фалсафий, диний, манتيкий, ҳуқуқий ва бошқа илмларга оид асарларини дунёга аён қила бошладик, жиддий, ҳолисона илмий тадқиқотлар ўтказишга киришдик. Улар қолдирган бой маданий мерос тарихимизнинг бир бўлағи, «Миллий истиқлол мафқурасининг маъно-мазмунини белгилайдиган асослардан бири»дир<sup>3</sup>. Бизнинг миллий «фалсафамиз аслида, ҳудуди-мизда яратилган «Авесто»дан бошланган ... «Авесто» эса Аристотел ёзган «Физика» ва «Метафизика» китобларидан 400 йил илгари яратилган. Бу китобларда асосий тамойил ҳисобланувчи диалектика «Авесто»да ҳам

<sup>1</sup> Каримов И. А. Миллий мафкура ҳақида. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -16 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Файзуллаев О. Ф. Фалсафа. Халқ сўзи. -2003. 06.02. №31.; Абдуллаева М. XXI-аср бўсағасида фан// Фан ва турмуш -2000. №4, 26

<sup>3</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -47 б.

марказий ўринни эгаллаган. Унда дастлабки билиш назарияси ҳам бор... «Авесто» ва «Метафизика» китобларида баён этилган диалектика Форобий Ибн Синолар асарларида ривожлантирилиб, ҳозирги замонгача етиб келди ва ҳануз жаҳон фалсафасида асосий тамойиллардан муҳими сифатида хизмат қилиб келмоқда»<sup>1</sup>.

Шунингдек, қадимги Шарқ ва Юнон фалсафаси, ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқ, кейинги даврлар фалсафий таълимотлари ҳам миллий истиқлол мафқурасининг фалсафий-тарихий асосини ташкил этади. «Хусусан, Сукрот, Афлотун, Аристотел сингари мутафаккирларнинг асрлар давомида ўз кадр-қимматини йўқотмай келаётган фикрлари, жаҳон фалсафасининг ўрта асрлар ва янги замондаги намоёндалари қарашларида ҳам миллий истиқлол мафқураси тамойилларини асослаш ва бойитиш, уларга ҳаётий руҳ бағишлашда муҳим аҳамият касб этади»<sup>2</sup>.

Ана шунинг учун ҳам бугунги кунда ўтмишдошларимиз юксак маданий даражасини, маънавий камолотини акс эттирган асарларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. «Асрлар давомида, - деб таъкидлайди Президент И. А. Қаримов, - халқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар тамойилига улкан ҳисса қўшган. Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжиҳат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятларини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам»<sup>3</sup>.

Шарқ ва Ғарб оламини юнон илму фани, хусусан, юнон мантиғи билан таништириш, уни ривожлантириш борасида буюк мутафаккирларимиз Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмийларнинг хизматлари бениҳоят буюқдир. Бир қанча тилларни мукамал билган бу салоҳиятли донишмандлар Аристотелнинг «Метафизика», «Физика», «Органон»ига чуқур шарҳлар ёзиш, фалсафий-ман-тиқий ғояларини ҳар

<sup>1</sup> Файзуллаев О. Ф. Фалсафа. Халқ сўзи. –2003. 06.02. №31.; Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиғидан. Т.: Чўпон, 2003, 30-316.

<sup>2</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –48 б.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –2-б.

томонлама ривожлантириш билан бирга, унинг силлогизм ҳақидаги таълимотини танқидий ўзлаштириб, тафаккур шакллари ва қонунлари ҳақидаги тасаввурларни янги мазмун билан бойитдилар, уларни замонавий фалсафий ва тарихий-фалсафий нуқтаи назардан англашга интилдилар.

Тадқиқотнинг асосий мазмунини ташкил этувчи Аристотел «Аналитикалари»нинг Шарқ мутафаккирларининг фалсафий дунёқарашини шакллантиришга ва ривожлантиришга туртки берганлигини уларнинг бизгача етиб келган асарларидаги мантиқий ғояларнинг умумий, хусусан фалсафий аҳамиятини, уларнинг тарихий-фалсафий жараёндаги ўрни илмий-мантиқий ва ҳуқуқий атамаларни ишлаб чиқишга кўрсатган таъсирини, бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан ўрганишнинг долзарблиги юқорида қайд этиб ўтилган ҳолат билан бирга яна қуйидагилар билан изоҳланади:

Биринчидан, қадимги Шарқ маданиятининг қадимги Юнонистон (эллинизм) маданиятига таъсирини тадқиқ этиш муҳимлиги;

Иккинчидан, Аристотел «Аналитика»ларидаги ғояларининг Шарқ, хусусан Марказий Осиё мутафаккирлари таълимотларида мукаммаллаштирилганлиги ва ривожлантирилганликларининг илмий аҳамиятини кўрсатиш кераклиги;

Учинчидан, инсон маънавий камолоти ва жамият тараққиёти учун Шарқ мутафаккирлари мантиқий қарашларининг аҳамиятини кенгроқ асослаш зарурлиги;

Тўртинчидан, Ўзбекистон мустақиллиги мустаҳкамланаётган ҳозирги муҳим даврда кишиларда, айниқса ёшларда, маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлган мантиқан тўғри мулоҳаза юритиш малакасини такомиллаштириш зарурлиги;

Бешинчидан, Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон халқлари фалсафий -мантиқий меросининг ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятини янада кенгроқ кўрсатишнинг муҳимлиги ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирга қадар Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан Марказий Осиё халқларининг фалсафий фикрлари ривожланишини ўрганиш фанда муҳим ўрин эгаллаган бўлсада, унда мантиқий-гносеологик ғоялар тарихи етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Мавзуга оид тарихий-фалсафий ва мантик тарихи билан боғлиқ адабиётларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳга мантик илмининг моҳияти, ривожланиш қону-ниятлари, усуллари, уларнинг жамиятнинг тадрижий ривожига жараёнида кишилар тафаккури тараққиёти учун аҳамияти масалаларини ўрганишга бағишланган асарларни киритишимиз мумкин<sup>1</sup>.

Иккинчи гуруҳни бевосита юнон файласуфлари қарашларининг Шарқ мутафаккирлари илмий изланишларида ўзига хос акс этишини таҳлил қилишга бағишланган асарлар ташкил этади<sup>2</sup>.

Учинчи гуруҳга бевосита қадимги Юнонистон ва ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан Марказий Осиё мутафаккирлари таълимотларининг кейинги даврларда ривожлантирилиши, уларнинг силлогистик хулоса чиқаришга оид ҳозирги мантикий - методологик назарияларнинг шаклланиши ва тараққиётига кўрсатган таъсири, бу тасаввурларнинг ҳозирги даврдаги аҳамиятини таҳлил қилишга тааллуқли бўлган тадқиқотлар киради. Бу гуруҳга тааллуқли бўлган М. Хайруллаевнинг асарларида биринчилардан бўлиб Ғарб мантик илми тарихини Шарқ

---

<sup>1</sup> Аристотель. Метафизика. -Москва-Ленинград, 1934; Аристотель. Аналитики. - Москва, 1952; Ибн Сина. Даниш-намэ. -Сталинабад: Таджгосиздат, 1957; Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. -Душанбе, 1965; Болтаев М. Н. Логика. -Душанбе: Ирфон, 1965; Маковельский А. О. История логики. -Москва, 1967; Закуев А. К. Из истории арабоязычной логики средних веков. - Баку, 1971; Файзуллаев А. Ф. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии. -Т., 1974; Аль-Фараби. Логические трактаты. -Алма-Ата: Наука, 1975.

<sup>2</sup> Кулмурадов И. Проблемы конкретно-чувственного познания и его место в развитии раннесредневековой Средней Азии. -Т., 1975; Насыров Р. Н. Вопросы истины в трудах Беруни: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. -Т., 1971; Муртазаев С. Мироззренческие, гносеологические и логические вопросы в трудах Сайфулдина Тафтазани. -Т., 1975; Қодиров М. Философские воззрения и логика Мирсаида Шарифа Джуржани: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. -Т., 1977. Попов П. С., Стужкин Н. И. Развитие логических идей от античности до Эпохи Возрождения. - Москва, 1974; Попович М. В. Очерки развития логических идей в культурно-историческом контексте. -Киев, 1979; Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т.: Фан, 1981; Диноршоев М. Натурфилософия Ибн Сины. -Душанбе, 1985; Имамхаджаева А. П. Ибн Сина и Аристотель: развитие логических идей: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. -Т., 1990; Файзиқўжаева Д. И. IX-XI асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиққа оид қарашларида исботлаш муаммолари: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. -Т., 1999; Саидов А. Х. Журжоний Шарқ ва инсон ҳуқуқлари ҳақида. -Т., 1998; Аликулов Х. Жалолиддин Давоний. -Т.: Ўзбекистон, 1992;

мантиқ илми тарихи билан узвий алоқада олиб тадқиқ қилишга ҳаракат қилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.<sup>1</sup>

М. Н. Болтаев, Я. Лукасевич, З. И. Маркин, Ф. М. Гуашон асарларида, Аристотел силлогистикаси масалаларини ҳозирги замон мантиғи нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилиш асосида билдирилган қимматли мулоҳазалар, ғоялар кўп.<sup>2</sup>

Н. Решер асосан Ибн Синонинг модал мантиғини ва силлогизмининг тадқиқ қилган бўлса, Н. Шахаби ўзининг монографиясида ўрта аср Шарқи пропозиционāl мантиғини ўрганган.<sup>3</sup>

Мавзуимизга оид илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатади-ки, мантиқ муаммолари кўпроқ айрим тарихий-мантиқий нуқтаи назарлардан тадқиқ этилган. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг фалсафий ижоди билан узвий боғлиқ ҳолда мантиқий муаммоларнинг вужудга келиши ва ҳал этилиши, турли даврдаги мантиқий таълимотларнинг ўзаро боғлиқлиги, ворислиги эса етарли даражада ўрганилмаган. Шунингдек, ҳозирги замон мантиқшунослигининг фалсафий масалалари маълум даражада ишланган бўлсада, Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан умумфалсафий аҳамиятга эга бўлган мантиқий муаммоларнинг ҳал этилиши, ва умуман олганда, тарихий-фалсафий таҳлил қилиш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

Маълумки, фалсафа тарихида, айниқса мантиқ илмида юнон мутафаккири Аристотел кенг фалсафий, айниқса

---

<sup>1</sup> Хайруллаев М. Абстрактлик ва конкретлик диалектикаси. —Т., 1978; Хайруллаев М. Ибу Али ибн Сино. —Т: Ўздавнашр, 1957; Хайруллаев М. Абу Наср Форобий ҳаёти, фаолияти ва таълимоти ҳақида қисқача очерк. —Т.: Фан, 1961. Хайруллаев М. Логика ва тўғри фикрлаш. —Т.: Ўздавнашр, 1961; Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. —Т.: Ўзбекистон, 1971; Хайруллаев М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт. —Т.: Фан, 1994; Хайруллаев М., Бахадиров Р. М. Абу Абдуллах ал-Хорезми. —Москва: Наука, 1988; Хайруллаев М. Абу Наср ал Фараби. —Москва: Наука, 1988; Хайруллаев М. Мироззрение Фараби и его значение в истории философии. —Т.: Фан, 1967; Хайруллаев М. Культурное наследие и история философской мысли. —Т., 1984.

<sup>2</sup> Лукасевич Я. Аристотелевская силлогистика с точки зрения современной формальной логики —Москва, 1959; Маркин В. И. Силлогистические теории в современной логике. —Из-во Московского университета, 1991.

<sup>3</sup> Каранг: Goichon F. M. Introduction a Ibn Sina, Livre des directives et remarques, trad. Goichon: —Paris-Bayrouth, 1951. —P. 50; Afan S. M. Avicenna. His life and works. —London, 1958. —P. 247; Rescher N. Studies in the History of Arabic logic. —Pittsburgh, 1964. —P. 182; Богоутдинов А. М. Предисловие к кн. Ибн Сина «Даниш-наме». —Сталинабад, 1957; Быховский Б. Э. Философское наследие Ибн Сины //Вопросы философии. —1955. —№5. —С. 139.



мантикий мазмунга бой “Аналитикалар”ининг ўрни беқиёс: у Марказий Осиё мутафаккирлари фалсафа, мантик соҳасидаги қарашларининг шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Ваҳоланки, юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқотларда уларнинг Марказий Осиё мутафаккирлари мантикий таълимотларига кўрсатган таъсири, ривожлантирилиши қай даражада эканлиги, хусусан умумфалсафий аҳамиятга эга бўлган модал ва сингуляр мантик илмининг ривожланишида тутган ўрни тўлароқ ва аниқроқ ўрганилмаган.

Умуман олганда Аристотелнинг мантикий ғояларининг Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан ривожлантирилишини махсус ўрганиш муаммоси жуда кенг бўлиб, махсус тадқиқот ўтказилишни талаб қилади. Шунинг учун биз Аристотел «Аналитикалар»идаги умумфалсафий аҳамиятга эга бўлган, фалсафа тарихи жараёнида муҳим ўрин олган ва ҳозирги замондаги маънавий ҳаётида ўз аҳамиятини йўқотмаган мантикий муаммоларнинг Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан ривожлантирилганлигини тадқиқот объекти сифатида танлаб олдик. Фикримизча, ушбу йўналишдаги тадқиқот Марказий Осиё мутафаккирларининг мантик соҳасидаги таълимотларини кейинчалик махсус ўрганиш мақсадида ҳам давом эттирилиши лозим.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади Аристотел силлогистикасининг Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида мунтазам ўрганилиб, бойитилиб, ривожлантирилиб бориши жараёнини тарихий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этиш орқали унинг турли даврларда, жумладан, мустақиллик шароитида ижтимоий-маънавий ҳаётда тутган ўрнининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилишдир.

## ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ, ЮНОН ФАЛСАФИЙ-МАНТИҚИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ

1.1. Марказий Осиёда маънавий юксалиш, юнон фалсафий меросининг тарқалиш шарт-шароитлари

Қадимги маданият макони бўлган Марказий Осиёнинг қулай географик жойлашиши, табиати, иқлими минтикада ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аввалроқ бошланишини ва жадал суръатлар билан амалга ошишини таъминлади. У Шарқ билан Ғарбни, хусусан Юнонистон ва Рим, Мессопотамия, Эрон, Миср, Ҳиндистон ва Хитойни боғловчи, турли халқлар маданиятини бир-бири билан қўшувчи халқа вазифасини ўтади. Дарҳақиқат Марказий Осиёда турли мамлакатлар ва халқлар эришган маданий ютуқларнинг жамланишига синтезланишига яхши маданий анъаналарни, айниқса, эллинизм маданияти анъаналарини давом эттириш ва ривожлантиришга ва шу тариқа маданиятни юқорироқ босқичга кўтаришига қулай шароит яратди.

Маълумки қадимги дунё тарихида эллинизм деб номланган давр энг мураккаб давр ҳисобланади. Эллинизм -иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий ва маданий ҳаётда грек ва Марказий Осиё халқларининг хусусиятларини ўзида мужассамлантирган тарихий реаллиқдир, Эллинистик маданиятнинг шаклланишида Шарқ катга роль ўйнади. Александр Македонскийнинг

харбий юришлари давомида Юнонлар Ўрта Осиёда ривож топган илм-фанни, айниқса фалахиёт, риёзиёт, тиббиётни<sup>1</sup>, ўзига хос қишлоқ хўжалигининг мавжудлигини, ўзларига таниш бўлмаган экин экиш, ҳосил олиш усулларини кўрдилар. Айниқса бир-бири билан алоқаси кам бўлган мустақил шаҳар-давлатлар тузуми шароитида яшашга ўрганган босқинчилар Шарқда ягона давлат, йўлга кўйилган савдо алоқалари, шаҳарлараро яхши йўллар, умумий дин, ибрат олишга арзигулик яна кўп нарсаларнинг борлигини кўрдилар. Умумий тил эса умумий маданият яратишнинг омили бўлди. Юнонистонлик мутафаккир Афлотун ўзининг асарида шундай ёзади: «Биз эллиниклар варварлардан олган ҳамма нарсани ўзимизники қилиб олишимиз ва яна уни камолот чуққисига кўтаришимиз керак»<sup>2</sup>.

Юқорида қайд этиб ўтилган нарсалардан шуни англаш мумкинки, Шарқ халқларининг инсоният маданияти пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссаси Ғарб халқлари томонидан тан олинган.

Минтақамизнинг араблар томонидан босиб олиниши иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётда бир қатор ўзгаришларга сабаб бўлди. Хусусан, кўп ўтмай Ғарбда Испаниядан Шарқда то Хитой чегарасича бўлган минтақани ўз ичига олган буюк Халифалик давлати вужудга келди. Натижада майда давлатлар ўртасидаги низоларнинг барҳам топиши, халифаликнинг умумжаҳон савдо алоқасида иштирок этиши, умумий пул ало-қаси, ислом дунёсидаги халқлар билан тенг ҳуқуқли иқтисодий, маданий алоқада бўлиши каби ҳодисалар содир бўлди, тараққиётнинг юқори

<sup>1</sup> Муминов И. М. Естественнонаучная и общественно-философская мысль IX-X веков в Средней Азии // Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. - Ташкент: Фан, 1985. - С. 7.

<sup>2</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т.: Ўзбекистон. 1977. - 223 б.

қаражасига эришилди. VIII аср охири - IX асрнинг  
башталарига келиб араб халифалиги Шарқда энг кучли  
ривож топган империяга айланди<sup>1</sup>.

Ислом динининг кенг тарғиб қилиниши,  
масжидларнинг қурилиши, шариат қонун-қоидаларининг  
жорий қилиниши натижасида Яқин ва Ўрта Шарқ  
халқларининг маънавий ҳаётида ислом мустақкам ўрин эгал-  
лади. Исломий кадриятларнинг умуминсоний кадриятлар  
билан уйғун-лашиб кетиши бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга  
бўлди.

Шуни айтиш керакки, ислом диний ақидаларининг  
кенг тарғиб этилиши ва ҳукмрон мавқени эгаллашига  
қарамай, маҳаллий халқларнинг маданияти, халифаликка ва,  
хусусан, Яқин Шарқдаги араб мамлакатларининг маданий  
ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. Академик М. М.  
Хайруллаев тақидлаганидек «Қадимги ҳинд, эрон, араб, юнон  
маданий бойликлари қоришиб, адабиётларда «мусулмон  
маданияти» деб ном олган маданий қатлам вужудга келди.  
Қадимги маданият аъёналарига ниҳоятда бой бўлган Ўрта  
Осиёда мустақилликка эришган халқ бу давр ичида ўз  
маданиятини юксакликка кўтара олди. Шаҳарлар, шаҳар  
маданиятининг тез ривожини ҳамда маданий алоқаларининг  
кучайиши самараси бўлган уйғониш, Ренессанс шу даврда  
бошланди, Ўрта Осиё илм-фан, маънавий тарихда мисли  
кўрилмаган намуналар яратди<sup>2</sup>.

Босиб олинган ўлкалардаги иқтисодий, маданий  
алоқаларнинг таъсири остида халифаликнинг марказий  
«ўлкаларида кулдорлик муносабатлар билан бирга феодал  
муносабатлар ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб  
борди»<sup>3</sup>.

Бу даврда яшаб ижод этган алломалар, олимлар янги  
диний ғоялар, қарашларни қабул қилганлар, ўзлаштирганлар.  
Ўрта аср мутафаккирларидан ал-Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-  
Хоразмий, Ибн Сино, ал-Беруний, Ибн Рушд ва  
бошқаларнинг ўз асарларини «Аллоҳ» номи билан бошлаб,  
унинг номи билан тугатишлари фикримизнинг далилидир.  
Худди шу ҳолат бу даврда яшаб ижод этган мутафаккирлар  
фалсафий дунёқарашининг ўзига хос тарзда шаклланишига

<sup>1</sup> Хайруллаев М. М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. -Т.: Фан, 1994. -10 б.

<sup>2</sup> Ўша асар. -11 б.

<sup>3</sup> Грюнебаум Г. Э. Классический ислам. -М.: Наука, 1998. -С. 119.

хам сабаб бўлди<sup>1</sup>.

Шу кунгача IX-XII асрда Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, тарихий ҳаётини ўрганишга бағишлаб жуда кўплаб асарлар, илмий мақолалар ёзилган<sup>2</sup>.

VIII аср иккинчи ва IX аср биринчи яримларида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида дунёвий билимлар тез ривожланди. IX асрдаёқ дунёвий фанлар халифалик давлатларида тобора кўпроқ тарқала бошлади. Уларнинг сони кўп бўлиб, айрим мутафаккирлар томонидан таснифланган. Ўрта аср улуг араб мутафаккири Ибн Халдуннинг қуйидаги фикрлари эътиборимизни тортади: «Билимни шаҳарларда ўрганиш ва ўқиш предмети бўлиб хизмат қиладиган фанлар икки турга бўлинади:

1. Табиий фанлар, улар ақл кўзи билан эгалланади. 2. Анъанавий фанлар, улар ким асос солганига қараб тақлид қилиб ўрганилади»<sup>3</sup>.

Шарқ мамлакатларида илмлар тизимида фалсафа ва мантик алоҳида ўрин тутиб, мутафаккирлар уларнинг муаммоларини тадқиқ қилишга катта аҳамият берганлар. Бу анъана ўзининг чуқур тарихий илдиэларига эга. Хусусан Шарқ фалсафаси ва мантиқининг ривожланишида Аристотел асарлари муҳим ғоявий манба бўлиб хизмат қилган. Ўз навбатида, Аристотелнинг фалсафий мероси ва умуман, юнонистон илму фани Шарқ фалсафий тафаккуридан озуқа олган.

Милоддан аввалги VII асрлардан бошлаб қадимги Юнонистонда Шарқ мамлакатларининг маданияти эришган ютуқларни ўрганиш асосида фалсафа ва бошқа турли соҳаларга оид илмий билимлар тараққий эта бошлади. Юнон файласуфлари табиат ҳодисалари билан бир қаторда инсоннинг рухий ҳаёти жараёнларини, хусусан, сезги ва тафаккурини ўрганишга эътибор бердилар. Диалектиканинг асосчиларидан бири машҳур файласуф Гераклит (м.о. 540-480

<sup>1</sup> Қаранг: Файзихўжаева Д. И. IX-XII асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантика оид қарашларида исботлаш муаммолари: Автореф. дис. ... ф.ф.н. -Т., 1999. - 14 б.

<sup>2</sup> Масалан, қаранг: Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. -Т.: Фан, 1988. Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. -Ташкент: Фан, 1976, Хайруллаев М. М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. -Тошкент: Фан, 1994, Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т.: Фан, 1981.

<sup>3</sup> Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. -М.: Соцгиз, 1961. -С 622.

ий.), атомистик назариянинг асосчиси Демокрит (м.о. 460-370 йй.) асарларида билиш жараёни ва унинг айрим томонлари тўғрисида билдирилган муҳим фикрларни кўрамиз<sup>1</sup>.

Антик фалсафадан ўрта аср Шарқ фалсафасига ўтишни ўрганиш-нинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун, аввалам бор, Платон ва Аристотел фалсафаси Шарқ мутафаккирларини қайси ғоялари билан ўзига жалб қилганлигини, бу ғоялардан қайсилари уларнинг таълимотларига асос бўлганлигини аниқлаш зарур. Бу Марказий Осиё мутафаккирларининг дунёқарашларини, тафаккур қилиш усулини тўғри тушунишга ёрдам беради.

«Маълумки эрадан олдин IV асарларда македониялик Искандар (А. Македонский) томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши натижада бу ерда деярли бир ярим аср давомида Селевкитлар бошчилигидаги грек-македония давлати ҳукмрон бўлган эди. Бу Ўрта Осиё халқларининг қадимги юнон маданияти билан биринчи бор танишувига саба бўлди»<sup>2</sup>.

Антик фалсафадан Шарқ фалсафасига ўтишда Платон ва Аристотел таълимотининг Шарқ, жумладан Марказий Осиё мутафаккирларининг дунёқараши билан ўзаро туташиб кетиши яққол кўринади. Бу ҳақида тарихчи Иброҳим Мадқур куйидаги фикрларни билдиради: «Агар мусулмон файласуфлари Аристотелни унинг китоблари ва перипатетиклар мактаби вакиллариининг асарлари орқали билганда эди, улар бизга қолдирган таълимотларидан ўзгача таълимот қолдиришлари шубҳасиз эди. Лекин «биринчи муаллим» орқасида Александрия мактабининг мавжудлиги уларга кучли таъсир кўрсатди. Александрия мактаби бу файласуфлар билан бевосита шуғулланди ва турли таълимотларни тадқиқ этиб, уларни диний талабларга мос равишда ўзгартириб чиқди. Агар Аристотел арабларга неоплатониклар талқинида маълум эканлигини эътиборга олсак, мусулмон файласуфларининг Аристотелни унинг энг яқин шогирдлари Порфирий, Темистий, Аммоний ва Давид Арманскийларга нисбатан кўпроқ билганликлари тушунарли бўлади. Мусулмон файласуфларининг фикрича, Александрия

<sup>1</sup> Қаранг: Материалисты древней Греции. —М., 1955. —С. 51.

<sup>2</sup> Хайруллаев М. М. Ўрта Осиё илк уйғониш даври маданияти. —Тошкент: Фан, 1994. — 25 б.

мактаби вакилларининг шарҳлари Аристотел таълимотига кўшимча ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Бизнингча, Платон ва Аристотел таълимотларининг ўрта асрда Яқин Шарқда кенг тарқалиши, уларнинг турли ғоявий оқимлар томонидан ўзлаштирилиши ҳар икки Юнон мутафаккири дунёқарашларининг кенглиги, тизимли экани, изчиллиги билан изоҳланади.

Маълумки, Шарқда Афлотун (Платон, эр. ав. 427-347) таълимоти нихоятда машҳур бўлган. Айниқса, унинг сиёсий таълимоти кўплаб мутафаккирлар томонидан чуқур ўрганилган. Ал-Форобийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида ҳам Афлотун ғояларининг таъсирини кузатиш мумкин. Бу даврда риёзиётга бўлган қизиқишнинг кучайиши (баъзи мутазилийлар ва «соф биродарлар») Пифагор ва неопифагорчилар таълимотининг ҳам Яқин ва Ўрта Шарқ кенг тарқалишига ва ундаги мистик ғояларнинг ўзлаштирилишига сабаб бўлди.

«Қадимги юноннинг машҳур мутафаккирлари Платон, Аристотел, Евклид, Архимед, Гален, Гишпокрот, Порфирий, Сократ кабиларнинг фалсафа, риёзиёт, фалакиёт, табобат, шеърят, мантиқ илми ва рухшу-носликка оид асарлари мусулмон оламида кенг тарқалди»<sup>2</sup>.

Қадимги Юнон фалсафий меросининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли ғоявий-фалсафий оқимларнинг шаклланиши ва ривожланишига кўрсатган сезиларли таъсири айниқса, Шарқ мутафаккирларининг фалсафий ва мантикий таълимотларида яққол намоён бўлди. Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари араб ислом дунёси сиёсий истилолари тугатар-тугатмас юнон маданияти, табиатшунослиги ва фалсафасини кунг билан ўзлаштиришга киришди. У даврда кўплаб илмий ва фалсафий асарлар таржима қилиниб, уларга шарҳлар ёзилди.

Антик давр файласуфлари асарларининг юнончадан сурён тилига дастлабки таржима қилиниши V асрга тўғри келади. 457 йилда яшаб ўтган Ибасу Порфирийнинг «Введение» («Кириш») асарини таржима қилди. VIII асрга келиб юнон мутафаккирларининг асарлари сурёндан арабчага таржима қилина бошланди. IX асрдан бошлаб

<sup>1</sup> С. Н. Григорян. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. – М., 1966. – С. 84.

<sup>2</sup> Хайруллаев М. М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. – Токент: Фан, 1994. – 26 б.

Аристотел ва бошқа Юнон муалифларининг илмий асарларини Сурия тилидан, шуниндек юнонча асл нусхасидан араб тилига таржима қилиш ишлари жадаллашди.

IX аср илмий таржима фаолиятининг энг юксак даври ҳисобланади. Араб тили барча соҳаларда - фан, фалсафа ва ҳуқуқшуносликда мустаҳкам ўрин эгаллади. Халифа ал-Маъмун даврида Бағдодда ва халифаликни бошқа шаҳарларида юнонлар илмий-фалсафий маросими ўрганишга қизиқиш янада ортди, илмий муассасалар, хусусан донишмандлар уйи, илмий кутубхона, расадхоналар қурилди<sup>1</sup>. Халифа Маъмун даврида илмий ва таржимонлик фаолияти айниқса гуллаб-яшнади. Бағдодда суриялик христианларнинг юнон фани ва фалсафасига оид асарларни таржима қилишида таржимонлар мактабининг раҳбари, уста таржимон Хунайн ибн Исоқ (810-877 йй.)нинг хизматлари улкан бўлган. Бу мактабда китоблар асосан юнончадан сурия тилига таржима қилинган. Унинг ўғли Исоқ ибн Хунайн (910-911 йй.) даврида араб тилига таржима қилинган рисолалар сони янада кўпайди. Хусусан Евклид, Аристотел, Гиппократ, Архимед, Апполоний, Гален каби юнон олимларининг тиббиёт ва тарихга оид қатор китоблари таржима қилинди.

Аристотел асарлари таржимонларидан бири Абу Машр Батта ибн Юнус бўлиб, у Яқин Шарқда мантиқ илмининг йирик мутахассиси сифатида шухрат қозонди. Ибн Юнус Аристотелнинг «Иккинчи аналитика», «Поэтика» асарларини таржима қилган<sup>2</sup>.

Аристотелнинг мантиқий-илмий ишларининг таржима қилиниши ва уларнинг Шарқ таҳлилчилари томонидан шарҳланиши, шунингдек, араб мутафаккирларнинг ажойиб мантиқий ишлари Фарангистон ва Испанияда XII-XIII асрларда араб илмий адабиётларини ўзлаштиришга йўналтирилган таржима фаолиятида муҳим ўрин тутган.

Таржима қилинган асарлар Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари, шу жумладан, Марказий Осиёнинг олимлари томонидан чуқур ўзлаш-тирилди ва ривожлантирилди. Таржимонлар Аристотел асарларини яхшироқ тушуниш учун унинг шарҳловчилари Теофраст, Аммоний Саккас, Александр Афродезийский ва Гален

<sup>1</sup> Ўша асар -25 б. Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., Чўлпон. 2003, 45-50 б.

<sup>2</sup> Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993. 198-2016.



асарларини ҳам таржима қилганлар. Шунга қарамасдан, Яқин ва Ўрта Шарққа Аристотелнинг баъзи асарлари бўзилган кўринишда, унга ёт бўлган унсурлар билан кўшилган ҳолда кириб келди. Лекин Ф. Т. Фадеевнинг таъкидлашича, мантиққа оид асарларнинг таржимаси ахлоқ ва метафизикага оид асарларга қараганда асл нусхага яқинлиги билан ажралиб турган<sup>1</sup>.

Қадимги Юнон мантигини жуда яхши билган Абу Юсуф ибн Исоқ ал-Киндий (801-866 йй.) Ўрта аср араб файласуфи ҳисобланган, ал-Маъмун халифалигида яшаб ижод этган<sup>2</sup>. Ўз даврида у ҳинд ва эрон фалсафий илмлари билан ҳам жуда яхши таниш бўлган. Ал-Киндий юнон файласуфларининг асарларини чуқур ўрганди, Аристотелнинг «Метафизика», Птоломейнинг «География», Евклиднинг «Элемент» китобини таржима қилди ва изоҳлади, шунингдек, у Аристотелнинг «Категориялар», «Иккинчи Аналитика», «Органон»га кирувчи бошқа асарлари, Птоломейнинг «Альмагест» китобини шарҳлади. У фақат юнон олимларининг меросларини ўрганибгина қолмай, уларнинг айримларига бағишлаб оригинал асарлар ҳам яратди. Ал-Киндий Аристотелнинг «Иккинчи Аналитика»сини Евклид геометрияси билан солиштириш ғоясини илгари сурган, мантиқий исботлашни тушуниш ва ундан фойдаланиш учун геометрияни ўрганиш зарур деб, ҳисоблаган. Унингча, фақат шундагина мантиқий исботлашнинг қоидаларини тушуниш мумкин. Ал-Киндий бирорта буюм ҳақидаги фикрни исботлашни унинг мавжудлигига, борлигига ишонамасдан туриб бошлаш мумкин эмас, дейди. Унинг фикрича, «исботлашнинг мақсади бутумни ташкил этувчи шаклни ўрганишдан иборатдир»<sup>3</sup>.

Ал-Киндийнинг фалсафий ва мантиқий асарлари, унинг рационалистик йўналишдаги фикрлари ал-Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, ал-Беруний ва бошқа прогрессив мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатди. Унинг асарлари ўрта асрлардаёқ Ғарбий Европада кенг шухрат қозонди. Ал-Киндийнинг ижоди ва илмий меросига бўлган қизиқиш XIX асрда кучайган ва

<sup>1</sup> Фадеев Ф. Т. Античное философское наследие в арабоязычной науке IX-XI вв.: Дисс. ... канд. фил. наук. -Т., 1993.

<sup>2</sup> Джанматова Х. И. Ал-Кинди //Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1976. -С. 75.

<sup>3</sup> Ўша асар: -20 б.

унинг асарлари турли тилларга таржима қилинган. «Унинг асарларининг лотин тилига илк таржимаси Герард Кримонский (1114-1187), Арналдус Виллоно Винус (XIII) томонидан амалга оширилган»<sup>1</sup>.

IX-XI асрларда мантиқ масалалари билан чуқур шуғулланган Марказий Осиё олимлари ал-Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллох ал-Хо-размийлардир. Бу мутафаккирларнинг мантиққа бағишлаб ёзган асарлари асосан тўққиз номдан иборат эканлигини ва уларнинг номланиши, кетма-кетлиги бир хил эканлигини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб шуки, Аристотелнинг «Органон» ини ташкил этувчи олтига мантиқий рисоаларига («Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Софистик раддия») сурияликлар унинг «Риторика»си билан «Поэтика»сини қўшганлар. Бундан аввалроқ эса унга Порфирийнинг «Исагувчи» асари қўшилган эди. Шундай ки-либ, ««Органон» араб файласуфлари томонидан тўққиз рисоладан иборат бўлган яхлит таълимот сифатида қабул қилинган»<sup>2</sup>.

IX-XII асрларда яшаб, баракали ижод қилган Марказий Осиё олимлари Аристотелнинг фанлар таснифини ўрганиб, уни ривожлантирдилар. Бунда Аристотелдаги тўртта фаннинг ҳар бири назарий ва амалий қисмларга бўлиниб, фанлар дифференциацияси амалга оширилди. Бундан ташқари яна таснифга бир қатор янги фанлар, масалан, «хуж-жатлар устида ишлаш, ер майдонларини ҳисоблаш, тарози ва оғир-ликларни ўлчаш, минералогия, геодезия, фармакогнозизия, алкимё ва бошқалар киритилди»<sup>3</sup>.

Марказий Осиё мутафаккирлари мантиққа оид асарларида Аристотелнинг мантиқий таълимотини тиклабгина қолмасдан, уни ижодий ривожлантирдилар, янги ғоялар билан бойитдилар. Аристотелнинг мантиқий қарашларида маълум бир камчиликлар, ноизчиликлар ҳам мавжуд эди. Бу, айниқса, унинг силлогизм назарияси

<sup>1</sup> Джанматова Х. И. Ал-Кинди //Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1976. –С. 20.

<sup>2</sup> Қаранг: Шарипов А. Проблема логики в книге «Ключи науки» Абу Абдуллоха Мухаммада Хорезми //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. –Т.: Фан, 1981. –С. 101.

<sup>3</sup> Ибодов Дж. Х. Классификация наук в средневековых энциклопедиях Абу Абдаллаха ал-Хорезми, Фахрид-Дина ир-Рази, Кутбад-Дина аш-Ширази и Бана ад-Дина ал-Амила //Тезисы XXXIV Всесоюзной научной конференции. –М.: ИИЕ и ГРАН, 1992. –С. 35-36.

аҳамиятини бўртти-ришида яққол намоён бўлган эди. Бунга Марказий Осиё мутафаккирлари ўз эътиборини қаратдилар.

Фаробий Аристотелнинг мантикқа оид асарларига ёзган шарҳлари ўрта аср Фарбий Европасида машхур бўлган. Фаробий яна бошқа юнон олимлари асарларига, масалан: Порфирийнинг «Изигог» (мантикқа оид), Птоломейнинг «Альмагест», А. Афродезийскийнинг «Жон ҳақида» асарига Эвклин геометриясининг айрим китобларига ҳам илмий шарҳлар ёзди»<sup>1</sup>.

Маълумки, мантиқий масалаларни ҳал этишда, ҳақиқатни ёлгон-дан ажратишда Аристотел предмет ва ҳодисаларнинг объектив, реал моҳиятта эга эканлиги ҳақидаги тасаввурдан келиб чиққан. Мутафаккир ўз замондошларига қарата: «Борни йўқ ва йўқни бор дейиш хатодир, борни бор ва йўқни йўқ, дейиш ҳақиқатдир»<sup>2</sup>, деган эди. Марказий Осиё олимлар буни ҳам ҳисобга олганлар. Уларнинг антик давр фалсафаси ва мантиқ илмига бўлган муносабатини тўғри тушуниш учун ал-Фаробийнинг «Катта мусиқа китоби»даги қуйидаги фикрларига эътибор бериш зарур: «... асарда қандайдир бир масала ноаниқ қолган бўлса ва бошқа бирор турдаги айб-нуқсонлар бўлса, асарни такомиллаштириш, унутилган ва қолдирилган нарсалар ҳақида шарҳ-изоҳлар бериб бориш учун иккинчи бошқа кишига ижозат ҳам берилган, яъни, айти ҳолда, иккинчи киши биринчининг фикр-мулоҳазаларига аниқлик киритиб, унинг фикрини ойдинлаштиради. Бу ҳолда муаллифликка сазоворлик биринчи китоб ёзган кишининг ҳаққи бўлиб, иккинчига, аввалги кишининг фикр-мулоҳазаларига шарҳ ва изоҳ беришдан бошқа иш учун улуш берилмайди»<sup>3</sup>.

Ал-Фаробий бошқа фан соҳалари каби мантиқ илмида ҳам Аристотелнинг таълимотини такомиллаштиришга, унутилган ва қолдирилган масалаларни ойдинлаштиришга, шу масалага оид янги фикрларни баён қилишга ҳаракат қилган, мавжуд фикрларни шунчаки такрорлашни ўзига эп кўрмаган<sup>4</sup>. Н. Ришернинг ёзишича, «Ал-Фаробий фалсафанинг бошқа соҳаларига нисбатан мантикқа жуда кўп

<sup>1</sup> Хайруллоев М. М. Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари. –Т., 1963. –111 б.

<sup>2</sup> Аристотел. Сочинения в четырех томах. Т.2. –М.: Мысль, 1978. –С. 120.

<sup>3</sup> Фаробий. Катта мусиқа китобида. Хайруллоев М. М. Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари. –Т.: Фан, 57 б.

<sup>4</sup> Ўша асар. –57 б.

этибор берган, шу сабабли ҳам у араб халқлари ичида мантиқ соҳасидаги етакчи мутахасис деб аталишга сазовордир»<sup>1</sup>. Ришернинг бу фикрларини Абул-Қосим Саид ибн Ахмад ҳам ўзининг «Ат-таъриф фи табакат ал-умам» асарида такидлаб, шундай ёзади: «Ал-Форобий мантиқ илмини Иоанн ибн Жиландан ўрганган. Мантиқ муаммоларини ҳал этишда ўз давридаги мусулмон мантиқшунос алломалардан ўзиб кетди. У мантиқ илмидаги ўзига қадар номаълум бўлган сирларини очиб берди ва бошқаларнинг бу илмни ўзлаштиришини енгиллаштирди. Ал-Форобий ўзининг асарларида мантиқни тушунишнинг ва уни эгаллашнинг нозик томонларини, шунингдек, фикрни равон ифодалаш ҳақидаги ҳамма маълумотларни тўп-лади. Ал-Форобий ал-Киндий аниқлаёлмаган мантиқнинг беш муаммосини ишлаб чиқди ва улардан силлогизмда қандай фойдаланишни кўрсатиб берди. Шу сабабли ҳам унинг асарлари мукаммаликка эришган»<sup>2</sup>.

Аристотел ҳамда унинг издошлари, шу жумладан Ўрта Осиё мутафаккирлари тадқиқотларининг шарофати билан мантиқ ҳозирга қадар фалсафий билимлар тизимида муҳим ўрин эгаловчи фан бўлиб қолмоқ-да.

Ал-Форобий мантикий тадқиқотлар ривожининг беш асосий даврini кўрсатади:

1. Дастлабки юнонча (Аристотел ва унинг издошлари) даври.

2. Искандария (Август Октавиан юришидан Клеопатранинг ағдарилишигача) даври.

3. Христианлик кириб келишигача римликлар ҳукмронлиги даври.

4. Араблар кириб келишигача христиан ҳукмронлиги даври.

5. Араб-мусулмон даври<sup>3</sup>.

Ришер фикрича, «ал-Форобийнинг мантикий тадқиқотлар тарихининг бу беш даври ҳақидаги маълумотларининг ишончлилигига барча асослар мавжуд»<sup>4</sup>.

Аристотел мантиқи мусулмон Шарқида юқори баҳо

<sup>1</sup> Rescher N. Studies in the History of Arabic logic. -P. 21.

<sup>2</sup> Қаранг: Хайруллаев М. М. Введение. //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т.: Фан, 1981. -С. 15.

<sup>3</sup> Қаранг: Ал-Фараби. Логические трактаты. -Алма-Ата: Наука, 1975. -С. 25.

<sup>4</sup> Rescher N. Al-Farabi on logical tradition //Journal of the History of ideas. -1963. -Vol. 24. -P. 127-132.

олди. Уни инсон фикрининг юксак яратувчилик кучи натижаси деб ҳисоблашди. Шунинг учун арабча сўзлашувчи олимлар уни авайлаб, кейинги асрларга етказишга, турли кўшимчалардан сақлашга ҳаракат қилганлар.

Асосида Аристотел мантиғи ётган мантикий фикрларнинг ривожланиши даврида Хусайн ибн Исҳоқ, Абу Усмон Дамашкий, ал-Киндий, ал-Марвазий, ал-Форобий, Яҳё ибн Адий, Абу Башар Матта, Ибн ул Хаммар, Ибн ал-Тоййиб, Ибн Сино, Ибн Рушдлар илмий асарлар яратдилар. Шуниси диққатга сазоворки, «Аристотел мантиғи IX-XII асрларда ҳали Европа ақидапарастларига тўлалигича маълум эмас эди»<sup>1</sup>. Ансельм Кентерберийский, Росцелин, Абеляр, Жильюер, Иоани Солсберийский ва бошқа X-XII асрлардаги европалик олимларнинг илмий ишларида мусулмон оламида кенг машхур бўлган Аристотелнинг мантикий ва фалсафий ишлари ёдга олинмаган. Абеляр (1079-1112) Аристотелнинг фақат иккита - «Категориялар» ва «Талқин тўғрисида» (лотинча таржимасида) асарларини биларди.

А. О. Маковельский Ғарбий Европа схоластикаси ривожи ва Аристотел мантиғининг ўрганилишини икки босқичга бўлади: бошланғич даври (Аристотел мантиғи) ҳамда Аристотелнинг асл нусхадаги асарлари билан танишиш асосида схоластиканинг тўлиқ ривожланган даври<sup>2</sup>. Иккинчи давр, соддароқ қилиб айтганда, схоластиканинг гуллаб-яшнаши даври бўлиб, у XIII асрга таалуқлидир. Шу даврга келиб Ғарбий Европа фани араб, яҳудий ва Византия фанлари ютуқлари асосида ривожланди ва шу йўл билан Ғарб Аристотелнинг «Органон» ига киритилган илмий ишлари ҳамда унинг қолган барча мантикий асарлари билан танишди. XVI асрдан бошлаб Аристотел асарлари Ғарбий Европа мантикий қарашларининг вужудга келишига асос солди ва уларга Ғарбий Европалик схоластларнинг кўпгина шарҳлари пайдо бўлади. Ҳатто илоҳиятнинг ўзи Аристотел фалсафаси мазмунини сингдира бориб, қай-та шаклланди. Албатта, бунда Аристотел фалсафаси ва мантиғининг, ўз навбатида, уларни христиан илоҳиятига мослаштириш мақсадида схоластик қайта ишлашга дучор этилганлигини назарда тутиш жоиз»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т.: Фан, 1981. - С. 10.

<sup>2</sup> Қаранг: Маковельский А. О. История логики. -М., 1967. -С. 267.

<sup>3</sup> Маковельский А. О. История логики. -М., 1967. -С. 208-274.

Шундай қилиб, Шарқ олимлари томонидан авайлаб сақланган ва ривожлантирилган Аристотелнинг мантикий таълимоти VI-XII асрлардан бошлаб Юнон олимларининг табиий-илмий ва фалсафий ишларини арабчадан лотинчага таржима қилишлари туфайли секин-аста Ғарбий Европа фанининг мулкига айлана борди.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, илк Ўрта асрларда яшаб ижод этган Марказий Осиё мутафаккирларининг барчаси антик давр меросига ал-Форобий каби муносабатда бўлган; мавжуд билимларни танқидий ўрганиб, янги илмий ғояларни илгари сурганлар. Бу даврда диний ва дунёвий илмлар қаторида мантиқ илми ҳам ўз ривожининг янада юқорироқ поғонасига кўтарилди.

Араб тилида ижод этган ал-Киндий, ал-Форобий ва Ибн Синоларнинг мантиқ илмини, илмий атамаларни ишлаб чиқиши билан боғлиқ хизматлари ҳам бекиёсдир. Улар, асосан, атамаларни ўзгартириш йўлидан эмас, балки фалсафий-мантикий лўғатни кенгайтириш йўлидан бордилар. Бу файласуфларнинг ҳар бири ўзини қизиқтирган муаммо билан шуғулланар экан, шу муаммога мос равишда атамаларни ҳам ишлаб чиққан. Хусусан, Ал-Киндий файласуф ва табиатшунос сифатида табиий-илмий лўғатни кўпроқ ишлаган. Ал-Форобийнинг фалсафий лўғати анча кенг бўлиб, унга мантикий, ижтимоий, ахлокий атамалар, жон билан боғлиқ тушунчалар, категориялар, умуман олганда, ал-Киндий ишлаб чиқмаган атамалар киритилган. Ибн Сино улардан ҳам илгарилаб кетиб, янги фалсафий, мантикий атамаларни ишлаб чиққан.

Силлогизм назарияси мантиқ соҳасида Аристотел тадқиқотлари-нинг асосий натижасидир. У биринчи бўлиб илмий муомалага «силлогизм» (яқунламок, хулоса чиқармок) сўзини киритди. Ал-Форобий эса уни арабча «қиёс» (ўлчаш, ўлчам, меъёр, хулоса чиқариш) сўзи билан атади ва Аристотелга ўхшаб меъерий фикр юритиш учун асос қилиб олди. Шу вақтдан бошлаб у араб тилида силлогизмни англатадиган мантикий атама бўлиб қолди.

Ал-Форобийнинг билдирган фикрлари Аристотелнинг «Биринчи аналитика»сида баён қилинган фикрларига бориб тақалади. Маълумки, Аристотел мулоҳазага қуйидагича таъриф берган эди: «Барчасига тааллуқли ёки ҳеч бирига тааллуқлиги эмас», деган мулоҳаза умумий, «Баъзиларига тааллуқли ёки баъзиларига тааллуқли эмас» эса жузъий,

«Бирор нарса бошқага тааллуқли ёки тааллуқли эмас, лекин тааллуқлиги кўрсатилмаган», деган мулоҳаза ноаниқдир<sup>1</sup>.

Аристотелча «тааллуқли» сўзи ўрнига Ал-Форобий «таркибида бор» ифодасини қўлайди. Аристотел силлогистикасининг «тааллуқли» атамасига асосланган тўртта мантиқий доимийси ал-Форобий назариясида қуйидагича изоҳланади: «барчасининг таркибида бор», «бирортасининг ҳам таркибида йўқ», «баъзиларнинг таркибида бор», «баъзиларининг таркибида йўқ». Бу изоҳ Аристотелча талқинга зид келмайди, чунки Аристотелдаги «тааллуқли», «акс этади», «таркибида бор» иборалари бир хил мазмунда қўлланилади. Стагират «Аналитикалар» ида «бирорта нарса бутунлайин бошқа нарсага нисбатан берилади», деб тўғридан-тўғри қайд қилди<sup>2</sup>.

Силлогизм терминлари, тушунчалари сўзларда ифода этилгани учун, Яқин ва Шарқ мантиқшунослари сўзларнинг маъносини таҳлил этишга ҳам аҳамият берганлар. «Хусусан улар маъносига кўра сўзларнинг уч турини:

- 1) тўлиқ мазмунида ишлатиладиган сўзлар;
- 2) маъносининг бир қисмида ишлатиладиган сўзлар;
- 3) маъносини ташкил этадиган нарсани англатадиган сўзларни фарқлаганлар»<sup>3</sup>.

Хусусан Абу Абдуллоҳ Хоразмий бу масалага муфассал тўхталиб, сўзларни ва уларнинг тушунчалардаги мантиқий маъноларини кўриб чиққан ва бу билан Яқин ва Ўрта Шарқ мантиқшуносларининг силлогизм таркибдаги тушунчаларнинг маъноси ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирган ва чуқурлаштирган.

Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг араб тилида фалсафий ва мантиқий атамаларни ишлаб чиқиши билан боғлиқ бўлган фаолияти уларнинг Платон, Аристотел каби юнон мутафаккирларининг асарларини, шу жумладан, Аристотел «Аналитикалар»ини чуқур ўрганганли-гидан далолат беради. Уларнинг фалсафий терминологияни таҳлил қилиши перипатетизм аъёнларининг ривожланишидаги ворисийликнинг мавжудлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, қадимги юнон мутафаккирларининг мантиқий қарашларининг кенг

<sup>1</sup> Из истории философии. -М., 1957. -С. 11-12.

<sup>2</sup> Аристотель. Аналитики. Соч. Т.2. -М.: Мысль, 1974. -С. 9.

<sup>3</sup> Хайруллаев М. М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: Ўзбекистон, 1971. - 178 б.

тарқалишига сабаб бўлган омиллardan яна бири мантик қонун-қоидаларининг, айниқса, хулоса чиқариш ва исботлаш усуллариининг дин ва давлат масалаларини чуқур таҳлил қилишга қўлланилиши эҳтиёждир. Ана шунинг учун ҳам қадимги юнон файласуфларнинг мантиқий таълимотлари Яқин ва Ўрта Шарқда тоза назарий шаклдагина эмас, балки амалий соҳаларда қўлланилиши билан узвий боғлиқ ҳолда олиб ўрганилган. Буни Марказий Осиёда фикҳ илмининг ривожланиши мисолида кўриш мумкин.

Марказий Осиёда мукаммал ишланган мусулмон ҳуқуқи жорий қилиниб, унда Қуръон, ҳадис каби мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланган китобларда асосий ҳуқуқий меъёрлар (норматив ҳукмлар) мужассамлантирилган ва улар мантиқан изчил, асосли баён қилинган. Уларга ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиш мумкин бўлмаган. Чунки бу ҳуқуқий меъёр-нормалар илоҳийлаштирилиб, ҳудо ва унинг расули - пайгамбар номи билан боғлангандир. Улар абадий, қатъий ўрнатилган, деб ҳисобланган. Бу меъёрларнинг мазмуни ва мантиқий тузилиши қатъий ҳолда сақланиши ва уларни амалга оширувчилар мана шу ҳолатни ҳисобга олиши керак бўлган.

Бу ерда яна шуниси характерлики, «Муҳаммад ва унинг тарафдорлари монотеизм қоидаларини жорий қилишда ўзларидан олдинги диний, фалсафий, айниқса, мантиқий, сиёсий таълимотлардан, улардаги атамлардан ўринли фойдаланганлар. Бу ислом сиёсий мафқурасининг янада ривожланишига олиб келган»<sup>1</sup>.

Шунинг билан бир қаторда Қуръон сураларида баъзи масалаларни ечишда келиб чиқадиган саволларга етарли даражада жавоб топишга қийналганда мусулмон ҳуқуқшунослари шариатга қўшимчалар киритишга ва уларни мавжуд қонун-қоидалар билан мантиқан боғлашга мажбур бўлиб қолганлар.

VII-IX асрларда диний жамоа ва давлат орасидаги муносабатлар назарий жиҳатдан етарли даражада асосланмаган эди. Шунинг учун бу даврда дин, шариат қонун-қоидаларини белгилаб берувчи ва мантиқан асословчи илоҳиёт ҳуқуқшунослиги - фикҳга асос солинган.

Қуръон, Суннанинг тафсилот доираси тор келиб қолганлигини сезган илоҳиётчилар шариатга қўшимча яна

<sup>1</sup> Саидов А. Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. -Т., 1998. -23 б.



бир манба - ижмоъни киритганлар.

«Ижмоъ - арабча - бирдамлик, яқдиллик билан қабул қилинган қа-рор, диний жамоанинг ягона фикри. Қуръон, ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда фикҳ ва мужтаҳидларнинг тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши (фатво бериши) дир»<sup>1</sup>. Бунинг негизида индуктив хулоса чиқаришининг ётишини тушуниб олиш кийин эмас.

Шуни айтиш керакки, Мадина, Ироқ, Суриядаги фикҳ мактабларида олиб борилган тадқиқотлар Қуръон, Суннанинг диний ақоид ва ҳуқуқ масалаларининг кўпларига амалий жиҳатдан жавоб бера олмаган. Бундай шароитда Ҳадисларни бекор қилишга имкон берувчи насх назарияси: Суннадаги қайси ҳадислар (носих)<sup>2</sup> ундан афзаллигига қараб бекор этилиши ёки умуман бекор этилишини аниқлашга имкон берадиган махсус адабиётлар кўплаб яратилган. Албатта, бу соҳада жуда катта тортишувлар юзага келиб, оқилона тарзда, мантиқ қоидалари асосида ҳукм чиқариш содир бўлган. Бундай усул - Қиёс (солиштириш, таққослаш) деб аталган. У маълум бир даражада шариятнинг тўртинчи асоси, мантикий воситасига айланган. Ал-Форобийнинг қиёс деганда, силлогизмни тушунганини эсласак, мазкур манбада мантиқ кучига қандай эътибор берилганини тушуниб олиш кейин эмас.

Қиёс Қуръон ва Суннада учрамайдиган бирорта масала, масалан ҳуқуқий масала, йўл-йўриқ, кўрсатмаларни мантикий таққослаш, ўхша-тиш воситасида шарҳлаш, изоҳлаш натижасида ҳукм ёки фатво чиқариш усули деб ҳисобланарди. Қиёс фикҳ ҳуқуқининг таъсир доирасини кенгайтириб, шариятни кишилар ҳаётнинг турли томонларига татбиқ этишга имкон яратган. Бу ҳолат ҳокимлар ва уламоларга ҳам кенг эркинлик берган. Чунки улар ижмоънинг ёрдамсиз, бир гуруҳ уламолар ўртасида муҳокама қилиб ўтирмай, «Қуръон ва Ҳадислардаги бирорта таққослаш мумкин бўлган ўхшаш ҳолга асосланиб, мустақил равишда, хоҳлаган томонга буриб ҳукм чиқариш имкониятига эга бўлдилар»<sup>3</sup>.

Ислом билан чамбарчас боғлиқ бўлган суфизм

<sup>1</sup> Исҳоқов С. Бурхониддин Марғилоний ва фикҳ илми. -Т.: Адолат, 2000. -15 б.

<sup>2</sup> носих – бекор қилувчи.

<sup>3</sup> Саидов А. Журжоний. Шарҳ ва инсон ҳуқуқлари. -Т., 1998. -48-б.

таълимоти Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда ривожланган бўлиб бу ерларда уларнинг кўплаб тарафдорлари, тарғиботчилари ҳамда йирик намояндалари ижод қилишган. Уларнинг таълимотлари сиёсатнинг, ҳуқуқнинг фалсафий асослари, қонуниятларини ўрганиш, ривожлантириш, қўрилаган масалаларга мантиқан тўғри ёндашишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, илк ўрта аср, яъни VIII-XII асрларда халифалик таркибига кирган кўп халқлар маданиятининг бирлашуви, арабларнинг шимолдаги қўш-нисси Византиянинг таъсири, Яқин Шарқда эрализмнинг бошларидаёқ кенг тарқала бошлаган қадимги Юнонистон маданий мероси, Эрон ва Марказий Осиёдаги зардуштийлик, пайғамбар Муҳаммад тарғиб этган ислом диний тасавурлари ва ақидаларини турлича изоҳлаш бидъат, сўнгра хурфикирликни вужудга келтирди.

Биринчи бобнинг биринчи параграфига хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Ўрта асрларда Шарқда тўпланган, бойитилган, ривожлантирилган илмий билимларнинг асосий қисми Марказий Осиё мамлакатлари хиссасига тўғри келади. Бу ерда тўпланган етарли тажриба, бой анъана борлигини билиш, мантиқий муаммоларни ишлаб чиқишга сезиларли таъсир кўрсатди ва бошқа давлатларда, хусусан, Европада мантиқий ғояларни ривожланишига туртки берди.

2. IX асрнинг бошида халифа ал-Маъмун даврида Бағдодда ва халифаликнинг бошқа шаҳрларида қадимги Юнонистон илмий-фалсафий меросига қизиқиш кучайди. Дамашқ атрофида расадхона, Бағдодда илмий кутубхона, Донишмандлик уйи (Байт-ул-Ҳикма) каби илмий-ма-рифий бинолар вужудга келди.

3. Ал-Киндий, ал-Форобий, Ибн Сино, ал-Хоразмий, Ибн Рушд каби алломаларнинг илгари сурган илмий мантиқий ғоялари Марказий Осиё мамлакатларида илмий муаммоларни ҳал қилишда, масалаларни ишлаб чиқишда юз йилликлардан илгарлаб кетди.

1.2. Юнон мантиқий таълимотларини Марказий Осиёга кириб келиши: Аристотел мероси, унинг «Аналитикалар»и

Аристотел мантиқий меросини ўрганишни, унинг биз тадқиқ этмокчи бўлган асарларининг асосий ғоялари ва тамойилларини ажратиш, уларга қисқача тавсиф беришни

таказо этади. Бу бўлим айнан шу вазифани бажаришга бағишланган.

Қўйилган вазифани ҳал этиш учун, аввалам бор юнонистонда мантикий таълимотларининг пайдо бўлиши, Аристотелнинг матикни концепцияси, «Аналитикалар»нинг Аристотел фалсафий таълимоти ва, айниқса, мантикий системасида тутган ўрнини аниқлаш зарур.

«Нур Шарқдан» дейилган экан қадим юнон нақилларидан бирида. Дарҳақиқат, «ақл куёши - маърифат Машриқда туғилиб, Мағрибга йўл олгандир»<sup>1</sup>. Санъат ва маданият дастлаб Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё каби ўлкаларда вужудга келиб, сўнг эса Ғарбга тарқалди.

«Бугунги Европанинг холисликни ушлаган энг машҳур олимлари Ғарбдаги қадим антик маданиятининг майдонга келишида Хоразм сарҳад-ларида кўз очган зардуштийлик таълимотининг ҳал қилувчи таъсирини кўрадилар»<sup>2</sup>.

«Аристотелдан уч-тўрт аср аввал Хоразмда ёратилган «Авесто» китобида диалектика асослари изоҳлаб берилган. «... «Авесто»да «Фикр Сўз - Амал» тамойили билиш назарияси, гносеологиянинг замин тартибидан дарак беради ... «Авесто» жаҳонда кейинги ривожланиб кетган фалсафа соҳасидаги дастлабки асардир ҳамда барча фанларнинг бир жам ҳолатда, яъни интеграл кўринишда баён этган умумий қомусий китобдир»<sup>3</sup>.

Қадимги юнонистонда мантик масалалари, дастлаб, Пармениднинг «Табиат тўғрисида» асарида, Элейлик Зеноннинг апорияларида, Гераклит таълимотида у ёки бу даражада кўриб чиқилган. Аристотелгача бўлган мантикий таълимотлар ичида Демокритнинг мантикий таълимоти, Сократнинг индуктив методи ва Платоннинг диалектикаси диққатга сазовордир.

Демокрит (эр. ав. 460-370) мантикий таълимотида фикрнинг чинлиги масаласи муҳим ўрин тутди. У кўпроқ индукция ва аналогияни ўрганишга эътибор беради, ҳақиқатни билиш учун яқка буюмларни кузатиш, ҳис қилиш орқали умумлаштириш зарур, деб таъкидлайди. Ҳукми субъект ва предикатнинг ўзаро алоқасидан иборат, деб таърифлайди. У етарли асос қонунини онтологик асосда

<sup>1</sup> Қосимов Б. Асллик //Тафаккур қарвонлари. –Т.: Маънавият, 1999. –4 б.

<sup>2</sup> Уша асар. – 4 б.

<sup>3</sup> Файзуллаев О. Ўзбекистон: қадимги фанимиз ва ҳозирги замон //Мулоёт. –2002. - №3. –4 б.

тушунтиради. Демокритнинг мангикий таълимоти кейинчалик Аристотел ва Ф. Бэкон таълимотларига сезиларли таъсир кўрсатган.

Сократ (эр. ав. 469-399) таълимотига кўра буюмларнинг моҳиятини билиб бўлмайди. Инсон, аввало, ўз-ўзини билиши керак. Билим умумийлик тўғрисидаги тушунчадир. Ҳақиқатни аниқлаш учун ўзига хос усул даркор. Бу усул воситасида ўрганилаётган буюм ҳақида умумий тушунча ҳосил қилинади ва шу тушунчага асосланиб буюм ҳақида фикр юритилади. Ҳақиқатни аниқлаш учун муҳолиф фикридаги зиддиятлар ўрганилади. Предмет ҳақидаги тушунчалар зиддиятли бўлса, демак билим юзаки бўлади. Сократ ҳақиқатни аниқлашда индукция ва дефинициядан фойдаланишни тавсия этади.

Индукция - кундалик ҳаётдаги яқка мисоллар асосида умумий тушунчаларни ҳосил қилиш усулидир. Дефиниция - баҳс жараёнида тушунчаларни таърифлашдан иборат. Бу усулни Сократ «майевтика» деб атади.

Платон (эр. ав. 427-347) устози Сократнинг, умумий тушунчалар буюмларнинг моҳиятини ифодалайди, деган фикрини давом эттиради. У умумий тушунчаларни буюмлардан ва инсонлардан ажралган мутлақ ғоялар сифатида талқин қилади, уларни бирламчи деб билади. У ҳукми тафаккурнинг асосий элементи деб ҳисоблайди. Ҳукм эга ва кесимнинг биригидан иборат бўлиб, тасдиқ ёки инкор маънони билдиради. Агар ҳукмда бирлашиши мумкин бўлмаган тушунчалар бирлаштирилса, у хато бўлади.

Платон ҳукмларни ташкил этувчи тушунчаларни пирамида шаклида тасвирлайди. Пирамиданинг учига эзгулик тушунчасини кўяди. Борлик, ўзгариш, сукунат, айният, тафовут тушунчаларини энг универсал тушунчалар, деб таърифлайди. Чин билимга интуиция орқали эришилади. Платон дефиниция масаласига катта эътибор берган, яқин жинс ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш усулини, тушунчаларни дихотомик бўлишни билган.

Платон тўғри тафаккурнинг асосий қонуларини таърифлаб бермаган бўлса ҳам, уларнинг моҳиятини тушунган. Масалан, контрадиктор тушунчалар, ҳукмлар, бир вақтда бир хил муносабатда бир буюмга нисбатан чин бўла олмаслигини таъкидлаган. «Евтидем» диалогидagi «бир нарсанинг ҳам бўлиши, ҳам бўлмаслиги мумкин эмас», даган

фикри унинг нозидлик қонунини билганлигидан далолат беради.

Мантиқ илмининг алоҳида фан сифатида шаклланиши Аристотелнинг номи билан боғлиқдир. Аристотел (эр. авв. 384-322) ўз давридаги табиатшунослик ва фалсафий билимларни умумлаштирган ҳолда, фалсафий масалаларни бир тизимга солиб, уларни изчил тарзда ёритди ҳамда тафаккурнинг мантиқий шакл ва қонуниятлари, усуллари ҳақида мукамал таълимотни яратди. Хусусан, у фалсафа фанини онтология, гносеология, мантиқ, психология, этика, эстетика каби илмларни ўз ичига олувчи яхлит тизим сифатида биринчи бор ўз асарларида баён этди. "Арастунинг фикрича, кўпдан кўп фанлар орасида бир тури борки, у уч ҳилда намоён бўлади, улар "мантиқ санъати", "табиат ҳақидаги фан" ва "ниятлар ҳақидаги фан"лардир. Мантиқ санъати бу икки фанлар олдинроқ, юқорироқ туради ва бу икки фанга эришган ҳар бир кимсани мантиқ санъати синовидан ўтказади.<sup>1</sup>

Аристотел тафаккурнинг мантиқий шакл ва қонуниятлари ҳақида-ги илми «Аналитика» (хулоса чиқариш ҳақидаги таълимот) ва «Аподиктика» (исботлаш ҳақидаги таълимот)га ажратди. Аристотел мантиғи асос-эътибори билан хулоса чиқариш ва исботлаш назариясидир. Хулоса чиқариш кўпроқ аналитик тамойилларига асосланади ва бу жиҳатдан олганда, Аристотелнинг мантиқий таълимотини математик категориялар ва усулларни фалсафий умумлаштириш натижасида вужудга келган, деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Шу билан бирга Аристотел тафаккурнинг бошқа шакл, қонуният-лари, усуллари тўғрисида ва, умуман, турли фалсафий масалаларга оид кўп асарлар ёзиб қолдирган. Унинг шогирдлари мутафаккирнинг мантиққа оид асарларини тўлаб ва тизимга солиб, унга «Органон» (билим, фикрлаш қуроли) номини бердилар. «Органон» Аристотелнинг бевосита тафаккур шакллари тўғрисидаги олти асарини ўз ичига олади: 1) «Категория»лар асарида тушунчалар, уларнинг турлари, асоси, энг умумий илмий тушунчалар - категориялар, уларнинг илмий қиймати баён этилади; 2) «Талқин ҳақида» деб номланувчи илмий асар ҳукмлар ҳақидаги таълимотни, хусусан, уларнинг тузилиши,

<sup>1</sup> Фалсафату Аристутолис// Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Т., 1993, 62 б

турлари, аҳамияти, фикрлаш жараёнида тутган ўрни каби масалаларни ўз ичига олади; 3) «Биринчи Аналитика» асарида мантикий тафаккурнинг энг муҳим шакли - хулоса чиқариш, унинг таркибий қисмлари, турли усул ва хиллари каби жуда кўп масалалар баён этилган; 4) «Иккинчи Аналитика» асарида хулоса чиқариш билан боғлиқ бўлган фалсафий исботлаш назарияси, хусусан, исботлашнинг асослари, тузилиши, турлари, характери, алоҳида аҳами-яти каби қатор масалалар изчил ёритилган; 5) «Топика» китоби фикрлаш жараёнида фойдаланиладиган турли мантикий категориялар, усуллар, йўл-йўриқларни таҳлил этишга бағишланган; 6) «Софистик раддиялар ҳақида» асарида Аристотел муҳокама юритиш жараёнида вужудга келадиган турли нотўғри хулосалар, уларнинг сабаблари, турлари, зарари ва уларни аниқлаш ҳамда тўғрилаш йўллари ҳақида сўз юритади. Аристотелнинг «Органон»ига кирмаган бошқа асарлари ҳам, айниқса, уч китоби: «Жон ҳақида», «Физика», «Риторика» мантик илмининг турли масалаларига оид фикрларга бой. Аристотелнинг энг муҳим фалсафий асари - «Метафизика»да ҳам мантикнинг асосий элементлари, шу жумладан, тафаккур қонунлари хусусида фикр юритилади. Форобий фикрича бу асарда "...мавжуд нарсаларни, табиий мохиятларини ўрганган ва тадқиқ этган усулидан ўзгачароқ усулда ўрганган ва тадқиқ этган"ни маълум.<sup>1</sup> Аристотел кашф этган ва изоҳлаб берган тафаккурнинг уч мантикий қонуни: 1) айният, 2) нозидлик 3) учинчиси истисно қонуни ҳақидаги мулоҳазалар айнан ана шу «Метафизика» асарида баён этилган. Яна шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Аристотел бу асарида «тафаккур шакллари ва қонунларини уларнинг тилдаги (нутқий) ифодалари»<sup>2</sup> билан боғлаб текширган.

Аристотел фалсафий таълимотини ва, айниқса, унинг мантикий системасини, қадимги дунёдаги фалсафий фикрлар эволюциясининг натижаси деб ҳисоблаш зарур.

Аристотел «Аналитика»ларда тилни тадқиқот объектига айлангирди ва унда тилнинг ички тузилиши сифатида таҳлил қилган нарсаси мантиқан тўғри хулосалаш (силлогизмлар, далил-исботлар) бўлди. Тил барча академик фанларнинг бир қисмини ташкил этгани, аниқроғи, фан ўз тилига эга бўлгани

<sup>1</sup> Фалсафату Аристутолис//Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Т., 1993, 108 б.

<sup>2</sup> Ахмаков А. С. Логические учение Аристотеля. -М., 1960. -С. 74.

туфайли, мантикий тўғри хулосалашнинг тадқиқи ҳам улар учун умумий бўлиб ҳисобланади<sup>1</sup>.

Фалсафа тарихидан маълумки, фалсафа фанини услубий жиҳатдан тадқиқ этиш билан биринчи бўлиб Сократ ва Платон шуғулланганлар. Аристотелнинг диалектика ва мантиғи уларни танқидий ишлаб чиқишдан ҳосил бўлган. Бу икки қадимий юнон файласуфларининг фикрича, диалектика нарсаларнинг моҳиятини, ҳақиқатни билиш куралидир ва айнан шу жиҳатидан мантиқ билан узвий алоқада бўлиб, Аристотел «Органон»ининг ўзагини ташкил этади.

Аристотелдан кейин унинг фалсафасини, жумладан мантиғини шарҳлаш, тушунтириш ва айрим қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи файласуфлар мактаби вужудга келган. Бу мактабнинг вакиллари фалсафа тарихида «перипатетиклар» (Аристотелчилар) деган ном билан машҳурдирлар.

Қадимий даврда «Аналитикалар»га анча кенг шарҳларни перипатетиклардан А. Афродизийский (эр. ав. II-III), Фелистий, Пафлогонский (эр. ав. IV), Филипон, Проб, Аммоний, Гермейлар берганлар. «А. Афродизийскийнинг шарҳларининг бошқа шарҳлардан ажралиб турувчи хислати шундаки, у стоикларнинг пропозиционал мантиғини баъзан Аристотелнинг дедуктив силлогистикасига нисбатан метасистема сифатида қўлайди»<sup>2</sup>.

Аристотелдан сўнг бир неча ўн йилликлардан кейин майдонга чиққан стоицизм фалсафасида мантиқ том маънода илмнинг бир қисмини ташкил қилувчи махсус фан сифатида тушунилган.

Мантиқнинг вазифаси, Аристотел талқинида, изоҳ манбалари бўлиб хизмат қилишга қодир бўлган элементларга айланувчи усулларни ўрганиш ва кўрсатишдан иборат. Аристотел ўзининг асосий мақсадини тўғри хулоса чиқариш санъати ҳақида маълумот беришда деб тушунади. «Бу санъат (нотиклик санъати Х.М) воситасида, - деб ёзган эди Форобий, - руҳнинг оқил қисми, ўқитиш силсиласида нутқ ва суҳбатлардан қандай фойдаланишни, баҳслар қандай қилиб софизмларни келтириб чиқаришини билади»<sup>3</sup>. Мазкур санъат ҳақидаги таълимотни Аристотел «фан» деб атайдди. Лекин бу атамани Аристотел «илмнинг махсус соҳасини

<sup>1</sup> Shirbe G., Gilje N. The history of philosophy. Polity press. -2002. -С. 131.

<sup>2</sup> Луканин Р. К. Органон Аристотеля. -М.: Наука, 1980, -С. 12.

<sup>3</sup> Фалсафату Аристутолис//Абу Наер Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: 1993, 62-б.

эмас, балки кенг маънода ишботлаш шартлари, унинг кўринишлари, даражалари, умумий қоидаларини аниқлашга имкон берадиган тадқиқот сифатида қўллайди»<sup>1</sup>.

Шу ерда мантиқда билишнинг тадқиқ объектлари Аристотелни ўз ҳолича, ёпиқ ҳолатда эмас, балки фан, ақл, интуиция ёрдамида аниқ-ланадиган умумий қонуниятлар элементлари сифатида қизиқтиришини айтиб ўтиш ўринлидир.

«Мантик» сўзининг пайдо бўлиши ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг биричи бор Демокритнинг «Мантик ҳақида ёки қонун»<sup>2</sup> асарида ишлатганини кўрамиз. Лекин бу терминининг доимий қўлланишига эл-линистлар, платончилар, перипатетиклар ва, айниқса, стоикчилар сабаб бўлганлар. Шу билан бирга стоикчилар грамматикани (синтаксис) ва фалсафий мушоҳада тилини мантикнинг таркибига киритдилар ҳамда риторика ва диалектикани матик билан узвий боғлиқ илм турлари сифатида ажратдилар. Хусусан «Риторика деб - яхши муҳокама қилишни, диалектика деб эса, савол-жавоблар орқали вужудга келадиган тортишувлар қоидалари ҳақидаги фанни тушундилар»<sup>3</sup>. «...бу санъат инсонни, ўзи ва бошқа бир одам орасидаги мавжуд ҳолатни тадқиқ этишда фойдаланишга, савол ва жавоб шаклида тайёрланди... фанни ўрганишга тайёрловчи ва тадқиқ этувчи «санаъи жадалиё», «деалектика санъати» деб аталади»<sup>4</sup>.

Баъзи тадқиқотчиларинг таъкидлашича, «... стоикчилар мантик илмининг айрим масалаларини таҳлил қилишда ристотелдан ўзиб кетган»<sup>5</sup>. Бу фикрга қўшилса бўлади.

Ҳақиқатан ҳам Аристотелнинг фикрлаш ҳақидаги илми билан анъанавий мантик илмини аралаштириб бўлмайди. Анъанавий мантик илми турли тарихий давр ва йўналишдаги мантикий тизимларнинг алоҳида элементларининг йиғиндиси ҳисобланади. Унинг вужудга келишишга Аристотел мантиги ҳамда перипатетикларнинг, стоикчиларнинг, неоплатоникларнинг, схоластларнинг

---

<sup>1</sup> Ўша асар. -С. 6.

<sup>2</sup> Sext, Emp. Adv. Math. VII. 16.

<sup>3</sup> Луканин Р. К. Органон Аристотеля. -М.: Наука, 1984. -С. 5.

<sup>4</sup> Фалсафату Аристутолис//Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Т., 1993, 68 б.

<sup>5</sup> Масалани қаранг: Бурабаев М. С. Основные идеи и общая характеристика логической проблематики Аль-Фараби //О логическом учении Аль-Фараби. Из-во «Наука» Казахской ССР. -Алма Ата, 1987. -С. 68.



мантикий қарашлари асос бўлган.

Аристотелнинг мантик масалаларини қараб чиқишга бағишланган барча асарларини ўрганиш шуни кўрсатадики, унинг мантикий тадқиқотларида уч хил муаммога алоҳида эътибор қаратилади:

1. Эҳтимолий билимнинг мавжуд бўлиш усули ҳақидаги масала. Мантикий тадқиқотнинг бу бўлимини Аристотел «Диалектика» деб атайдди. Бу масалани «Топика» асарида кўриб чиқади.

2. Эҳтимолий бўлмаган, ишончли билимнинг мавжудлигининг икки асосий усули ҳақидаги масала. Улар таърифлаш ва исботлашдир.

3. Билим асосларини топиш усули масаласи; бу - индукциядир.

Аристотел фикрича «диалектика» ўз хулосалари билан билимни нотўғри элементлардан танқидий «тозалашга» олиб боради, ақлни чин асосларни бевосита кўриб чиқишга тайёрлайди. Бу икки мақсадга эҳти-молий билиш қодаларини солиштириш йўли билан таҳлил қилиш, тарихан маълум таълимотлар ва уларда мавжуд зиддиятларни аниқлаш орқали эришилади.

Аристотелнинг таъкидлашича, мантик нафақат эҳтимолий, балки ишончли билим олишнинг усулларини ҳам тадқиқ қилади. Бу қисми, юқорида айтиб ўрганимиздек, таърифлаш ва исботлаш назариясидан иборат, деб тушунтиради.

Шунингдек, Аристотел мантикни янги билимлар ҳосил қилишга олиб келувчи хулоса чиқариш ва ҳақиқатни исботлаш қуроли тўғриси-даги фан сифатида талқин этади. Унингча, янги билим олиш усулларини ўрганиш «исботлаш ҳақидаги илмнинг вазифаси»<sup>1</sup>. Ўз моҳиятига кўра Аристотелнинг мантикий таълимоти - бу силлогизм, яъни дедуктив хулоса чиқариш тўғрисидаги таълимотдир. Форобий бу ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «Бу санъат, инсоннинг ўзи ва бошқа биров ўртасидаги мавжуд нарсани ўрганиш жараёнида тезда қиёслар (силлогизм) топиш қобилиятига эришишга тайёргарлик кўришда бир восита бўлади»<sup>2</sup>.

Мантик, Аристотел фикрича, «ҳақиқатни, чин фикрни ёлғондан ажратиш учун хизмат қилиши керак»<sup>3</sup>. Ҳақиқат - бу

<sup>1</sup> Аристотель. Сочинение в четырех томах. Т.2. -М., 1978. I 24а. -С. 10-11.

<sup>2</sup> Фалсафату Аристутолце//Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Т., 1993, 67 б.

<sup>3</sup> Метафизика. IV 4, 1008а 34-36.

фикрнинг борлиққа, яъни предмет ва ҳодисалар, улар ўргасидаги муносабатларга мос келишидир.

Ёлгон эса фикрнинг реал, объектив нарсаларга, уларнинг боғла-нишларига мос келмаслиги, уларни нотўғри акс эттириши, бузиб кўрсатиши натижасида вужудга келади. Демак, Аристотел фикрича, тафаккур шакллари, уларнинг алоқалари субъектив равишда, яъни инсоннинг хоҳиши билан эмас, балки объектив борлиқ билан белгиланувчи зарурий ҳодисадир.

Шунинг учун ҳам, мантикий шакл ва қонунлар объектив характерга эга деб ҳисобланади. Тафаккурга хос бўлган бу табиий қонунларга риоя этиш, улар асосида фикр юритиш, ҳақиқатни аниқлаш билишнинг энг муҳим шартларидир.

Аристотелнинг фалсафий, умуммантикий таълимоти ҳақидаги таҳлилга яқун ясаб, қуйидагиларни айтиш мумкин:

1) Мантиқ Аристотел фалсафсининг таркибий қисми бўлиб ҳисоб-ланади;

2) Мантиқ ҳақидаги Аристотел таълимоти асосан унинг «Органон»ида баён этилган;

3) Аристотел мантикий тадқиқотларининг муҳим бир қисмини «Аналитикалар» ташкил этади. Унда Аристотел ўзининг мантикий таъ-лимотининг ўзагини - силлогизм назариясини баён қилади.

Аристотел фикрига кўра, унинг «Аналитикалар»и «Исбот тўғри-сидаги ва исботловчи фандир»<sup>1</sup>. «Исбот, ўз навбатида, ҳар қандай фаннинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади ва шу маънода у билан айнандир»<sup>2</sup>. Шу билан бир қаторда «Аналитикалар»да тадқиқ этиладиган предмет «Аналитик фан» бўлиб ҳам ҳисобланади. «Аналитикалар»ининг бошланишида Аристотел, аввал, силлогизм устида ва фақат ундан сўнг исботлаш устида тўхталиш зарурлиги ҳақида ёзади; чунки «исботлаш маълум маънода силлогизмдан иборат; лекин ҳар қандай силлогизм ҳам исботлаш бўла олмайди»<sup>3</sup>. Шунинг учун ҳам кейинчалик Аристотелнинг аналитика дефинициясини инкор қилиши ва «Биринчи аналитика»да силлогизм ҳақида соф ҳолда,

<sup>1</sup> Аристотель. Первая Аналитика. Сочинение в четырёх томах. Т.2. -М: -1978 I 1,24 а, II 2 19, 99 в 17.

<sup>2</sup> Ўша асар. II в, 19, 99в 17.

<sup>3</sup> Аристотель. Первая Аналитика. Сочинение в четырёх томах. Т-2 М: -1978. II, 30-35.

«Иккинчи Аналитика»да унинг исботлашда қўлланилиши тўғрисида гапириши деярли анъанага айланиб қолган.

«Аналитикалар» предметини мана шундай тушуниш натижасида Аристотел бир йўла икки мақсадга эришади: бир томондан, силлогизмни, унинг табиатини формал мантик нуқтаи назаридан талқин қилишда қулайликка эга бўлади. Бошқа томондан эса, «Аристотел мантиғининг аподиктика ва диалектика каби фикр мазмунини ҳисобга оладиган соҳалари ўзларининг мустақил фан сифатидаги аҳамиятини йўқотмайди»<sup>1</sup>.

Аристотел мантиқий таълимотида силлогистик хулоса чиқаришга катта эътибор берилишининг сабабларидан бири, бизнингча, силлогизмнинг қадимги давр фалсафаси олдида турган бош вазифани ҳал этиш билан узвий боғлиқлигидир. Бу бош вазифа оламнинг яхлит космологик-онтологик моделини яратишдан иборат. Уни антик дунё мутафаккирлари оламнинг бирлиги негизида ётадиган бошланғич умумий асосни - субстанцияни топиб, борлиқдаги турли хил жузъий нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиш сабабини ана шу субстанциядан келиб чиқиб тушунтириш орқали ҳал этишган. Бунда фикрнинг умумийликдан (субстанциядан) жузъийликка (якка нарса ва ҳодисаларга) қараб йўна-лишини кузатамиз.

Бу ерда, қадимги дунёда мантик илмининг пайдо бўлишида, юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, нотиклик санъати ва риёзиётнинг алоҳида ўринга эгаллигини ҳам яна бир бор ёдга олиш ўринлидир.

Аристотел фикрича билимда қўлланилаётган муҳокамаларнинг схемаси асосан риёзиёт фанлари бўлмиш: арифметика, геометрия, оптика - умуман олганда ҳамма фанларнинг объектни тадқиқ этиш сабабларини, яъни «нима учун?», «нима учун бор?»<sup>2</sup> каби саволарига жавоб бериб, уларни исботлаш тарзида бўлади.

Маълумки, риёзиётнинг асоси дедуктив-аксиоматик методдир. Унда дедуктив-аксиоматик тизимнинг жузъий характерга эга бўлган тушунчалари, теоремалари, постулатлари, шу тизимнинг бошланғич тушунчаларидан келтириб чиқарилди. Евклид геометрияси ана шундай дедуктив-аксиоматик тизимнинг классик намунаси.

Дедукциянинг силлогистик хулоса чиқариш усули

<sup>1</sup> Луканин Р. К. Органон Аристотеля. - Москва: Наука, 1984. - С. 83.

<sup>2</sup> Аристотель. Вторая Аналитика. 14, 79а 18-21.

эканлигини ҳисобга олсак, Аристотелнинг нима учун силлогистик назариясни яратишга алоҳида эътибор берганлигини ва уни «Аналитикалар»да ўрганишга киришганлигининг сабаби аён бўлади.

Силлогистик хулоса чиқариш тўғрисида Аристотел шундай деб ёзади: «Силлогизм бирдан ортиқ фикрлардан иборат мулоҳаза бўлиб, бу фикрлар бирикмасидан мазмунли, тасодифий эмас, балки зарурий бўлган бошқа фикр келиб чиқади»<sup>1</sup>. «Биринчи Аналитика»сида силлогизмга берган Стагиритнинг бу таърифига жуда кўп тадқиқотчилар ўз эътиборларини қаратганлар ва уни шарҳлашга уринганлар, «Аподиктик хулоса чиқаришлар билан боғлиқ шакл ва қоидалар, - деб ёзади, хусусан, Г. Мейер, - диалектик хулоса чиқаришлар каби бир-бирига яхши боғланган. Бу мантиқни алоҳида, татбиқи билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганиш керак. У «Биринчи Аналитика»да силлогизмнинг кўриб чиқиши билан боғлиқ бошланғич нуқтаи назарни ташкил қилади»<sup>2</sup>.

Аристотел мантигининг бошқа бир тадқиқотчиси В. Виндельбанднинг таъкидлашича, Аристотел силлогизм назариясининг бош ғояси, тамойили - бу нарсалар табиатидаги умумийликни, яъни улардаги ифодаланадиган моҳият, ёки маълум хусусият сабаби ва асосини ўрганиш ҳисобланади.

Ҳақиқан ҳам, Аналитика, Аристотелнинг уқтиришича, нарсаларни уларнинг моҳияти ва сабаблари орқали билиш йўлини ифодалайди. Сабаб ва оқибатлар завжири мутафаккир фикрича, фалсафанинг ўзига хос предметини ташкил қилувчи биринчи сабабларни билиш заруриятини англашга имкон беради. «Аналитикалар» биринчи навбатда тўғри фикрлашнинг меъёрий қоидаларини тушунтирувчи асар сифатида қиммат-лидир<sup>3</sup>. Аналитиканинг асосий вазифаси фалсафада билиш, тўғри фикрлаш усули тўғрисида бошланғич умумий тассавур беришдир.

Бу жиҳатдан олганда, мантиқ фанининг вазифаси жузъийликни умумийликдан келтириб чиқариш. «Тажрибанинг мақсади эса оламнинг заруриятини мантиқий тушунишдан иборат»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Аристотель. Сочинение в четырех томах. Т.2. -Москва: Мысл, 1978. I 29, 10-15.

<sup>2</sup> Meyer H. Syllogistic oles Arustoteles. Mubingen, 1986, Mb I HI, S. 2-3.

<sup>3</sup> Лукашин Р. К. Органон Аристотеля. -Москва: Наука, 1984, -С. 83.

<sup>4</sup> Виндельбанд В. История древней философии. -М., 1911. -212 с.

Асосида ана шу принцип ётувчи таҳлил «Аналитикалар» бирлиги ва таркибининг асосини ташкил қилади. Уларда барча нарсага ва, умуман, мантикка охиروقибатда аналитик фан сифатида ёндашиш ҳақидаги фикр илгари сурилади.

Аналитика фанининг муҳим принциплари қаторига анализ ва синтез ҳам киради. Улардан илк бор пифагорчи Архелай фойдаланган. Унинг таъкидлашича, «риёзиёт тушунчалари нарсаларнинг биринчи асосларини синтез қилишдан иборат»<sup>1</sup>.

Аристотелнинг силлогизм тизимини таҳлил қилиши ҳам эътиборимизини ўзига тортади. Силлогистик назариянинг яратилиши Аристотелнинг буюк хизматидир. Софистлар қисман бўлса ҳам ритоик хулоса чиқариш тўғрисида баъзи маълумотларни тўплаган бўлсалар-да, аммо силлогизм ва унинг формал томони ҳақида ҳеч нарса айтмаганлар. Шунинг учун Стагирит: «Биз кўп вақтимизни ва кучимизни режасиз шу саволни қидиришига сарфладик»<sup>2</sup>, дейди.

Силлогизм термини биринчи бор Платон асарларида қўлланилган. Сократ ҳам индуктив хулоса чиқариш ҳақида айрим фикрларни илгари сурган, лекин «мантикий шакл ва хулоса чиқариш турлари тўғрисида яхлит тасавури бўлмаган»<sup>3</sup>. Силлогизмга мисол сифатида, Аристотел жумладан, қуйидаги мулоҳазани келтиради: «Барча инсонлар жониворлардир», «Барча жониворлар сезувчилардир», демак «Барча инсонлар сезувчилардир». Бунда хулоса моддий объектларнинг у ёки бу турига нисбатан силлогизмнинг бевосита қўлланиши натижасида эмас, балки ундаги терминларнинг формал боғланишидан келиб чиқади. Силлогистик хулоса чиқаришнинг формал характерга эга эканлиги ана шунда намоён бўлади.

Силлогизмнинг формал назария эканлиги тўғрисидаги ғоя Аристотел «Аналитикалар»ининг яна бир муҳим хусусиятини ташкил этади.

Аристотел биринчи бўлиб мантикий ўзгарувчиларни ўзининг мантикий назариясида қўлади. «Бу унинг буюк кашфиёти эди»<sup>4</sup>. Мутафаккир силлогистикасида ҳукмнинг

<sup>1</sup> Луканин Р. К. Органон Аристотеля. — Москва: Наука, 1984. — С. 84.

<sup>2</sup> Soph. Cl 34 1846 1-3

<sup>3</sup> Луканин Р. К. Органон Аристотеля. — Москва: Наука, 1984. — С. 84

<sup>4</sup> Микеладзе. Основоположения логики Аристотеля. — М., 1978. — С. 10.

субъект ва предикати асосий ўзгарувчилар сифатида олиб ўрганилади. Шунинг билан бир каторда мулоҳазалардаги бошқа элементлар ҳам ўзгарувчилар деб тавсифланади. Аристотел силлогизмининг бошқа бир хусусияти унинг импликация шаклида эканлигидир. У қуйдагича ифодаланади: «агар А ҳар қандай В га тааллуқли ва В ҳар қандай С га тааллуқли бўлса, унда А ҳар қандай С га тааллуқлидир»<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики Аристотел хулосавий билимни формаллаштиришда, турли терминларни ифодалашда алфавитдаги ҳарфлардан фойдаланган.

Я. Лукасевич фикрича, Аристотел назариясининг ўзига хос бу хусусиятини биринчи марта Александр Афродизийский аниқлаган: Аристотел «Хулоса материя туфайли эмас, балки фигура туфайли, ҳукм ва модуснинг ўзаро қўшилиб кетиши туфайли ҳосил бўлади»<sup>2</sup>, деган фикрни асослашга уринади ва ҳарфлар орқали баён қилади. «Силлогистик фикр юритишда асосий аҳамиятга материя эмас, балки фикрий бирикманинг ўзи эга; ҳарфлар, символлар келиб чиққан хулосанинг умумий характерга эга бўлиши, ўз моҳиятини ҳар доим сақлаб қолиши ва барча тушуниб етадиган нарсаларга тааллуқли бўлишини исботлаши зарур»<sup>3</sup>.

«Силлогистикада ўзгарувчиларнинг аҳамияти ва уларни қўллаш зарурлигини Аристотелнинг бошқ шарҳловчиси - Иоан Филиппон ҳам кўрсатиб ўтади»<sup>4</sup>.

Бу ерда қайси ҳарфни қайси ҳарф ўрнига қўллаш масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди, яъни ўзгарувчилар ёрдамида ифодаланган силлогизмининг тўғрилиги биз танлаган ўзгарувчилар турига боғлиқ эмас. Бу қоида Аристотел томонидан алоҳида кўрсатилган ва унга биринчи бўлиб Александр Афродизийский эътибор берган: «Бирикма В ва С нинг А билан бир хилиги туфайли ҳосил бўлмайди. У биз уларнинг ўрнида бошқа ҳарфлардан фойдаланганимизда ҳам ҳосил бўлади»<sup>5</sup>. Шуниндек, Аристотелча ва анъанавий

<sup>1</sup> Луканин Р. К. Органон Аристотеля. —Москва: Наука, 1984. —С. 101.

<sup>2</sup> Лукасевич Я. Аристотелевская силлогистика с точки зрения современной формальной логики. —М., 1959. —С. 42.

<sup>3</sup> Қаранг: Шу ерда. —С. 43.

<sup>4</sup> Шу ерда. —С. 42.

<sup>5</sup> Лукасевич Я. Аристотелевская силлогистика с точки зрения современной формальной логики. —М., 1959. —С. 73.

силлогизм ўртасидаги фарқнинг фундаментал характерга эгаллигини ҳам ёддан чиқармаслик зарур.

Аристотелда силлогизм импликацияни ташкил қилишига кўп тадқиқотчилар эътиборини қаратган ва узоқ вақт силлогизмини икки фикр мазмун (ҳолат)ининг бириктишидан келиб чиқадиган мулоҳаза, деб изоҳлашган<sup>1</sup>. Аристотел фикрича, силлогизм иккита асос (антецедент ва консеквент) конъюнкциясидан ташкил топган бўлиб, «агар ... унда» - нинг импликациясидир. Бошқача айтганда, Стагирит силлогизми бир бутун гап бўлиб, ўз хусусиятига кўра чин ёки хато бўлиши мумкин бўлган импликацияни ташкил этади. Дарҳақиқат, «агар ... унда» боғловчисининг мавжудлиги бизга хулосани - иккита мустақил гапдан бир бутун чин ёки хато гапни тузишга имкон беради<sup>2</sup>.

Силлогизмда якуний мулоҳаза қандайдир бошқа мулоҳазалардан улар бажараётган вазифаларга боғлиқ тарзда келиб чиқадиган бўлса, хулоса, силлогизмларнинг бошқа бўлаклари эса унга асос бўлувчи ҳукмлар, деб аталади. «Ҳар қандай асос ўзида нарса ҳақида фикрни тасдиқлайди, ёки инкор этади ва у силлогизмнинг элементи бўлгани ҳолда, умумий ёки жузъий, аниқ ёки ноаниқ фикр бўлиши мумкин»<sup>3</sup>.

Аmmo шуни айтиш керакки, Аристотелча хулоса чиқариш - импликация кейинги файласуфлар ва мантиқшунослар, хусусан, перипатетиклар томонидан кўпроқ ўзгартирилган ва бошқача тушунтирилган эди. Уларда Аристотелча силлогизмдан фарқ қиладиган, конкрет терминлар ва «демак» сўзи учрайдиган силлогизмни кўриш мумкин. Масалан: «Ҳар қандай жонивор махлуқдир, ҳар қандай жонивор жонлидир, демак, қандайдир махлуқ жонлидир»<sup>4</sup>. Агар бу кейинги силлогизмни Аристотелники билан таққосласак, у Стагирит ўйлагандек, импликация эмас, балки фақат тўғри ёки нотўғри, лекин чин ёки хато бўлмайдиган гапнинг хулосаси билан бирикманитина ташкил

<sup>1</sup> Қаранг: Лукасевич Я. Аристотелская силлогистика с точки зрения современной формальной логики. -М., 1959. -С. 42.

<sup>2</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т., 1981. -С. 67.

<sup>3</sup> Аль-Фараби. Силлогизм //Аль-Фараби. Логические трактаты. -Алма-Ата, 1975. -С. 265-266.

<sup>4</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т., 1981. -С. 72.

этади<sup>1</sup>.

Силлогизм терминлари деб, силлогизмда хулоса чиқаришга хизмат қиладиган тушунчаларга айтилади. Агар тушунча икки асос учун умумий бўлиб, хулосада учрамаса, ўрта термин бўлади<sup>2</sup>.

Ўрта терминнинг ҳолати бизга силлогистик хулоса чиқаришнинг характерини аниқлаш ва шу орқали унинг фигурасини белгилаш имконини беради. «Агар иккита терминдан ҳар бирига мансуб деб ҳисоб-ланадиган яна қандайдир учинчиси олинмаса, нимадир бошқасига мансуб деб айтиладиган силлогизмни ҳеч қачон тузиб бўлмайди»<sup>3</sup>, - деб ёзади Аристотел.

Силлогистик хулоса чиқариш ўрта терминдан ташқари, четки, ёки катта ва кичик терминлар деб аталувчи яна иккита терминни ўз ичига олади.

Аристотел силлогизмнинг катта ва ўрта терминларига аниқ таъриф бერмайди. Уларнинг энг муҳим, умумий таърифини Стагирит силлогизмнинг биринчи фигураси мисолида «Биринчи аналитика» нинг тўр-тинчи бобида беради. У ёзади: «Мен таркибида ўрта термин учрайдиганини катта термин деб, ўртага буйсунадиганини эса кичик термин деб атайман»<sup>4</sup>. Шунини айтиб ўтиш керакки, бу таъриф фақат Вағбага модусидаги силлогизмларда қўлланилади.

Бу терминлар ҳақидаги қўшимча маълумотларни кейинчалик Филопон беради. «Биз қўллашимиз мумкин бўлган уч фигурага нисбатан умумий қоида шундан иборатки, хулосанинг кесими катта термин, хулосанинг эгаси эса кичик термин бўлади»<sup>5</sup>.

Хулосанинг предикати катта четки (ёки биринчи) термин, хулосанинг субъекти кичик четки (ёки охириги) термин бўлади. Аристотел бу терминларни биринчи ва охириги деб атаганининг сабаби шундаки, улар биринчи фигуранинг Вағбага модусида жойлашган<sup>6</sup>.

Аристотел силлогизмни терминларнинг ўзаро алоқаси натижаси сифатида талқин қилади. Буни ҳам мутафаккир

<sup>1</sup> Қаранг: Ўша асар. -С. 72.

<sup>2</sup> Қаранг: Луканин Р. К. Органон Аристотеля. -Москва: Наука, 1984. -С. 100-101.

<sup>3</sup> Аристотел. Аналитики. Сочинение в 4-х томах. Т.2. -М., Мысль, 1978. -С. 123.

<sup>4</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т. Фан, 1981. -С. 74.

<sup>5</sup> Лукасевич Я. Аристотелева силлогистика с точки зрения современной формальной логики. -М., 1959. -С. 25.

<sup>6</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т. Фан, 1981. -С. 74.



илгари сурган муҳим оялар қаторига кўшса бўлади.

Аристотел ҳар қандай силлогизмнинг характери охири-оқибатда ўрта терминга боғлиқлигига қатъий ишонган. «Агар, - деб ёзган эди у, - мулоҳазада битта терминнинг ўзи қайтарилмаса, унда силлогизм ҳосил бўлмади, яъни ўрта термин кўзга кўринмайди. Иккала асосда қатнаша-диганини ўрта термин сифатида олиш керак»<sup>1</sup>.

Ўз «Аналитикалар»ида Аристотелнинг силлогизм фигуралари ва модусларини махсус тадқиқ қилиши ҳам унинг буюк хизматидир.

Силлогизм фигураларининг қайси тамойилга асосланиб ажратилгани ҳақидаги масала Аристотел мантигини ўрганган олимлар орасида кўп мунозараларни келтириб чиқарди. Аристотелнинг ўзи бу ҳақида ҳеч қаерда тўғридан-тўғри гапирмайди. Шунинг учун мутафаккирнинг фигуралар турларини қандай баён қилганлигини махсус ўрганиш зарур.

Маълумки, ўрта термин ёрдамида асосларни бирлаштириш ва хулосавий билимни олиш мумкинлиги сабабли фигуралар бўйича хулоса чиқаришларни фарқлашнинг асосий тамойили, ўрта терминнинг четки терминга бўлган муносабати ҳисобланади.

Силлогизмда асосларнинг ўзаро мос келиши турлича бўлиши мумкин, аммо ҳар қандай мослиқдан ҳам чин хулоса келиб чиқавер-майди. «Силлогизмнинг биринчи фигурасида ўрта термин катта асосда субъект ўрнида, кичик асосда эса предикат ўрнида келади». Аслини олганда биринчи фигура жинс - тур тушунчалари орасидаги муносабатни ифодалайди<sup>2</sup>. Биринчи фигурада силлогизм, одатда, «ё биринчи четки (термин) дан охиригисига, ё охиригисидан биринчисига қараб ҳаракат-ланади»<sup>3</sup>, - деб тушунтиради Аристотел. Хулоса чиқаришда терминнинг ёки асоснинг ўрни хулосага жиддий таъсир кўрсатмайди.

Энди қатъий силлогистик хулоса чиқариш модусларининг изоҳини кўриб чиқамиз. Биринчи фигуранинг тўртта модуси фарқ қилинади: «Агар А барча В таркибида бўлса», «В баъзи С таркибида бўлса», демак, «А баъзи С таркибида бўлади» (1). Бу биринчи фигуранинг биринчи

<sup>1</sup> Аристотель. Сочинение в четырех томах. Т.2. -М., 1978. -С. 123. Анаl. I 35 40 26 а.

<sup>2</sup> Қаранг: Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т., 1981. -С. 69.

<sup>3</sup> Луканин Р. К. Органон Аристотеля. -Москва: Наука, 1984. -С. 104.

модуси бўлиб, кейинроқ ўрта аср мутафаккирлари томонидан - Вабага деб аталган. Вабаганинг оддий (традицион) ифодаси қуйидагича: «Барча С - В дир», «Барча В - А дир», демак, «Барча С - А дир». Иккита умумий тасдиқ ҳукмлардан - асослардан ташкил топган биринчи модус умумий тасдиқ тасдиқ ҳукм тарзидаги хулосани беради. Модомики, силлогизмни ташкил қилувчи барча асослар умумий тасдиқ ҳукмлар бўлса, унда биринчи фигуранинг ААА модусига эга бўламиз. Ҳозирги замон логикасида Вабага модуси қуйидаги кўринишига эга: AMP, ASM @ ASP<sup>1</sup>. Биринчи фигуранинг тўртта тўғри модуси қуйидагича ифодаланади: ААА, АП, ЕАЕ, ЕО<sup>2</sup>. «Биринчи фигура бўйича хулоса чиқаришнинг бу хусусияти формал мантиқ қўлланмаларида биринчи фигура бўйича тўғри хулоса чиқариш учун зарур бўлган биринчи фигуранинг махсус қоидалари сифатида кўрсатилади»<sup>3</sup>. «Аналитикалар»да биринчи фигуранинг модусларини таҳлил қилиш орқали уни ижобий ёки салбий модусларга гуруҳлаштиришга ҳаракат қилинган, деган хулосага келиш мумкин. Аслини олганда бундай ёндашув дедуктив хулоса чиқариш-ларда салбий оқибатларга олиб келмайди. Аристотел буни яхши билган.

Мутафаккир фикрича силлогизмнинг биринчи фигураси бўйича тўғри хулоса берадиган яна бир бирикма бўлиши мумкин: умумий инкор ва жузъий тасдиқ мулоҳазаларнинг конъюнкцияси биринчи фигуранинг тўртинчи модусини ифодалайди. Форобий уни таҳлил қилиб бу модуснинг қуйидагича таърифини беради: «А бирорта ҳам В таркибида йўқ», «В баъзи С таркибида бор», демак, «А баъзи С таркибида йўқ» (ёки «А баъзи С таркибида учрамайди») ёки «баъзи С - В дир», «бирорта ҳам В - А эмас», демак, «баъзи С - А эмас» (ёки «баъзи С - А эмас»). Бу модусни тушунтириш учун Форобий қуйидаги мисолдан фойдаланади: «Баъзи жисмлар - жонивордир», «Бирорта жонивор ҳам - тош эмас», демак, «баъзи жисмлар - тош эмас». Бу ҳолда асосларнинг ўрни алмашгани мисолдан яққол кўриниб турибди. Бирок шу предмет соҳасига мувофиқ Аристотел баёнида тўртинчи модус қуйидаги кўринишига эга:

<sup>1</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т., 1981. -С. 80.

<sup>2</sup> Қаранг: Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т., 1981. -С. 82.

<sup>3</sup> Ивлев Ю. В. Логика. -М., 1998. -С. 118.

«Бирорта ҳам тош жониворга мансуб эмас», «жонивор бўлиш баъзи жисмларга хос», демак, «тош бўлиш баъзи жисмларга хос эмас». Бу модусга Аристотелнинг берган ажойиб таърифи куйидагича: «Агарда А бирорта ҳам В га тааллуқли бўлмаса, В баъзи С га тааллуқли бўлса, унда А заруран баъзи С га тааллуқли эмас»<sup>1</sup>.

Дедуктив хулоса чиқариш ҳамма вақт ҳам биринчи фигуранинг қоида ва тамойиллари талаб қилганидек бўлавермайди. Масалан, ўрта термин иккала четки терминларга нисбатан предикат бўладиган мулоҳазаларда ҳам бўлиши мумкин. Хусусан ўрта термин иккинчи фигура бўйича хулоса чиқаришда асосларнинг перидикати сифатида қўлланилади.

Аристотел дедуктив хулоса чиқаришнинг иккинчи фигурасига куйидагича таъриф беради: «Агар бир термин биттаси ҳажмига тўла тааллуқли, бошқасига умуман тааллуқли эмас ёки унисига ҳам, бунисига ҳам бутун ҳажми бўйича тааллуқли ёки тааллуқли бўлмаса, унда мен бундай фигурани иккинчи деб атайман. Иккала чеккадагига мансуб бўладиганини шу фигурадаги ўрта термин деб атайман»<sup>2</sup>.

Иккинчи фигуранинг биринчи модусининг катта асоси умумий инкор ва кичик асос - умумий тасдиқ ҳуқдан ташкил тошган. Аристотел «Биринчи аналитика»да бу модусни куйидагича тушунтиради: «Агар терминлар умумий ҳукмларда олинса, унда ўрта термин четки терминлардан бирининг барча ҳажмига тааллуқли, бошқасига бутунлай тааллуқли эмас (унга боғлиқ бўлмаган) ҳолда, инкор этиш бир четки терминга тааллуқли бўлган ҳолда силлогизм ҳосил бўлади»<sup>3</sup>. Масалан, агар биз «Барча отлар - жониворлар» ва «Бирорта ўсимлик ҳам - жонивор эмас» деган икки асосга эга бўлсак, яъни умумий тасдиқ ва умумий инкор ҳукмларнинг алоқасига эга бўлсак, унда иккинчи фигуранинг қоидаларига мувофиқ биз умумий инкор хулосага - «бирорта ҳам ўсимлик от эмас» га эга бўламиз. Бошқача айтганда, агар «В барча А таркибида бўлса» ва «В бирорта ҳам С таркибида бўлмаса», «А бирорта ҳам С таркибида бўлмайди»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ал-Фараби. Силлогизм //Ал-Фараби. Логические трактаты. -Алма-Ата, 1975. -С. 267.

<sup>2</sup> Аристотель. Аналитики. -М., 1978. Первая аналитика I 14, 33а 5-10.

<sup>3</sup> Аристотель. Аналитики. -М., 1952. -С. 22. I 14, 20 25-30.

<sup>4</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т.: Фан, 1981. -С. 76.

Иккинчи фигура модусларидан келиб чикиб: 1) катта асос умумий ҳукм ва 2) асослардан бири инкор ҳукм бўлиши лозим, деган иккинчи фигуранинг махсус қоидаларини ҳосил қилиш мумкин.

Аристотелга бориб тақаладиган учинчи фигура бўйича ҳулоса чиқаришнинг ағъанавий талқинига мувофиқ бу ҳулоса чиқаришда ўрта термин иккала асоснинг ҳам субъектидир. Бу ҳақида Аристотел қуйи-дагиларни ёзади «Агар битта терминга бошқа битта термин ўзининг бутун ҳажми билан тааллуқли бўлса, бошқасига эса умуман тааллуқли бўлмаса ёки агар уларнинг иккаласи ҳам унга ё бутун ҳажми бўйича тааллуқли, ё бутунлай тааллуқли бўлмаса, мен бундай фигурани учинчи фигура деб атайман»<sup>1</sup>.

Аристотел силлогистик ҳулоса чиқаришнинг ўзгарувчиларнинг қандайлигига боғлиқ эмаслигига қатъий ишонган. Хусусан, «ўрта термин Felapton модусида Аристотел томонидан S ҳарфи билан, каттаси P ҳарфи, кичиги R ҳарфи билан белгиланади»<sup>2</sup>. Бунга Александр Афродизийский аҳамият берган эди: «У (яъни Аристотел) бу ерда биринчи фигурадаги каби A, B, C ларни эмас, балки M, N, X ларни қўллайди, ўрта термин сифатида иккала асосдаги кесим бўлган M ни қабул қилади»<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, Аристотелда биринчи фигура A, B, C кўринишида бўлиб, A - катта, B - ўрта ва C - кичик терминдир. Иккинчи фигурада у M, N, X ҳарфларини қўллайди ва бу ерда M - ўрта термин, N - катта ва X - кичик терминни ифодалайди. Учинчи фигурада эса P, R, S ҳарфларидан фойдаланади. Бунда P - катта, R - кичик ва S - ўрта термин бўлиб келган.

Қатъий силлогизмдаги ҳукмларнинг тартибини Аристотел учинчи фигура мисолида қуйидагича тушунтирди. Учинчи фигуранинг Felapton, Disamis, Datisi, Bacardo модусларида силлогизмнинг катта асоси иккинчи ўринда бўлади, Daraptiba, Ferison модусларида у биринчи ўринда туради. Бу, албатта Аристотел қатъий силлогизмдаги ҳукмларнинг тартибини ихтиёрий танлаган, деб ҳулоса чиқариш учун асос бўла олмайди. Эҳтимол, «Аристотел силлогизмининг бу асослари конъюнкцияни ташкил қилади,

<sup>1</sup> Ўша асар. -С. 866.

<sup>2</sup> Ўша асар. -С. 75.

<sup>3</sup> Лукасевич Я. Аристотелевская силлогистика с точки зрения современной формальной логики. -М., 1959. -С. 74.

у коммутативлик қонунига кўра натижани ўзгартирмайди, яъни асос бўла оладиган ҳукмларнинг таркиби хулоса тарзида келиб чиқадиган билимнинг характериға мутлақо таъсир қилмайди»<sup>1</sup>.

Силлогизм Аристотелни ўз ҳолича эмас, балки исботловчи фаннинг шаклланишиға олиб келадиган, охири-оқибатда бу фаннинг принципларини асослаш ва биринчи фалсафа (метафизика)нинг зарурлигини кўрсатувчи восита сифатида олиб ўрганиш қизиқтиради. «Хулоса чиқа-риш назарияси Аристотел фалсафасида ўзига хос тизим тарзидаги билим, унга хизмат қилувчи муайян методологиянинг таҳлилидир»<sup>2</sup>. Бу ҳам мутафаккирнинг буюк кашфиётидир.

Билиш ҳақидаги Аристотел таълимотининг учинчи қисмини фаннинг бошлагич қоидаларини белгилаш, унинг методларини, йўлларини ўрганиш ташкил қилади. Аристотел «диалектика»сида таъкидланганидек, ақл янглишишларидан, хато фикрлардан халос бўлиш воситалари, қоидаларини англашға ёрдам берадиган махсус метод «индукция» бўлиши керак. Бу сўз, кўлланишиға кўра, Аристотелда мантикнинг техник атамаси бўлган. Дастлабки пайтларда бу атама ўқувчилар эгаллаган бир турдаги билимлардан янгиларига ўтиш усулини англаган. Аристотел «индукция»си якка ҳодисалардан умумий қоидаларға ўтиш йўлини англатади. Агаманинг бу маънодаги изоҳи «Топика»да берилган. «Аналитика»да эса индукция «якка»дан хусусийға, хусусийдан умумийға йўналувчи метод сифатида дедукцияға қарама-қарши қўйилган.

Индуктив хулоса чиқариш, Аристотелнинг тушунишича, ҳали том маънодаги фанни эмас, балки унга тайёргарликни ташкил қилади. Унинг таъкидлашича, «диалектик силлогизм» ва «индукция» икки кўриниш-даги формал фикрий структурани белгилайди. Бу кўринишларни олим «энтимема» ва «мисол» деб атайдиган<sup>3</sup>.

«Аналитикалар»да маълум маънода умумлаштирилган билим хулоса чиқариш ва исботлашнинг формаллашган кўринишларига қараб чиқилади. Бу формаллашган фикр характери, унинг аҳамияти, кучли ва заиф томонлари айрим тадқиқотларда яхши очиб берилган. Улар қато-рида

<sup>1</sup> Қаранг: Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. –Т. Фан, 1981. –С. 77.

<sup>2</sup> Маковельский. О истории логики. –М., 1967. –С. 131.

<sup>3</sup> Қаранг: Асмус В. Ф. История античной философии. –М., 1965. –С. 8.

Лукасевич, Асмусларнинг асарлари салмоқли ўринни эгаллайди. В. Ф. Асмуснинг таъкидлашича, «Аристотелнинг мантиғи фаннинг хулосалари ва исботлашларида ифодаланган тафаккурнинг шакллари ва кўринишларини мантикий тадқиқ қилишга уриниш натижасида пайдо бўлган»<sup>1</sup>.

Фалсафа тарихи ва мантикка оид адабиётларда шундай нуқтаи назар илгари сурилганки, бунга кўра, Аристотел мантиғининг илмий-эм-пирик асосини унинг хайвонлар морфологияси ва физиологиясига ба-ғишланган кузатишлари, тадқиқотлари ташкил этади. Биология, хусусан, зоология Аристотел назарида предметлар турларини ва кўриниш-ларини тасниф қилиш, тизимлаштириш, намунаси бўлган<sup>2</sup>. Мазкур фикр аниқлаштиришни тақоза этади.

Бу ерда Аристотел мантикий таҳлили ва мантикий схемалари учун моддий асос бўлиб биологияда учраб турувчи илмий тафаккур шакллари хизмат қилган, деган фикр тугилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, у даврда Аристотел учун худди шундай моддий асос бўла оладиган, яхлит, системага солинган биология ҳам, математика ҳам бўлмаган<sup>3</sup>. Мутафаккир илмий билимининг турли соҳаларига тегишли эмпирик билимлар, фактик материаллардан кенг фойдаланган.

Аристотелнинг мантикий изланишларида фан тарихи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Аристотел классификация қилган фанлар доирасида ишлаб чиқилиши, яратилишига кўра биринчи ўрин мантикка тегишлидир. Аристотел оригинал, жиддий ишлаб чиқилган мантикий тизим муаллифидир. Уни Аристотелдан кейинги давр мантикшунослари чуқур ўргандилар, талқин қилдилар. Бу тизим мантик фанининг тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Ана шунинг учун ҳам Аристотел мантиғини тадқиқ қилиш ҳозиргача долзарб бўлиб қолмоқда. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, ҳатто «Аристотел мантиқини ҳақиқий ўрганиш ва тушуниш энди бошланмоқда»<sup>4</sup>.

Аристотел, Я. Лукасевич сўзлари билан айтганда, «ўз назариясини хулоса бизнинг томонимиздан асосларнинг мазмуни натижаси сифатида эмас, балки уларнинг шакллари

<sup>1</sup> Ўша асар. -С. 9.

<sup>2</sup> Ўша асар. -С. 11.

<sup>3</sup> Қаранг: Асмус В. Ф. История античной философии. -М., 1965. -С. 11.

<sup>4</sup> Ўша асар, 11-б.

ва яратилиши натижаси сифатида олинишини кўрсатиш учун ҳарфлар кўринишида акс эттирган. Ҳарфлар умумийлик белгилари ҳисобланади ва бу қандай атамани топишимиздан қатъи назар, хулоса доим мавжуд бўлади»<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак:

1. Аристотел тафаккурнинг мантикий шакл ва қонуниятлари, усуллари ҳақида мукамал таълимотни - мантикни яратди.

2. Аристотел мантикни янги билимлар ҳосил қилишга олиб келувчи хулоса чиқариш ва ҳақиқатни исботлаш қуроли тўғрисидаги фан сифатида талқин этди.

3. Аристотелнинг мантикий таълимоти - бу силлогизм, яъни дедуктив хулоса чиқаришдир.

4. Аристотел мантикий таълимотида силлогизм назарияси алоҳида ўринни эгаллайди. «Аналитикалар» айнан ана шу назариянинг асосларини баён қилади. Хусусан «Биринчи Аналитика»да силлогизм фикрни қуриш шакли, «Иккинчи Аналитика»да эса исботлаш усули сифатида тадқиқ қилинади.

5. Аристотелнинг мантикий изланишлари натижасида мантиқ фан даражасига кўтарилди ва ҳозирги вақтда у фалсафий билимлар структурасида муҳим ўринни эгаллайди.

6. Аристотелнинг, фалсафий-мантикий таълимоти ўзидан кейинги мутафаккирларнинг қарашларига салмоқли таъсир кўрсатди.

Биринчи бобни яқунлаб, юқорида қайд этиб ўтилганлардан биз қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Қадимги маданият анъаналирига ниҳоятда бой бўлган Марказий Осиё халқлари ўрта асирларда илм - фан, маънавият, мантиқ фалсафада мисли кўрилмаган намуналар яратдилар. Буни Аристотел мантиғи ва, умуман, антик давр фалсафий меросининг Марказий Осиёда кенг тарқалиши, хусусан қадимги дунё мутафаккирлари асарларининг таржима қилиниши ва чуқур ўрганилгани ва ривожлантирилганида, хусусан, ал-Киндий, ал-Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Хоразмийларининг мантикий таълимотларида акс этишида кўриш мумкин.

2. Қадимги дунё мутафаккирлари асарларини, хусусан

<sup>1</sup> Лукасевич Я. Аристотелевская логика с точки зрения современной формальной логики. -М., 1959. -С. 75.

Ҳинд ва Юнон мантикий меросини таржима қилиниши мантиқ илмининг кейинги тараққиётига кучли туртки берди. Буни Ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирларининг мантикий таълимотларини ривожлантирилишида кўриш мумкин. Марказий Осиёнинг буюк мутафаккирлари Аристотел изидан бориб (шунинг учун ҳам уларни Шарқ перепатитиклари деб аташган), мантиқ илмини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссалари-ни қўшдилар.

3. Марказий Осиё мутафаккирларининг Аристотел мантиғи, шу жумладан, унинг «Аналитикалар»ини ўрганиши, авваламбор, мутафаккир асарларига изоҳлар ёзиш ва бирийўла уларга ўз фикрларини билдириш кўринишида содир бўлди.
4. Буюк бобокалонларимиз силлогистик хулоса чиқариш ҳамда исботлаш ва рад этишнинг янги кўринишларини кашф этдилар. Буни силлогизм атамалари (терминлари), ҳамда асосларининг жойланиши ва боғланиши мисолида кўришимиз мумкин.
5. Аристотелнинг буюк хизматларидан бири унинг дедуктив методни (усулни) ҳар томонлама, изчил ва чуқур тадқиқ этиши бўлиб, у ўз натижасини мутафаккир яратган силлогистик назарияда топди.
6. Аристотел силлогистик хулоса чиқаришнинг таркибини (структураси) ўрганиб, ундаги тушунчалар, мулоҳазаларнинг (хукм-нинг) ва муҳокамаларнинг тутган ўрнини, уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиб берди. Буни, айниқса, силлогистик хулоса чиқаришнинг асослари (улар муло-ҳазалардан иборат) ва терминларнинг (улар тушунчалардан иборат) табиатини таҳлил қилди, ҳамда шу асосда силлогизмнинг умумий қоидаларини яратди.
7. Буюк мутафаккир силлогизмнинг турли хил кўринишларини, хусусан, унинг фигуралари ва модусларини тадқиқ этди. Мукаммал ва номукаммал шаклларни аниқлади ва мантиқ тарихида биринчи бўлиб номукаммал шаклларни (1-2-3 фигура модусларини) мукаммал шаклларга келтириш йўллари кўрсатиб берди.
8. Аристотел мураккаб мулоҳазалар (хукмлар) иштирокидаги силлогизмларнинг моҳиятини очиб берди. Буюк аллома силлогизмнинг индуктив хулоса



чиқариш ва аналогия билан бўлган алоқаларини, тадқиқ этди ва уларнинг муҳокама юритиш жараёнида бир-бирини тақозо этишини уқтириб ўтди.

9. Стагиритнинг мантиқни яратишдаги улкан хизматларидан бири хулоса чиқариш ва, айниқса, силлогизмни исботлаш усули, яъни фикрнинг мантиқий қийматини (чин ёки хатолигини) аниқлаш воситаси сифатида тадқиқ этгани бўлди. Шунинг асосида мутафаккир силлогизмнинг амалий муҳокама юритиш жараёни ва, айниқса, баҳс, мунозара юритишдаги аҳамиятини кўрсатди, уни ҳақиқатни излаб топиш санъати даражасига кўтарди.
10. Аристотелнинг силлогистик назарияси хулоса чиқариш ва исботлашни системали тадқиқ этиш натижаси бўлиб, у ўзида муҳокама юритиш жараёнида ишлатиладиган фикрлаш схемаларини (масалан, силлогизм фигураларининг модуллари, исботлаш ва рад этиш усуллари) кодлаштиришнинг яхши намунасини акс эттирган.

## 2-Боб

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ОЛИМЛАРИ МАНТИҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИДА СИЛЛОГИЗМ НАЗАРИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

2.1. Марказий Осиё мутафаккирларининг хулоса чиқаришнинг моҳияти, таркиби ва турлари ҳақидаги фикрлари

Маълумки, Аристотел биринчи бўлиб мантиқ илмида силлогизм (юнонча - ҳисоблаш) атамасини қўллаган. Унинг бу соҳадаги энг катта хизмати хулоса чиқаришнинг таркиби, шакллари, қоидалари ва кўри-нишларини ишлаб чиққанлигидир. Аристотелнинг силлогистик таълимоти илк ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари томонидан чуқур ўрганилган.

Буни бевосита таҳлил қилишдан аввал буюк юнон мутафаккирининг таъсирида Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг мантиқий таълимотларининг шаклланиши, улар битган асарлар таҳлиliga қисқача тўхталиб ўтамиз.

Илк Ўрта асрларда (IV-IX асрлар) Аристотелнинг мантиқ ҳақидаги таълимотига таянувчи мантиқшунослик фалсафий билимларнинг асоси, муҳим қисми сифатида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шу жумладан, Марказий Осиёда кенг ўрганилди.

Мантиқ илми айниқса, IX-XI асрларда Марказий Осиёда машҳур мутафаккирлар Ал-Форобий, Ибн Сино; Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Насриддин Туси, Давоний, Журжоний ва бошқаларнинг асарларида ривожлантирилган. Улар Аристотелнинг мантиқий таълимотини тиклабгина қолмай, ундаги асосий тамойилларга таяниб, ўзлари мустақил таълимот яратишга ҳаракат қилганлар.

Ал-Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Насриддин Туси, Давоний, Журжонийнинг таълимотлари Аристотел мантигининг асосий таркиби, тизимига ўхшаш бўлгани билан, уларда баъзи масалаларнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши билан фарқ қилади.

Аристотел ўз таълимотини силлогизмнинг моҳияти ва шаклларини тадқиқ этишдан бошлаган бўлса, Марказий Осиё алломалари эса матиққа оид тадқиқотларини тушунча ва ҳукмнинг табиатини аниқлашдан бошлайдилар. Чунки билимлар қайси соҳага тааллуқли бўлишидан қатъи назар тушунча ва ҳукм шаклида ифодаланган бўлиб, мантиқий ҳулоса чиқариш билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади.

Ўрта асрнинг машҳур олимлари Форобий, Ибн Сино, Насриддин Туси, Фахриддин Рози, ал-Даввоний, ат-Тафтазоний, ал-Журжоний фалсафий таълимотларининг асосий хусусиятлари ўша даврдаги ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ўзига хослигидан келиб чиқади. Шунини таъкидлаш жоизки, бу ва бошқа мутафаккирлар ўз дунёқарашлари-нинг шаклланиши жараёнида Аристотел асарларидан ғоявий озик олиб, унинг илғор таълимотини ўз даври илмининг янги ютуқлари асосида ривожлантиргани ҳолда, прогрессив ижтимоий-фалсафий оқимларнинг қомусий билимга эга энг йирик вакиллари бўлиб танилдилар. Бу соҳада улар ўзлардан олдинги илғор олимлар ишини давом эттирганлар.

Ўрта асрнинг машҳур мутафаккири Абу Наср Форобий ўз ижодида мантиқ муаммоларини тадқиқ қилишга катта аҳамият берган. У Аристотелнинг мантиққа оид барча асарларига кенг шарҳлаб берибгина қолмай, балки унда қўйилган муаммоларни чуқур ўрганди, уларни янги фикрлар

билан бойтди ва барча бўлимларини синчиклаб тавсифлаб берди. У хулоса чиқариш назариясини тадқиқ қилишга, хусусан, силлогизмга янги билимлар олишнинг энг ишончли воситаси ва исботлаш шакли сифатида алоҳида эътибор берди.

Ал-Форобийнинг мантикий билимлари тизими унинг «Исоғувчи» (Кириш), «Макулот» (Категория), «Ибора» (Хукм), «Қиёс» (Силлогизм, биринчи аналитика), «Бурхон» (Исботлаш, иккинчи аналитика), «Жадал» (Мунозара, диалектика), «Сафсата» (Софистик раддия), «Хитоба» (Риторика), «Шеър» (Поэтика) асарларини ўз ичига олади. Шунингдек, ал-Форобий «Мантиқ илмига кириш», «Ақл ҳақида», «Шартли хукм-лар», «Силлогизм» каби асарларида ҳам мантиқ масалаларини ишлаб чиқди. «Илмлар таснифи» асарида бу фаннинг предмети, тузилиши, илмлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритди.

Олимнинг таъкидлашича, «мантиқ санъати интеллектнинг оммалашувига олиб келувчи ва инсонни ҳақиқат томон йўналтирувчи билимлар, қонунларни ўрганеди. Бу қонунлар инсонларни билиш жараёнидаги турли хато ва адашишлардан сақлайди. Инсон бу қонунлар ёрдамида билимларини текшириб, уларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш орқали хулосага эга бўлади»<sup>1</sup>.

У тўғри тафаккурнинг асосий тамойиллари: аниқлик, фикрларнинг ўзаро зид бўлмаслиги, изчиллиги, ҳар қандай хулосанинг асосланган бўлиши ва бошқа муҳим мантикий масалаларни ҳам ҳар томонлама ишлаб чиқди. Айтиш мумкинки, ал-Форобийнинг мантикий таълимоти Яқин ва Ўрта Шарқда, шу жумладан, Марказий Осиёда мантиқ фанининг ривожланишини белгилаб берди.

Ал-Форобийнинг дунёқарашига ўша даврда анчагина кенг тарқалган Платон ва неоплатонизм мистик таълимотлари таъсир этган бўлса-да, лекин унинг фалсафий тизими янги бўлиб, унда аристотелизм йўна-лиши етакчи ва устун эди. Ал-Форобий юнон табиатшунослиги ва фалсафасининг бошқа вакиллари: Евклид, Гален, Гиппократ, Птоломей, Порфирий, Александр Афродизийский кабиларнинг асарлари билан яқиндан таниш бўлган ва мантиқ масалаларига аристотелизм нуқтаи назаридан ёндашишга ҳаракат қилган.

<sup>1</sup> Қаранг: Ал-Фараби. О том, что должно предшествовать изучению философии //Философские трактаты. —Алма-Ата: Наука, 1970. —С. 8-9.

Ал-Форобийнинг юнон фалсафасини тарғиб қилиш ва ривожлантиришдаги энг асосий хизмати шундаки, у ўрта аср Шарқ ижтимоий-фалсафий фикрлари таъсирида Аристотел илгор таълимотини Платон ғоялари, неоплатонистларнинг мистик асарлари таъсиридан тозалаш, соф аристотелизмни асослаш ва мустақамлашга ҳаракат қилди. У Аристотелнинг илгор ғояларини ривожлантиргани ҳолда, замонасининг барча табиий-илмий ва фалсафий ютуқларини ўзида мужассамлантирган фалсафий системани яратади.

Бу система универсал тизим сифатида ўз давридаги барча муҳим масалаларни, хусусан фалсафанинг энг умумий тамойилларидан тортиб, табиатшунослик илмининг асосий фалсафий масалалари бўлган дунёни билиш ва, шунингдек тафаккурнинг қонун-қоидаларини, инсоннинг табиатта муносабати масалаларини ўз ичига олади.

Қадимги Марказий Осиё, Ҳиндистон, Юнонистондаги табиий-илмий ютуқларни ва фалсафий тафаккурини, ўрта аср Шарқининг илмий асарларини мукамал ўрганган олимлардан яна бири Абу Али ибн Синодир. У ал-Форобийнинг фалсафа ва мантиқшунослиқда бошлаб берган иштини ривожлантирди. Фаннинг турли соҳаларига оид 280 тага яқин асарлар яратди. Хусусан, тиббиётга оид 5 жилдан тага яқин асарлар яратди. Ҳусусан, «Тиб қонуни» ҳамда фалсафага оид «Китоб аш-шифо»ни ёзди. Бу асарлар ўрта асрдаги қомуслар бўлиб қолди. Ибн Сино «мантиқни барча фанларнинг муқаддимаси, уларни эгаллашнинг зарур шarti ҳамда фалсафанинг ажралмас қисми сифатида талқин этди»<sup>1</sup>.

Ибн Сино ўзидан жуда катта, ўрта асрда мавжуд бўлган илмларнинг ҳамма қирраларини ўз ичига қамраб олган илмий мерос қолдирган. Ҳозирги кунда унинг рисоалари жаҳондаги кўплаб кутубхоналарда сақланмоқда<sup>1</sup>.

«Китоб аш-шифо» 18 жилдан иборат бўлиб, 4 қисмга - мантиқ, табиий фанлар, математика ва фалсафага бўлинган. Ибн Сино фалсафий қарашларининг шаклланишида аристотелизм муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бироқ шунини

<sup>1</sup> Хайруллаев М. М., Хақбердиев М. Мантиқ. -Т.: Ўқитувчи, 1993. -54-б.

<sup>1</sup> Ибн ал-Асир. Комил и ат-Тарих. -С 170. В фонде института востоковедения АН РУз. Инв. №6280; Семенов А. А. Абу Али ибн Сино. Сталинабад, 1945. -С. 57; Мирзаев С. Ибн Сионинг Шарқшунослик институтидаги мавжуд асарлари (библиография произведений Ибн Сины в ИВ АН РУз). -Т., 1955; Вахобова Б. Рукописи произведений Ибн Сины в собрания ИВ АН РУз. -Т., 1982.

айтиш керакки, Ибн Сино Аристотел таълимотининг оддий тарғиботчисигина бўлмай, балки унинг илғор томонларини янада ривожлантира олди<sup>1</sup>. Илмий қарашларини Марказий Осиё, Шарк, Эрон, Ҳиндистон файласуфларининг қарашлари билан солиштириб, ўзига хос фалсафий таълимот яратишга ҳаракат қилди. Бу масала юзасидан ўзининг шогирдларига ёзган мактубида шундай дейди: «Мен «Инсоф» номли асар ёзиб, унда олимларни икки гуруҳга: шарқчилар ва гарбчиларга бўлдим. Улар ўзаро баҳслашадилар. Ҳар бир соҳада мен улардаги зиддиятларни аниқлайман ва шундан сўнг бу масалани адолатли ҳал этиш йўлини кўрсатиб бераман. Бу китоб тахминан 28 минг масалани ўз ичига олади»<sup>2</sup>.

Аристотел таълимотининг давомчилари, хусусан, Ибн Сино унинг айрим камчиликларини ўз асарларида тузатишга уринган. Бу ўринда Ибн Синонинг куйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «Биз уни (Аристотелни) олдинги перипатетиклар ичида энг буюк олим деб ҳисоб-лаймиз, чунки у ўз дўстлари ва ўқитувчилари билмаган нарсаларни кашф қилди, фанларни таснифлади, жуда яхши тизимга солди, кўп муаммоларни тўғри ҳал этиб, уни ўз халқига хабар қилди. Ақл-заковатга мурожаат этиб, Аристотелнинг хатоларини тузатиш лозим эди. Аммо унинг издошлари бу ишни қилмадилар, улар Аристотелнинг кучли таъсиридан чиқолмай, унинг таълимотидаги тўғри томонларини тушунтиришга ва унинг нотўғри қарашларини кўр-кўрона кўллаб-қувватлашга ўз умрларини сарф этдилар. Биз эса, улар хоҳлаган, аммо бажара олмаган ишларни бажардик, унинг таълимотининг айрим томонларини тўлдирдик»<sup>3</sup>.

Ибн Сино мантиқ муаммоларини фалсафа, билиш назарияси масалалари билан аралаштириб юбормайди. Бу жиҳатдан Ибн Синонинг мантикий таълимоти Аристотел яратган мантиқ фанига нисбатан юқо-рироқ босқични ташкил этади. Ибн Сино томонидан берилган фанларнинг таснифи Аристотелникига анча яқиндир. «Ибн Сино фалсафий билимларни иккига: назарий ва амалий илмларга бўлади. Назарий илмларни инсон фаолияти билан боғлиқ

<sup>1</sup> Баратов М. Абу Али ибн Сино – буюк мутафаккир. –Т.: Фан, 1980. – 23 б.

<sup>2</sup> Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн-Сины и его школы. –Душанбе: Ирфон, 1965. –С. 78.

<sup>3</sup> Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Мақолалар тўплами. –Т.: Фан, 1980. –18-б.

бўлмаган нарсалар тўғрисидаги ха-қиқий илмлар; деб таърифлайди. Амалий илмларнинг объекти инсон фаолиятидир. Фалсафанинг назарий қисми учга бўлинади:

1. Қуйи даражадаги илм, яъни табиатшунослик;
2. Ўрта даражадаги илм - риёзиёт фанлари;
3. Олий даражадаги илм - метафизика (фалсафа, илоҳиёт)»<sup>1</sup>.

Мантиқ ҳам 4 бўлимга бўлинади: тушунча, мулоҳаза, ақлий хулоса ва исбот. Унинг фикрича, «инсон ақли ҳиссий қабуллаш орқали бойиб боради»<sup>2</sup>.

Ибн Сино ўз даврида мантиқ илмини жуда яхши ўрганди. Буларнинг исботи сифатида у томонидан яратилган кўплаб асарларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин<sup>3</sup>.

Ибн Сино Аристотелнинг мантиқий қарашларини химоя қилган ва уларнинг асосий қоидаларини ривожлантирган. Бу ўша даврда ўрта аср мусулмон Шарқида Ибн Сино сафдошлари орасида Порфирийнинг илоҳий-догматик қарашлари кучли бўлган бир шароитда амалга ошган эди.

Маълумки, ўрта асрларда Аристотелнинг мантиқий ва фалсафий қарашлари ўзгартирилиб, худо йўлига хизмат қиладиган қуролга айлантирилган эди. Ибн Сино биринчи муаллимнинг мантиққа оид асарларини чуқур ўрганди ва унинг илмий характерини очиб берди. Ибн Сино қарашлари Аристотелнинг қарашларидан баъзи масалалар бўйича фарқ қилса-да, аммо мантиқнинг моҳиятини ўрганишда деярли фарқ қилмас-ди. «Нажот» ва «Донишнома» китобларида у мантиқнинг фан сифатидаги мақсадини шундай изоҳлайди: «Билим - бу, фикрда нарсаларни тасаввур этиш ёки ишонтиришдир. Тасаввур этиш бу, биринчи билим бўлиб, инсоннинг нарса ёки уни кўринишларининг ижобий ва салбий томонларини аниқлаб беради. Тасаввур этиш таърифлаш орқали ҳосил бўлади, ишонч-эътиқод эса хулоса

<sup>1</sup> Ўша асар. -21-б.

<sup>2</sup> Ибн Сино. Донишнома. Сталинабад, 1957. -С. 236-239.

<sup>3</sup> Ибн Сионинг мантиқий асарлари «Китоб-ул-маджум» (Книга собранного) - 1 томлик; «Китоб-ум-шифа» (Книга исцеления) - 18 томлик; «Китоб-ул-арсад-ил-куллия» (Книга совокупных наблюдений) - 1 томлик; «Китоб-ул-инсоф - 20 томлик; «Китоб-ун-наджат» - 1 томлик; «Китоб-ул-мубахасат» - 1 томлик, «Ал-алат-ур-расидийя»; «Ал-Мантиқ» доволик ва буюқдик ҳақидаги шеърин қасида; «Ал-ишара ила илм-ил-мантиқ»; «Аксам-ул-хикма» ва бошқалар.

чиқариш орқалигина вужудга келиши мумкин»<sup>1</sup>. Тушунча ва хулоса чиқариш шундай икки қуролки, булар орқали ҳақиқий билимга эришиш мумкин. Ибн Синонинг мантиқий таълимотларида тушунча ва категориялар, ҳукмлар, хулосалар, уларнинг турлари, тузилиши, дедукция масалалари кенг ва ҳар томонлама таҳлил этилгандир. «Мантиқ, деб ёзади у ўзининг «Донишнома» асарида, - инсонга шундай бир қоида берадики, унинг ёрдамида инсон хулоса чиқаришда хатолардан сақланади; мантиқ ёрдамида инсон ҳақиқий билимни ёлғондан ажратади ва номаълум нарсаларни ўрганади»<sup>2</sup>. Ибн Сино мантиқий таълимотини ҳажми, муқамаллиги, мавзуининг кенглиги, талқинининг батафсиллигига кўра ўрта асрда мантиқ илми ривожининг энг юқори даражаси деса бўлади. Унинг таълимотида қадимги ва ўрта аср мантиқшунослигининг муҳим ютуқлари мужассамланган. Бу эса кейин мантиқ таълимотларига жуда катта таъсир кўрсатишига сабаб бўлган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (X аср) ҳам ўзининг «Мафотих ал-улум» (Илмлар қалити) асаридаги фанлар таснифида мантиқ илмига алоҳида ўрин берди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий илмларни «арабча» ва «арабча бўлмаган»ларга ажратади. Арабча бўлмаган илмлар ўз навбатида иккита: назарий ва амалийга бўлинади. Назарийга: фалсафа, мантиқ, тиббиёт, ҳисоб, хандаса, фалакиёт, мусиқа, механика, кимё, деҳқон-чилик; 2 амалийга ахлоқшунослик, сиёсатшунослик киради. Араб фанларига: фикҳ, калом, грамматика, ҳужжатлар устида ишлаш - китаба, тарих, шеърят ва аруз вазни қирган<sup>3</sup>. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқ илмига оид масалаларини юқорида зикр этилган асарида тўққиз бобда баён қилади. Бобларнинг номланиши ал-Форобий ва Ибн Синоларники кабидир. Унингча, мантиқий таълимот «Исоғувчи»ни баён этишдан, ўрганишдан бошланиши керак. «Исоғувчи эса, билдириш деган маънони билдириб, юнон тилида «эйсагоге» дейилади»<sup>4</sup>. Хоразмий мантиқ

<sup>1</sup> Ибн Сино. Данишنامه. - Сталинабад, 1957. -71-6.

<sup>2</sup> Қаранг: Ибн Сино. Данишنامه. - Сталинабад, 1957. -С. 236-239.

<sup>3</sup> Ибодов Дж. Х. Классификация наук в средневековых энциклопедиях Абу Абдаллаха ал-Хорезми, Фахр ад-Дина ал-Розий, Кутб ад-Дина аш-Ширази и Банаад-Дина ал-Амьали //Тезисы XXXIV Всесоюзной научной конференции. М.: ИИН и ТРАН, 1992. - С. 35-36.

<sup>4</sup> Хайруллаев М. М., Баходиров Р. М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. -М.: Наука, 1988.

масалаларини кўриб чиқишни сўз ва ибораларнинг ўзаро муносабатини таҳлил этишдан бошлайди. У ўзининг комусий асаридида мантикқа катта эътибор беради. Мазкур асар тузилиши жиҳатидан турли фанларнинг мазмунини баён қилиш усулига ўхшаса ҳам, муаллиф унда турли масалаларни мулоҳаза қилишга ўша давр нуқтаи назардан илмий ёндашган. Буни айниқса «мантиқ фанининг тушунча ва структура муаммоларини ёритишда ҳар томонлама илмий тадқиқ» этганидан ҳам билсак бўлади. Шунинг учун ҳам «Н. Ришернинг Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг номини Яқин ва Ўрта Шарқнинг 20та йирик матикшунослари қаторига қўйиши бежиз эмас»<sup>1</sup>.

IX асрда яшаб ижод этган озарбойжон мутафаккири Абдулхасан Бахманёр Ибн Синонинг шогирди ва ал-Форобий таълимотининг давомчиси сифатида Яқин ва Ўрта Шарқ машҳур бўлган. Бахманёр ғоявий ўтмишдошларининг изидан бориб, мантиқни назарий фан ва амалий санъат даражасига кўтаради. У мантиқнинг юқори тамойили деб эса қарама-қаршилик қонунини билади. Унинг асарларида тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқариш, исботлаш ва уларнинг қоидалари тўғрисида маълумотлар бор. Илмий асарлари орасида мантиқ масалаларига бағишланган китоблари кўп бўлган. Масалан: «Китоб аб-Таҳсил» (Илмни орттириш китоби), 1851 йил Лейпцигда немис тилида нашр этилган «Метафизика» ва «Иерархия сущего» асарлари. Бу асарларда Аристотелнинг фалсафий ва мантиқий ғоялари ва уларнинг Ўрта Осиёлик давомчилари ҳақида гапирилган. Шарқ перипатетиклари ғояларининг ўрта аср Ғарбий Европа давлатларига тарқалишида ва омиллашувида араб Испаниясида яшаган Ибн Рушднинг ҳам ҳиссаси катта. Ибн Рушд (европада Аверроэс) фалсафанинг турли масалаларига оид 80 га яқин асарлар яратди. Европа илм аҳли орасида унинг қуйидаги мантиқий асарлари катта қизиқиш уйғотди: «Аристотел «Органон»ини ал-Форобийнинг мантиқий таълимоти билан солиштириш тўғрисида», «Мантиқ муаммолари ҳақида», «Ал-Форобийнинг қиёсий силлогизм ҳақидаги фикрлари», «Ақлнинг имкониятлари ҳақида», 5) «Ал-Форобийнинг «Иккинчи аналитика»ни танқид қилишга доир» ва бошқалар.

Бу асарларида Ибн-Рушд ал-Форобийнинг мантиқ ва фалсафани ривожлантиришдаги буюк хизматларини ёритиб

<sup>1</sup> Ўша асар. – С. 100.



берган. Унинг Аристотел ва ал-Форобийнинг мантик асарларига ёзган талқинлари, ақл масалаларига оид рисолалари маълум. У мантик илмида эҳтимолий ҳукмлар масаласини, айниқса чуқур таҳлил этди.

Ўрта асрда Яқин ва Ўрта Шарқда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маънавий ҳаётнинг бошқа шакллари сингари фалсафа, мантиқ диний дунёқарашга бўйсундирила бошланди. У анча қисқартирилди ва формаллаштирилди. Лекин илғор мутафаккирлар мантиқда Аристотел, Форобий, Ибн Сино анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилдилар.

XIV асрда Самарқандда яшаб ижод этган ўз даврининг машҳур алломалари ат-Тафтазоний (1322-1392) ва Мир Саид ал-Журжонийдир (1340-1410). Улар ўзларидан олдин ўтган мутафаккирларнинг қараш-ларини ўргандилар ва ривожлантирдилар, мантиқий ғояларнинг кейинги тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Савдудин ат-Тафтазонийнинг асарлари нафақат Марказий Осиёда, балки Яқин ва Ўрта Шарқда ҳам машҳурдир. С. Муртозоевнинг таъкидлашича, Тафтазоний «Мокосид ат-Телибин», «Такриб ал-маром фи шарх таҳзиб ал-калом» ва, айниқса «Таҳзиб-ал-мантиқ ва ал-калом» асарларида араб мантиқшуносларнинг ютуқларига таянган, уларнинг шаклланиши, тузилиши ва компонентларини тўлиқ таҳлил этган. Унингча, мантиқ шундай тушунчаки, фикрлашда хатолардан қочишга ва янги билимларга эга бўлишга ёрдам беради<sup>1</sup>. Мутафаккир «Таҳзиб-ал-мантиқ ва ал-калом» асарига кириш қисмида шундай ёзади: «Хукмингизга ҳавола этилаётган бу асар шундай одамларга мўлжалланганки, улар фикрлаш жараёнида ва тўғри тушунишда янглишишдан қочувчилар учундир»<sup>2</sup>. Ат-Тафтазоний тушунчаларни гуруҳларга ажратди, сўз ва белгилар ёрдамида боғланиш турларини курсатиб берди. Унинг мантиқий таълимотида силлогизм, индукция ва исботлаш назарияси катта ўрин эга млаган. Ҳатто фикрлаш турларининг баъзи масалаларида ажойиб ғояларни илгари сўрган.

Ат-Тафтазонийнинг замондоши бўлмиш Журжоний ҳам ўз даврда мантиқ назарияси ва тарихи бўйича энг яхши билимдон эди. Мантиққа бағишлаб ёзилган асарлари Шарқ

---

<sup>1</sup> Муртазаев С. Мировоззренческие, гносеологические и логические вопросы в трудах Савдудина Тафтазани: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. –Ташкент, 1975. –16 с.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

давлатларида катта пухрат қозонган ва унинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Ўзининг асарларида Ибн Сино ва ал-Форобийларнинг мантикий ғояларини ривожлантирган.

Миршариф ал-Журжоний, Амир Темур, Улугбек хукмронлиги даврида Самарқанда вужудга келган илмий мактаб ишида иштирок этиб, узоқ йиллар давомида шу ерда мадрасада таълим ишлари ҳамда илмий асарлар ёзиш билан шуғул-ланган. «Ал-Журжоний мантикий билишни иккига ажратади:

1. Тасаввур, тушунча (у таърифлаш орқали ҳосил қилинади).

2. Хукм (тушунчалар ёрдамида қўлга киритилади).

Хукмлар хулосалашнинг асосларини ташкил этади. Хулосалаш уч хил бўлади: силлогизм, индукция ва аналогия. Тушунча ва сўз бирлигига тилда фикрни тўғри ифодалаш учун аниқ фойдаланиш масаласига ҳам ал-Журжоний катта эътибор беради<sup>1</sup>. Ўтмишдошлари ал-Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём, Насриддин Тусий ва бошқалар изидан бориб, ал-Журжоний «баъзи турдаги сўз ва гаплардаги тушунча ва хукмлар ўртасидаги боғланишни аниқлайди ва шу билан бирга тил ҳақидаги илми ҳам бойитади»<sup>2</sup>.

Юқорида биз Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг қадимги юнон мантиги, айниқса Аристотел мантикий таълимоти таъсирида битган рисоалари, уларда мантиқ илмининг мақсади, тузилиши ва функциялари ҳақидаги фикрларини кўриб чиқдик. Бу Шарқ алломаларининг Аристотел «Аналитикалар»ида баён қилинган силлогистик хулоса чиқариш назариясига бўлган муносабатини тушунишни осонлаштиради.

Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари хулоса чиқаришни арабча «қиёс» сўзи билан ифодалаганлар. Бу атамани биринчи бўлиб Форобий қўллаган. «Қиёс» таққослаш, ўлчаш деган маъноларни англатади. Шунга кўра, айтиш мумкинки, қиёс таққослаш орқали хулоса кўринишидаги янги хукмнинг ҳосил бўлишини ифодалайди. Бу атамани ал-Форобий, Ибн Сино ва уларнинг издошлари ҳам хулоса чиқариш ва силлогизм маъноларида қўллаганлар.

<sup>1</sup> Қодиров М. Логико-гносеологические идеи Мир Сайида Шариф Журжоний: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. -Т., 1974. -15 с.

<sup>2</sup> Қодиров М. Ученне о познани и логике //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т.: Фан, 1981. -С. 189.

Улар бу ҳақда рисолалар ёзиб, Аристотелнинг хулоса чиқариш ҳақидаги таълимотини ривожлантирганлар.

Ал-Форобий «Силлогизм бирдан ортиқ ҳукмлардан ташкил топган муҳокама бўлиб, улар ўзаро акцидентал эмас, балки моҳиятига кўра бирлаштирилса, зарурий равишда бошқа бир ҳукмни келтириб чиқаради»<sup>1</sup>, деб ёзади. Ибн Сино эса «Силлогизм бир неча фикрлардан иборат бўлган муҳокама бўлиб, агар унинг таркибидаги ҳукмлар чин бўлса, улардан зарурий равишда янги фикр келиб чиқади»<sup>2</sup>, - деб кўрсатади. Силлогизмга берилган бу таърифлар Аристотелнинг «Биринчи Аналити-ка»сида берилган таърифга мос келади. Ибн Сино «индукция ва аналогиядан фаркли ўларок силлогизмни асосий ва энг зарурий хулоса чиқариш шаклидан деб бири ҳисоблайди»<sup>3</sup>.

Аристотел силлогизми тўғрисида гапирар экан, Форобий силлогистик фикр юртишида хулоса у ёки бу силлогизмнинг конкрет мазмунигагина эмас, балки ўзгарувчиларнинг боғланишига ҳам алоқадор, деб тавсифлайди. Форобий нафақат Аристотел силлогистикасининг, балки мулоҳаза назариясининг бу хусусиятини ҳам аниқ тушунган.

«Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари силлогизмда асослари чин ҳукм бўлганда, асос сони икки ва ундан ортиқ бўлиб, улар ўзаро моҳи-ятига кўра бирлашганда, бу асослардан зарурий равишда янги ҳукм-хулоса ҳосил бўлишини таъкидлайдилар. Ноаниқ ҳукмлардан ташкил топган хулоса асослари фақат жузъий хулоса бериш билан чекланади. Уларнинг инсон билимини дастлабки ва орттирилган билимга ажратишларини эътиборга олсак, силлогизм йўли билан ҳосил қилинган билим орттирилган билим ҳисобланади»<sup>4</sup>.

Дастлабки билимларга асосан ҳиссий қабул қилиш воситасида ҳосил қилинган билимлар, аксиомалар, постулатлар ва ҳамма томонидан қабул қилинган қарашлар қиради. Улар исботлашга муҳтож бўлмаган чин фикрлардир.

<sup>1</sup> Хайруллаева М. М. Введение // Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. - Т., 1981. - С. 6.

<sup>2</sup> Ибн Сина. Данишنامه. - Сталинабад, 1957. - С. 73.

<sup>3</sup> Қаранг: Аналитика. - М., 1952. - С. 10.

<sup>4</sup> Файзихужаева Д. И. IX-XI асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиққа оид қарашларида исботлаш муаммолари: Автореф. дисс. ... фал. фан. номзоди. - 1999. - 25 б.

Ҳақиқатдан ҳам, улар инсон томонидан воқеликни фаол ўзлаштириш учун асос бўлади, аммо етарли ҳисобланмайди. Ҳамма вақт инсон янги билимларга эҳтиёж сезиб келган. Шу сабабдан, Шарқ мутафаккирларининг фикрича, мантикни ўрганишдан асосий мақсад, чин хулоса чиқаришни билишдир. Хулосанинг чинлиги эса асосларнинг чинлигига боғлиқдир.

Шарқ муафаккирларининг таъкидлашича, дедуктив хулоса чиқа-риш воситали хулоса чиқаришнинг муҳим туридир. Мантиқда дедуктив хулоса чиқариш силлогизм дейилади. Силлогизм шундай воситали хулоса чиқаришдирки, унда икки ҳукм бир-бири билан мантиқан қўшилиб, янги учинчи ҳукм хулоса тарзида пайдо бўлади.

Ибн Сино фикрича хулоса чиқариш икки хил бўлади:

1) бирлаштирувчи, 2) ажратувчи.

Бирлаштирувчи хулоса 2та бир-бирини боғловчи ҳукмлардан иборат бўлади. Бу икки ҳукмдан бири умумий, иккинчиси ажратувчи бўлади. Масалан: Агар ҳар қандай С - В бўлса, ҳарқандай В - А бўлса, у ҳолда С - А бўлади.

Форобий хулоса чиқариш деганда бир ва ундан ортик чин ҳукмлар воситасида янги ҳукмни шакллантирувчи мантиқий жараён тушунади. Хулоса чиқаришнинг дедуктив, индуктив ва аналогия каби турлари мавжуд. Булардан энг ишончлиси чин хулоса берувчи дедуктив хулоса чиқариш, яъни силлогизмдир. Силлогизм санъати ҳақиқатни асослаш ва исботлашга хизмат қилади. У, ал-Форобийнинг таъкидлашича, ҳақиқий билимларни беради.

Силлогистик санъатлар, ал-Форобий фикрича, бир-биридан уларда қўлланадиган воситалар, олинадиган билимнинг аниқлик даражасига қараб фарқланади. Бешта силлогистик санъат - аподиктика, диалектика, софистика, риторика, поэтикадан ташқариларни (ал-Форобий уларни оддий силлогистик санъатлар деб атаган) у яна мураккаб силлогистик санъатларни ажратиб кўрсатади. Уларда турли хулоса чиқариш шаклларига эга бўлган аралаш силлогизмлар қўлланилади. Хусусан, уларда аподиктик, диалектик, риторик, софистик ва поэтик мулоҳазалар биргаликда қўлланилади. Қўпинча, «аподиктик, диалектик ва риторик мулоҳазалардан тузилган силлогизмлар учрайди. Бунга ўхшаш силлогизмлар, Форобийнинг фикрича, ёки билмаслик орқасида ёки атайин кенг оммани бирор нарсага ишонтириш учун яратилади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> О логическом учении Аль-Фараби. -Алма-Ата: Наука, 1982. -С. 77.

Форобий фикрича силлогизм бўлиши учун мавжуд ҳукмлар унинг таркибий қисмларини ташкил этишлари ёки шунга муносиб бўлишлари шарт. Бу ҳукмларни ташкил этувчи тушунчалар терминлар (тушунча, сўз) деб аталади. Кўп ҳукмлар мантикий равишда силлогизмлардан келиб чиқади. Шунга кўра, улар силлогизмнинг таркибини ташкил этади. Бунда «Ҳукмлар силлогизмнинг натижаси бўлса, ҳулоса, бошқа силлогизмлар учун таркибий қисм бўлса, ҳулоса асослари, деб аталади. Демак, бир силлогизмнинг ҳулосаси бошқа силлогизм учун асос бўлиб хизмат қилади»<sup>1</sup>.

Марказий Осиё мутафаккирлари силлогизмни ҳам асослардаги терминларнинг ўзаро боғланиши, ҳам асослар ва ҳулосанинг ўзаро боғланиши нуқтаи назардан кўриб чиқадилар. Улар силлогизмларни қатъий ва шартли турларга ажратадилар. Қатъий силлогизм оддий қатъий ҳукмлардан, шартли силлогизм эса шартли ҳукмлардан ташкил топади. «Силлогизм уч терминни (кичик, ўрта, катта) ўз ичига олган ҳулоса чиқариш усули бўлиб, у оддий қатъий силлогизм деб аталади. Бу терминлардан бири ҳар икки асос учун умумий бўлса, қолганлари ўзаро фарқ қилади. Мисол учун: «инсон-ҳайвон» ва «ҳамма ҳайвонлар сезиш хусусиятига эга» деган икки ҳукмда «ҳайвон» тушунчаси умумий бўлса, «инсон» ва «сезиш хусусиятига эга» тушунчалари эса фарқ қилувчи тушунчалардир»<sup>2</sup>.

Шунга кўра, Форобий силлогизм терминига куйидагича таъриф беради: «Икки ўзаро бирикувчи асослардаги умумий қисм ўрта термин деб аталади. Ўзаро фарқ қилувчи қисмлар эса четки терминлар деб аталади. Ҳулосанинг предикати бўлган қисми биринчи ёки катта четки термин деб аталади, ҳулосанинг субъекти бўлган қисми эса охириги ёки кичик четки термин деб аталади»<sup>3</sup>. Форобий ҳулосанинг предикатини ташкил этувчи терминни ўз ичига олган асосни катта асос, ҳулосанинг субъектини ташкил этувчи терминни ўз ичига орган асосни кичик асос деб атайди. Ўрта термин ҳулоса асосларида уч хил: ҳар иккала асоснинг предикати ёки иккала асоснинг субъекти ёки бирининг предикати ва бошқасининг субъекти бўлиб

<sup>1</sup> Файзихужаева Д. И. IX-XI асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиққа оид қарашларида исботлаш муаммолари: Автореф. дисс. ... фал. фан. номзоди. —1999. —30 б.

<sup>2</sup> О логическом учении Аль-Фараби. —Алма-Ата: Наука, 1982. —С. 8.

<sup>3</sup> О логическом учении Аль-Фараби. —Алма-Ата: Наука, 1982. —С. 72.

жойлашади.

Силлогизм ҳақидаги таълимотни ал-Фаробий изчиллик билан қатор асарларида, хусусан «Мантӣқ илмига кириш», «Силлогизм», «Софистика», «Риторика», «Кириш» ва бошқаларда ривожлантиради.

Шу билан бирга, силлогизм, ал-Фаробий талқинида, шундай импликацияки, унинг акцеденти «агар», ёки «ва» боғловчилари орқали бириккан икки асос (хукм), консеквенти эса - хулосадир. Бу маънода силлогизм бир-бири билан боғланмаган асослар ва хулосанинг тўламини эмас, балки ё ҳақиқат, ё ёлгон бўлиши мумкин бўлган бир бутун муҳокамани ташкил этади.

Хулоса чиқариш ҳақидаги фикрларини ривожлантириб, ал-Фаробий бир мулоҳаза асосида хулоса чиқаришдан ташқари, икки мулоҳазадан (ёки ҳолатдан) хулоса келтириб чиқариш усули бор; бу силлогистик хулоса чиқаришдир, деб таъкидлаган. Ал-Фаробий силлогистик хулоса чиқаришга қуйидагича таъриф беради: «Силлогизм бирдан ортӣқ нарсалардан (фикрлардан) иборат мулоҳазаки, бу нарсалар (фикрлар) бирикмасидан мазмунли, тасодифий бўлмаган керакли бошқа нарса (фикр) келиб чиқади»<sup>1</sup>. Силлогизмнинг бу таърифи Стагиритнинг «биринчи аналитика»сида берилган таърифга мувофиқ келади<sup>2</sup>.

Ал-Фаробийнинг силлогизмга берган таърифларида икки нарса муҳим аҳамиятта эга: биринчидан, силлогизм фикр юритиш шакли ёки бошқача айтганда, мушоҳада ва иккинчидан, янги билим олиш воситасидир. Олим силлогизмга мисол қилиб, қуйидаги мулоҳазани келтиради: «Барча инсонлар жониворлардир», «Барча жониворлар сезувчилардир», демак, «Барча инсонлар сезувчилардир»<sup>3</sup>. Бундан хулоса моддий объектларнинг у ёки бу турига нисбатан силлогизмнинг конкрет қўлланиши натижасида эмас, балки ундаги терминларнинг формал боғланишидан келиб чиқади. Ал-Фаробий терминлар боғланишини ҳарfli белгилар билан ифодалайди. Агар, масалан, юқоридаги силлогизмда «инсонлар» - С ҳарфи, «жониворлар» - В ҳарфи, «сезувчилар» - А ҳарфи билан белгиланса, унда силлогизм қуйидаги шаклга эга бўлади: «Барча С - В дир»,

<sup>1</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фарабий // Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т., 1981. -С. 65.

<sup>2</sup> Аристотель. Аналитики. -М, 1952. -10-б.

<sup>3</sup> Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т., 1981. -С. 68.

демак, «Барча В - А дир», демак барча С - А дир».

Силлогизмнинг аристотелча вариантдан бирмунча фарқ қилади-ган бу шакли билан бир қаторда, ал-Форобий унинг бошқача, Стагиритникига ўхшаш шаклини ҳам қўлайди: «Агар барча В - А таркибида бўлса, барча С - В таркибида бўлса», демак «С - А таркибида бўлади»<sup>1</sup>.

Аристотел фикрича, «Ўрта терминнинг ҳолати бизга силлогистик хулоса чиқаришнинг структурасини аниқлаш ва у орқали унинг фигурасини белгилаш имконини беради»<sup>2</sup>. Агарда икки терминдан ҳар бирига мансуб деб ҳисобланадиган яна қандайдир учинчиси олинмаса, бирорта нарса бошқасига мансуб деб айтиладиган силлогизмни ҳеч қачон тузиб бўлмайди»<sup>3</sup>, - деб ёзади Аристотел. Шу билан бирга нимадир ўртада бўлади ва бу ўртанинг ёки ўрта терминнинг ҳолатига қараб, Стагирит фикрича, биз силлогизм фигурасини аниқлашимиз мумкин.

«Ўрта термин, - деб ёзади ал-Форобий, - икки бирлашаётган асосларнинг ҳукмларида уч хил жойлашган: у ёки иккаласининг ҳам предикати, ёки иккаласининг ҳам субъекти, ёки биттасининг предикати ва бошқасининг субъектидир»<sup>4</sup>. Бу ҳолат Аристотел тамойилига тўғри келади. Силлогизмда ўрта термин биринчи асос субъекти ва иккинчисининг предикати бўлса, биз биринчи фигурага эга бўламиз. Ўрта термин иккала асосда ҳам ҳукмнинг предикати бўлса, у силлогизмнинг иккинчи фигурасини ташкил қилади. Ўрта термин ҳар иккала асос субъекти бўлса, у силлогизмнинг учинчи фигурасини ҳосил қилади.

Мутафаккирнинг шартли мулоҳазалар билан бир қаторда, биринчи навбатда муҳокама қиладиган ва асосий эътиборини қаратган катъий силлогизмнинг уч фигурасига олдинроқ берадиган тавсифи ана шундайдир. Форобийнинг фигуралар ҳақидаги юқорида баён қилинган мулоҳазаларига таяниб ва ифодаларидан фойдаланиб, уларни қуйидагича ёзсак бўлади:

Биринчи

Иккинчи

Учинчи фигура

<sup>1</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби // Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т.: Фан, 1981. -С. 65-66.

<sup>2</sup> Луканин Р. К. Органон Аристотеля. -М.: Наука, 1984. -С. 101

<sup>3</sup> Уша асар. -С. 102.

<sup>4</sup> С. А. Муталибов. Учение о силлогизме в логике Фараби // Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т.: Фан, 1981. -С. 74.

фигура	фигура	
P - M	P - M	M - P
M - S	S - M	M - S
P - S	S - P	P - S

Силлогизмнинг асосларидаги терминларнинг жуда ҳам содда бўлиб кўринадиган жойлашишини ал-Фаробий Аристотелдан кейин силлогизм фигурларини асослашда предикатни биринчи ўринга, субъектни эса иккинчи ўринга қўйиш билан изоҳлайди. Бунда қатъий силлогистик хулоса чиқариш ал-Фаробий томонидан иккита - катта ва кичик асос ҳамда хулоса бўлган ҳукмлар ва учта термин - катта, кичик ва ўрта терминлардан таркиб топган бирикувчи гапдан иборат, деб тушунтирилади.

Ўрта термин ёрдамида асосларни бирлаштириш ва хулосавий билимни олиш мумкинлиги сабабли, унинг четки терминга муносабати фигуралар бўйича хулоса чиқариш, уларни фарқлашнинг асосий принципи бўлиб хизмат қилади. Силлогизмда асосларнинг ўзаро мос келиши турлича бўлиши мумкин, аммо ҳар қандай мосликдан ҳам чин хулоса келиб чиқмайди. Ал-Фаробий жузъий тасдиқ, жузъий инкор ҳукмларнинг мослашувини ўрганайди. Хусусан у шундай модусларнинг ўн тўрттасини батафсил кўриб чиқади.

Ибн Синонинг силлогизм таркибий қисмлари, уларнинг номланиши ва жойлашиши ҳақидаги фикрлари ал-Фаробийнинг қарашларига ўхшаб кетади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Аристотел каби ўрта терминнинг жойлашишига кўра силлогизмнинг 3 фигураси (шакли) мавжудлигини кўрсатиб ўтадилар.

Силлогизмнинг биринчи фигурасидаги терминларнинг жойлашиши кўйидаги формула орқали ифодаланади: Ҳар қандай А - В бўлади, ҳар қандай В - С бўлади, демак, ҳар қандай А - С бўлади. Шундай қилиб, биринчи фигуранинг биринчи модуси кўйидагича ифодаланади:  $AV \wedge VC \rightarrow AC$ . Ҳозирги замон мантигида, мантикий боғловчи «агар... бўлса»  $\rightarrow$  белги билан, «ва» мантикий боғловчи эса  $\wedge$  белги билан белгиланади. Бу формуланинг Варбага формаси кўйидагича:  $A \wedge AV \wedge VC \rightarrow AC$ . Бу ерда асоснинг конъюнкцияси  $A \wedge AV$  ва  $AV \wedge VC$  бўлса, формуланинг акцеденти бўлиб  $A \wedge AV \wedge VC$  хизмат қилади, якуновлчи консеквенти эса  $AC$  дир.

«Биринчи фигуранинг иккинчи модусининг Celarent формуласи  $A \wedge EV \wedge VC \rightarrow EC$  бўлади, биринчи фигуранинг



учунчи модуси Dagii формуласи  $Ia\vee A\vee c \rightarrow Iac$  ва биринчи фигуранинг тўртинчи модуси  $Feio$  формуласи  $Ia\vee A\vee c \rightarrow Oac$ <sup>1</sup>.

Шунинг билан бир қаторда «Ал-Фаробий «Силлогизм» номи ресоласининг 10-қисмида оддий қатъий ҳукмларнинг ҳажмига кўра тўққиз хил бириқиши мумкинлигини кўрсатиб ўтади. Булар: 1. Ҳар иккиси умумий; 2. Ҳар иккиси жузъий; 3. Ҳар иккиси ноаниқ; 4. Бири умумий, иккинчиси жузъий; 5. Бири жузъий, иккинчиси умумий; 6. Бири умумий, иккинчиси ноаниқ; 7. Бири ноаниқ, иккинчиси умумий; 8. Бири жузъий, иккинчиси ноаниқ; 9. Бири ноаниқ, иккинчиси жузъий бўлган ҳукмлардир. Агар уларнинг бири мазмунига кўра (тасдиқ ёки инкор) яна бириктирилса, бир фигурада 36 хил вариант бўлади. Шулardan 21 варианты ҳеч бир фигурада чин хулоса бермайди. Чунки ҳукмларнинг баъзи бирикувларидан хулоса чиқариб бўлмайди»<sup>2</sup>.

Юқорида қайд этилган ҳолат силлогизм асосларининг қоидалари-да ифодаланади. Бу ҳақда Ибн Сино шундай ёзади: «Икки инкор ҳукм-дан силлогизм ташкил топмайди. Икки жузъий ҳукмдан ҳам силлогизм ташкил топмайди. Кичик термин инкор, каттаси эса жузъий бўлганда силлогизм ташкил топмайди. Ҳар бир фигура ўзига хос хусусиятга эга»<sup>3</sup>. Биринчи фигурага хос бўлган хусусият шундан иборатки, катта асос жузъий ёки ноаниқ бўлиб, кичик асос инкор бўлган ҳукмларнинг 15 хил бирикувида силлогизм ҳосил бўлмайди. Силлогизмнинг биринчи фигурасини ҳосил қилиш учун ҳукмларнинг бирикувчи кичик асоси тасдиқ ҳукм бўлиши ва катта асоси умумий бўлиши керак. Иккинчи фигурада ҳар иккала асоси тасдиқ ҳукм бўлганда ёки агар катта асос жузъий ҳамда ноаниқ ҳукм бўлса, хулоса чиқариб бўлмайди. Шунга кўра силлогизмнинг иккинчи фигурасида асослардан бири тасдиқ ҳукм, бошқаси инкор ҳукм бўлиши ва катта асос ҳамма вақт умумий бўлиши шарт. Учинчи фигурага хос хусусият шуки, кичик асос инкор ҳукм бўлганда, ҳеч қандай хулоса чиқариб бўлмайди. Силлогизмнинг учинчи фигурасида кичик асос ҳамма вақт тасдиқ ҳукм, асослардан бири эса умумий ҳукм бўлади.

<sup>1</sup> Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. — Душанбе: Ирфон, 1968. — С. 164.

<sup>2</sup> Ўша асар. — С. 168.

<sup>3</sup> Ибн Сина. Данишنامه. — Сталинабад, 1957. — С. 115.

Мутафаккирнинг силлогизм тўртинчи фигурасига бўйича муносабати аниқ: «Ибн Сино силлогизмнинг тўртинчи фигураси ҳақида ўз асарларида ҳатто эслаб ҳам ўтмаган»<sup>1</sup>.

Ибн Синонинг силлогистик хулоса чиқариш тўғрисидаги таълимотига ундан кейинги мутафаккирлар катта қизиқиш билан қараганлар. Хусусан Фахриддин Розий мантиқий таълимотини ривожлантиришда ўздан олдин ўтган Ибн Синонинг таълимотларига таянади, баъзан эса ундан ҳам ўтиб кетади.

Мантиқ, Розийнинг фикрича, «таърифлаш, хулоса чиқариш турлари ҳақидаги ва исботлаш ҳақидаги фандир»<sup>2</sup>. Унинг фикрича, «мантиқнинг асосий тадқиқот объектини хулоса чиқаришнинг таркиби ва тузилиши масалалари ташкил этади. Хулоса чиқариш таркибидаги ҳукмлар икки турга бўлинади. 1) Оддий ҳукмлар, 2) мураккаб ҳукмлар. Оддий ҳукмлар субъект ва предикатдан, шунингдек, ажратувчи ва боғловчидан иборат бўлади. Қатъий ҳукмлар оддий ҳукмларга киради. Масалан: «Зайд - котиб», «Зайд - котиб эмас».

Олимнинг мантиқий таълимотига кўра мураккаб ҳукмлар ҳам ўз навбатида икки турга бўлинади: 1) шартли боғловчи ва 2) шартли ажратувчи»<sup>3</sup>.

Фахриддин Розий ҳукмларни модаллиги бўйича 15 турга ажратади.

Ҳукмлар боғланишидан ташкил толувчи хулоса чиқариш, мутафаккир фикрича - мантиқ илмининг асосий тадқиқот объектидир.

Унинг таъкидлашича, силлогизм - бу хулоса чиқаришнинг шундай бир шаклики, унда бир терминнинг бошқа терминга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини аниқланади.

Мутафаккир «агар хулоса чиқариш асослари қатъий ҳукмлардан иборат бўлса, у ҳолда ўрта терминнинг охириги икки терминга тааллуқлиги 4 та шакл орқали ифодаланади, деб ҳисолайди. Бизга маълумки, бу шакллар силлогизм фигуралари дейилади. Уларни Фахриддин Розий қуйидагича

<sup>1</sup> Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. - Душанбе: Ирфон, 1968. - С. 164.

<sup>2</sup> Уша асар. - С. 167.

<sup>3</sup> Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. - Душанбе: Ирфон, 1968. - С. 168.

тавсифлайди:

1) Ўрта термин биринчи асоснинг предикати, иккинчи асоснинг субъекти бўлса, биз биринчи фигурага эга бўламиз.

2) Ўрта термин иккала асоснинг предикати бўлса биз иккинчи фигурани ҳосил қиламиз.

3) Ўрта термин иккала асоснинг субъекти бўлса учинчи фигура бўлади.

4) Ўрта термин биринчи асоснинг субъекти, иккинчи асоснинг предикати бўлса тўртинчи фигура ҳосил бўлади»<sup>1</sup>.

Юқоридагидан кўришиб турибдики, Ибн Синодан фарқли равишда, Фахриддин Розий мантикий таълимотида силлогизмнинг ҳамма тўрт фигурасини кўриб чиққан. Лекин асосларининг жойлашиш тартиби Фахриддин Розийда худди Ибн Синодаги сингаридир: кичик асос биринчи ўринда, катта асос эса иккинчи ўринда туради. Шу сабабдан аёнанавий мантиқда биринчи ва тўртинчи фигуралар бошқача изоҳланади.

Шуни алоҳида айтиш зарурки, мутафаккир мантикий доимийларни ифодаланганда араб ҳарфларидан, ҳукм турлари, шунингдек хулоса чиқариш кўринишидаги силлогизм фигура ва модусларини изоҳлашда эса бўлиш, кўлайтириш, айриш сингари ривзий ифодалардан фойдаланган. Масалан, силлогизм биринчи фигурасининг хусусий қондасини шакллантирир экан, у шундай дейди: «Биринчи фигуранинг шартига кўра умумий ҳукм катта асос ва тасдиқ ҳукм кичик асос бўлади. Агар иш шундай давом этса, у ҳолда бу икки турнинг кўлайтмаси тўртинчи модусни шакллантиради»<sup>2</sup>.

Олим силлогизм фигураларининг модусини ифодалашда аниқ мисоллардан фойдаланмайди, фақат белгиларни ҳарфлар билан ифодалайди, холос. Бунда у катта атамани С, кичикни А ва ўртасини В ҳарфлари билан белгилайди ва ҳар бир модуснинг ноаниқ формуласини келтиради.

Фахриддин Розийнинг хулоса чиқариш туғрисидаги фикрларини таҳлил қилар эканмиз, унинг кўпроқ дедуктив хулоса чиқаришга йўналтирилганини таъкидлаб ўтиш зарур. Бунинг сабаби аниқ: «бу хулоса чиқариш шаклида фақат чин билим келиб чиқади. Албатта хулоса чиқаришнинг бошқа

<sup>1</sup> Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. — Душанбе: Ирфон, 1968. — С. 170.

<sup>2</sup> Ўша асар. — С. 167.

шакли бўлган «исботловчи хулоса чиқариш» ҳам зарурдир, лекин унда билим баъзан чин, баъзан хато бўлади»<sup>1</sup>.

Хулоса чиқариш ҳақида қатор фикрларни Насриддин Тусийда учратамиз. Унинг фикрича, формал хулоса чиқаришнинг таркиби ва турлари мантиқ фанининг асосий муаммосидир. Мутафаккир риёзиёт усуллари формал хулоса чиқариш муаммоларини ҳал этишда қўллашга ҳаракат қилган. Унинг мантиқ илмини формаллаштиришга интилишини биз яна араб ҳарфларини мантиқий белгилар сифатида қўлаганидан ҳам билсак бўлади. Хусусан, унда ҳукмларнинг таркиблари, хулоса чиқариш элементлари араб ҳарфлари ва бошқа белгилар билан белгиланади. Ҳукмларнинг турлари, улар орасидаги муносабатлар, хулоса чиқариш турларидаги терминлар муносабати риёзий жадвал кўринишда ифодаланади. Олимнинг тасдиқлашчи, «мантиқий доимийларнинг ҳарфлар билан изоҳланиши, хулоса чиқариш терминларининг ва уларнинг бир бирига муносабатининг белгилар билан ифодаланиши жуда катта аҳами-ятига эга. Мантиқий доимийларнинг ва хулоса чиқариш терминларининг ҳарфлар ва риёзий жадвалларда ифодаланиши шу жиҳатдан фойдалики, у энгил қабул қилинади ва осон эсда қолади»<sup>2</sup>. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, формаллаштирилган мантиқий тизимни риёзиётни яхши билган одамгина қабул қилиб, онсон эсда сақлайди.

Агар фикрлашнинг бирор шакли ўрнатилса, у ҳолда Тусий абстракция йўли билан ундаги у ёки бу боғланишни, шунингдек, мантиқий ўзгармасларнинг баъзи фикр шаклларида ажратилишини ва қўлланишини кўрсатган. Мантиқий ўзгармаслар оғзаки куйидаги кўринишда ифодаланади: «ҳар қандай», «ҳамма», «ва», «ёки», «агар», «унда» ва бош-қалар. Булардан ташқари мантиқий ўзгармаслар куйидагича ҳам номланади: ҳукмларнинг умумийлиги ва жузъийлиги, конъюнкция, дизъюнкция, импликация, тенг кучлилиқ, инкор этиш ва бошқалар. Замонавий риёзий мантиқда баъзи сузларнинг ифодаланишида икки маъноликни йўқотиш мақсадида мантиқий ўзгармасларни махсус белгилар билан белгилаш қабул қилинган. Булар қаторига умумийлик ва мавжудлик

<sup>1</sup> Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. — Душанбе: Ирфон, 1968. — С. 172.

<sup>2</sup> Уша асар. — С. 168.

кванторлари, конъюнкция, дизъюнкция, импликация, инкор этиш ва бошқалар белгилар киради. Мантикий амаллар эса алфавит ҳарфлари билан белгиланади. Масалан: Агар А - В бўлса, унда С - Д бўлади, ва агар С - Д бўлса, унда Х - З бўлади, демек агар А - В бўлса, унда Х - З бўлади. Бу ерда «агар ... унда бўлади», боғловчилари импликацияни ифодалайди, лотин ҳарфлари эса мантикий доимийларни билдиради.

Маълумки, Марказий Осиё алломаларининг кўпчилиги силлогизмнинг тўртинчи фигурасини кўриб чиқишмаган. Бу фигура Аристотелнинг шогирдлари Теофраст ва Евдим томонидан киритилган. «Шарқ мутафаккирларидан фақат Насриддин Тусийнинг мантикий таълимотидагина силлогизмнинг тўртинчи фигураси тўлиқ таҳлил қилинади»<sup>1</sup>.

Яна ал-Форобийга қайтамиз. Шартли силлогизмлардан сўнг ал-Форобий дедуктив хулоса чиқаришнинг бошқа шакллари: қисқартирилган ва мураккаб силлогизмларни кўриб чиқишга ўтади. У бу силлогизмларнинг оғзаки ва ёзма нутқда кенг қўлланишини кўрсатади. Олим равшанлиги туфайли қандайдир қисми тушириб қолдирилган силлогизмларни қисқартирилган силлогизмлар деб ҳисоблайди. Бу силлогизмларни у энтимемалар деб ҳам атайдди. Қисқартирилган силлогизмда унинг одатда бир қисми ифодаланаяди, яъни битта асоси ёки хулосаси тушириб қолдирилади. Энтимемаларнинг таркиби ҳақида гапириб, ал-Форобий «Энтимемаларнинг дастлабки қисми - силлогизмларнинг бошланишидир, чунки қатъий ва шартли мулоҳазалар улардан ташкил топган»<sup>2</sup>, - деб таъкидлайди. У қатъий энтимемаларни, уларга қатъий силлогизмнинг барча фигура ва модусларини тадбиқ этгани ҳолда, шартли энтимемаларни ажратиб кўрсатади. Уларни у шартли-боғловчи ва шартли-айирувчи энтимемаларга ажратади.

Мураккаб силлогизмлар, ал-Форобий фикрича, «ҳар хил турдаги силлогизмлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Масалан, улар баъзан шартли силлогизмларни, баъзан қатъий силлогизмни, баъзан зиддиятлар орқали ифодаланган силлогизмни, баъзан тўғри силлогизмларни ифода этиши мумкин. Улар тўғри силлогизмнинг ҳар турли фигураларидан

<sup>1</sup> Қаранг: Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т., 1981. -С. 67.

<sup>2</sup> О логическом учении Ал-Фараби. -Алма-Ата: Наука, 1982. -С. 134.

ташкил топган бўлиши ҳам мумкин»<sup>1</sup>.

Қатъий силлогистик хулоса чиқариш модусларининг форобийча изоҳи ҳам эътиборни ўзига тортади. Форобий биринчи фигуранинг тўрт-та модусини фарқ қилади: «Агар А барча В таркибида бўлса», «В баъзи С таркибида бўлса», демак, «А баъзи С таркибида бўлади». Бу биринчи фигуранинг биринчи модуси бўлиб, аристотелникига тўла мос келади. Кейинроқ у ўрта аср мутафаккирлари томонидан Barbara деб аталган.

Форобий Barbarанинг оддий тавсифини ҳам беради: «Барча С - В дир», «Барча В - С дир», демак «Барча С - А дир» қўлланганда Barbara қуйидаги кўринишга эга бўлади: «Барча инсонлар - жониворлар», «Барча жониворлар - сезувчилар», демак, «Барча инсонлар - сезувчилардир». Бу силлогизмнинг бошқа фигураси бўйича тузилган. Аммо у аслини олганда биринчи фигурадан ўз моҳиятига кўра тубдан фарқ қилмайди. Худди шунинг ўзини, ал-Форобий фикрича, «биринчи кўринишига, яъни биринчи фигура ҳолига келтириш мумкин: «Сезиш барча жониворларга хос хусусият», «Жонивор бўлиш барча инсонларга хос хусусият». Икки умумтасдиқ ҳукмлардан ташкил топган биринчи модус умумий тасдиқ хулоса беради. Агар силлогизмни ташкил қилувчи барча асослар умумий тасдиқ ҳукмлар бўлса, унда биринчи фигуранинг ААА модусига эга бўламиз.

Ҳозирги замон матиғида Barbara модуси қуйидаги кўринишга эга: AMP-ASM→ASP»<sup>2</sup>.

Биринчи фигуранинг иккинчи модуси (Darii) ал-Форобий томонидан қуйидагича таърифланади: «А барча В таркибида бўлади», «В баъзи С таркибида бўлади», демак, «А баъзи С таркибида бўлади». Масалан, «Сезиш барча жониворларга хос хусусият», «Жонивор бўлиш баъзи нарсаларга хос хусусият», демак, «Сезиш баъзи нарсаларга хос хусусият». Ал-Форобий бу модуснинг ўзини анаънавий, ноаристотелча шаклда, лекин асосларнинг ўрнини алмаштирган ҳолда, ифодалайди: «Баъзи нарсалар - инсонлардир», «Барча инсонлар - сезувчилардир», демак, «баъзи нарсалар - сезувчилар». Бунда модус қуйидаги кўришга эга: «Баъзи С - В», «Барча В - А», демак, «баъзи С -

<sup>1</sup> Ўша асар. -С. 134.

<sup>2</sup> Муталибов А. Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т., 1981. -С. 80.

А». Биринчи фигуранинг бу иккинчи модуси, Форобийнинг таъкидлашича, «Аристотелнинг биринчи фигурасининг учинчи модусига мос келади. Ушбу модусни ал-Форобий катта - тасдиқ асос («Барча инсонлар - сезувчилар») ва кичик - жузъий тасдиқ асос («Баъзи жисмлар - сезувчилардир») дан ташкил топган, деб тушунтиради. Дастлабки ҳолатларнинг бундай мос келиши биринчи фигура бўйича жузъий тасдиқ хулоса («Баъзи жисмлар - сезувчилардир») га олиб келади. Шундай қилиб, биринчи фигуранинг иккинчи модуси сифатида Форобий Darīini кўрсатади. Уни ҳозирги замон мантиғи терминларида қуйдагича ифодалаш мумкин:  $AMP-ISM \supset ISP$ . Бу формуладан кўришиб турибдики, умумий тасдиқ ва жузъий тасдиқ асослар конъюнкцияси жузъий тасдиқ мулоҳазани беради»<sup>1</sup>.

Илк ўрта асрларда шартли силлогизмлар назариясини ишлаб чиқишда Форобийнинг хизмати катта. Форобий шартли силлогизмлар тўғ-рисида шундай деб езади: «Шартли силлогизм ҳам икки асосдан ташкил топади. Катта (шартли ҳукм бўлган) ва кичик (қатъий ҳукм бўлган) асослар истисно қилувчи қўшимчалар билан боғланган»<sup>2</sup>.

Ибн Сино ҳам шартли силлогизмларнинг тузилишини худди шундай тушунтиради.

Улар шартли силлогизмларни икки гуруҳга бўладилар. Биринчи гуруҳ шартли-қатъий силлогизмларни ифодалайди. Уларни Форобий шартли-қўшувчи силлогизм, Ибн Сино эса шартли-истисно қилувчи силлогизм деб атайди. У силлогизмнинг қуйидаги икки модусини таърифлаб беради. 1. Кичик асосда шартли ҳукмнинг асоси - антицедент, хулосада натижаси - консеквент тасдиқланади. 2. Кичик асосда шартли ҳукмнинг натижаси инкор қилинади. Хулосада эса шарт инкор қилинади.

Ал-Форобий ҳам, Ибн Сино ҳам фақат аниқ хулоса берувчи шартли силлогизм воқеликни билиш учун хизмат қилади, деб кўрсатадилар. «Силлогизмнинг шарти чин бўлса, унда хулосанинг чин асосдан келиб чиқиши шубҳасиз

<sup>1</sup> Уша асар: -С. 81.

<sup>2</sup> Файзихўжаева Д. И. IX-XI асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиққа оид қарашларида исботлаш муаммолари: Автореф. дисс. ... фал. фан. номзоди. -1999. -30 б.

заруратдир, деб таъкидлайдилар»<sup>1</sup>.

Параграфни шу билан якунлаб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Аристотелнинг «Аналитикалар»ига таянувчи мантиқшунослик фалсафий билимларнинг асоси, муҳим қисми сифатида тан олинди.

2. Ал-Киндий, ал-Форобий, Ибн Сино, Фахриддин Розий, Насриддин Тусий, ал-Журжоний ва бошқа алломалар ўз дунёқарашларининг шакилланиши жараёнида Аристотел асарларидан ғоявий озиқ олиб, унинг мантиқий таълимотини ўз даври илмининг янги ютуқлари асосида ривожлантирдилар.

3. Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари силлогизм асослари чин ҳукм, асос сони икки ва ундан ортиқ бўлиб, улар ўзаро моҳиятига кўра бирлашганда, бу асослардан зарурий равишда янги ҳукм - хулоса келиб чиқишини таъкидлаганлар.

4. Дедуктив хулоса чиқаришнинг воситали хулоса чиқариш тури, яъни силлогизм эканлиги таъкидланади.

5. Марказий Осиё мутафаккирлари силлогизмни ҳам асослардаги терминларнинг ўзаро боғланиши, ҳам асослар ва хулосанинг ўзаро боғланишида кўриб чиқадилар.

6. Шарқ мутафаккирлари мантиқий доимийларни ифодаланганда араб ҳарфларидан, ҳукм турларини, хулоса чиқариш кўринишидаги силлогизм фигура ва модусларини изоҳлашда бўлиш, кўпайтириш, айриш сингари риёзий ифодалардан фойдаланган.

2.2. Марказий Осиё олимлари томонидан Аристотел аподиктикасининг исботлашнинг мантиқий шакли сифатида ривожлантирилиши

Мантиқий исботлаш янги билимларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Аристотелнинг фикрича инсон «исботлаш воситасида янги билимга эга бўлади»<sup>2</sup>. Ана шунинг учун ҳам у исботлаш воситасида ҳосил қилинган билимларга юқори баҳо беради. Бу билимларнинг чиналиги, илмийлиги исботлаш усулига, асос-аргументларнинг чиналигига боғлиқдир. Аристотел ўзининг «Иккинчи аналитика»сида бу масалани батафсил баён қилган. У, аввало,

<sup>1</sup> Файзихўжаева Д. И. IX-XI асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиққа оид қарашларида исботлаш муаммолари: Автореф. дисс. ... фал. фан. номзоди. -1999. -30 б.

<sup>2</sup> Аристотель. Вторая Аналитика. -М., Мысль, 1978. -С. 257.



исботлаш деганда чин асослардан зарурий хулосани келтириб чиқарувчи силлогизмни, яъни силлогистик хулоса чиқаришни тушуниш лозимлигини таъкидлайди. Бунда силлогизмнинг хулосаси тезисни, аргументлари эса хулоса асосларини ифодалайди. Исботлаш усули эса силлогистик хулоса чиқариш кўри-нишида бўлади. Хулоса чиқариш тафаккурнинг асосий шаклларида биридир. Билимимизнинг кўп қисми хулоса чиқариш шаклида тузилган. Шунинг учун хулоса чиқариш мантикий фикрлашнинг муҳим шакли ҳисобланади. Хулоса чиқариш маълум бўлган билим орқали ноъмаълум билимни вужудга келтиришдан иборат<sup>1</sup>.

Исботлаш - бу хулоса чиқаришнинг мураккаб шаклидир. Исботлаш иккита хулоса чиқаришдан иборат: бирлаштирувчи ва ажратувчи. Хусусан, бирлаштирувчи хулоса чиқариш хулоса чиқаришнинг оддий бўлмаган шаклидир. Ибн Синонинг фикрича, Аристотель мазкур хулоса чиқариш шаклини чуқур таҳлил этмаган, балки шунчаки айтиб ўтган.

Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари «икки турдаги, яъни орттирилган ва орттирилмаган билимларнинг мавжудлигини эътироф этганлар. Чинлиги ҳар қандай далил-исботсиз қабул қилинадиган билимлар орттирилмаган билим; чинлиги далил-исботлаш орқали аниқланадиган билимлар эса орттирилган билим дейилган»<sup>2</sup>.

Билимларни орттирилмаган ва орттирилган турларга бўлиш ўзи-нинг келиб чиқиши бўйича антик даврга, қадимги юнон фалсафасига, хусусан Аристотел таълимотига бориб тақалади. Ана шунинг учун ҳам Яқин ва Ўрта Шарқ олимларининг бошланғич билимларга оид фикрларини таҳлил қилишдан аввал, бу масалани Аристотел қандай кўйгани ва ҳал этгани билан танишиб чиқиш зарур.

Аввал қайд этиб ўтганимиздек, ҳар қандай исботлаш унинг муайян таркибий элементларининг мавжуд бўлишини талаб қилади. Уларнинг чинлиги аввалроқ маълум бўлган бошқа фикр, мулоҳазалар ёрдамида тасдиқланган бўлади. Улар эса, ўз навбатида, бошқа билимлар воситасида далилланган. Бу жараён, албатта, давом этаверади, ўз чегарасига эга бўлмайди. Аристотелнинг фикрича, мазкур ҳолат исботлаш учун асос бўлувчи бошланғич билимларни аниқлашни тақозо этади. Бошланғич билимларнинг

<sup>1</sup> Каранг: Аристотель. Вторая Аналитика. -М.: Мысль, 1978. -С. 258.

<sup>2</sup> Аль-Фарабий. Логические трактаты. -Алма-Ата, 1975. -С. 139.

мавжудлиги бошқа билимларга боғлиқ бўлмайди, бошқа билимлар эса уларга боғлиқ бўлади. Олим «Иккинчи аналитика»да бошланғич билимларни исботлашнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқади. Бошланғич билимлар тезиснинг чинлигини исботловчи асосий элемент бўлиб хизмат қилади<sup>1</sup>.

Бошланғич билимларнинг ўзи қандай пайдо бўлади, деган саволга Аристотел аниқ жавоб бермайди.

В. Я. Асмуснинг таъкидлашича, «Аристотел бошланғич билимларнинг куйидаги шакларини кўрсатиб ўтади: аксиомалар, фараз (тахминий билим) ва постулатлар»<sup>2</sup>.

Аристотел шунингдек, «таърифлар ҳам исботлаш учун бошланғич илм»<sup>3</sup> эканлигини таъкидлайди. Лекин у сезгилар воситасида ҳосил бўлган билимларни бошланғич асос сифатида эътироф этмайди. Улар, мутафаккир фикрича, яқка буюмлар ҳақида жузъий характерга эга ҳамда юзақи маълумот беради. Бошланғич билимлар умумий характерга эга бўлиши керак.

Аристотел таълимотини ривожлантириб, ал-Форобий ҳам барча билимларни яратиш бўлмайдиган ва яратиладиган ёки дастлабки ва орттирилган турларга бўлган. Аксиомалар, постулатлар, ҳамма мавжуд дунёқарашлар, ҳиссий идрок маълумотлари дастлабки билимлардир. «Аксиома ва постулатлар, - Форобий фикрича, - очиқдан-очиқ ҳақиқатдир ва исботланишга муҳтож эмас. Ишончли билимни эса инсон хулоса чиқариш, исботлаш орқали ҳосил қилади»<sup>4</sup>. Шунинг учун, ал-Форобий фикрича, мантикнинг асосий вазифаси акли беҳато хулоса чиқаришга ўргатишдир. Хулоса чиқариш дастлабки билим (масалан, аксиомалар) асосида янги билимни мантикий (назарий) йўл билан келтириб чиқа-ришдан иборат конструкцияни ташкил қилади. Келтириб чиқарила-диган, яъни ҳосил қилинган назарий билимнинг чинлиги эса, унинг фикрича, ўзининг таркибида бўлган дастлабки мулоҳазаларнинг ҳақиқатли-гига боғлиқ ҳамда у силлогистик саънатда талаб қилинадиган аниқликка эга бўлиши керак.

Аристотел каби ал-Форобий ва Ибн Синолар ҳам хулоса чиқа-ришни исботлаш усули, яъни билимларнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Аристотель. Сочинение в четырех томах. Т.2. -М.: Мысль, 1978. -С. 257.

<sup>2</sup> Асмус В. Я. Античная философия. -М.: Наука, 1975. -С. 115.

<sup>3</sup> Луканин О. Р. Органон Аристотеля. - М.: Наука, 1984. -С. 59.

<sup>4</sup> Хайруллаев М. М. Логика ва тўғри фикрлаш. -Т.: Ўздаврнашр, 1961. -87 б.

чинлигини асослаш шакли деб тушунганлар. Улар исботлашни амалга оширишда силлогизмни энг муҳим, асосий усул, деб билганлар. Шунинг учун бу мутафаккирларнинг исботлашга оид таълимотларини уларнинг исботлашдаги асосий усул бўлиши силлогизмнинг чин билим олиш воситаси сифатидаги ўзи-га хос хусусиятлари тўғрисидаги қарашларини таҳлил қилишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Форобий исботлашнинг моҳиятини аниқлашда, Аристотелнинг «Аналитика»сини ўрганишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, бу асарни ўрганиш чин исбот билан хато исботни бир-биридан фарқлаш, мутлақо хато бўлган фикрни бир оз хато бўлган фикрдан ажратишга ёрдам беради.

Форобийнинг таъкидлашича, «силлогизм исботлаш усули сифатида ҳақиқатга олиб келувчи энг тўғри усул бўлиб, йлм-фан, фалсафий билимлар шуларга асосланади»<sup>1</sup>. Форобий исботлашнинг механизмини таҳлил қилиш жараёнида тафаккурнинг асосий шакллари бўлган тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш тўғрисидаги таълимотни чуқурлаштирган.

Марказий Осиё олимлари силлогизм асослари чин ҳукм бўлганда ҳамда улар сони икки ва ундан ортик бўлиб, ўзаро бирлашганда (яъни мантикий боғланишда бўлганда), бу асослардан зарурий равишда янги ҳукм-хулоса ҳосил бўлишини таъкидлайдилар. Уларнинг мавжуд билимларни дастлабки ва орттирилган билимга ажратишларини эътиборга олсак, силлогизм йўли билан ҳосил қилинган билимнинг орттирилган билим бўлиб ҳисобланишини тушуниб олиш қийин эмас.

Бу масалага бағишлаб ал-Форобий «Силлогизм» рисоласини ҳамда бошқа катор асарларини ёзди. У силлогизмни хулоса чиқаришнинг асосий шакли деб қараб, бу тушунчани Аристотелга қараганда кенгроқ маънода ишлатади. Хусусан, мутафаккир мантикий натижаси хулоса, оқибат деб аталган муҳокамани силлогизм деб ҳисоблаган. Мутафаккир фикрича, «кўпчилик мулоҳазалар мантикий йўл билан силлогизмлардан келиб чиқиши мумкин. Улар бошқа силлогизмларнинг қисмларидир ёки қисмлари бўлишга

---

<sup>1</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби // Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. –Т.: Фан, 1981. –С. 91.

яқиндир»<sup>1</sup>. Шунингдек, ал-Форобий Аристотелдан фаркли ўларок, «силлогистик санъат» соҳасини фалсафий мулоҳаза соҳаси, деб аталган формал логика, аподиктика билан ҳам чекламайди<sup>2</sup>.

Ал-Форобий барча мавжуд бўлган санъатларни, шу жумладан илмий ва маънавий-амалий фаолиятни носиллогистик ва силлогистик турларга бўлади. Унинг фикрича, тиббиёт, деҳқончилик хунарлари ва бош-қаларда намоён бўладиган инсоннинг амалий фаолияти носиллогистик санъатдир. Чунки у қандайдир алоҳида, конкрет ишни бажаришни ўзи-нинг ҳаракати ва мақсади деб билади. Улардан фаркли ўларок, силлогистик санъатлар ўзининг ҳаракатларида силлогизм назариясини кўллай-дилар. Абу Наср Форобий силлогизмнинг моҳияти унинг янги билим бериши заруригида эканини қатъий ҳолда таъкидлайди. «Ўз-ўзидан равшан силлогизмлар мукамал, улар равшанлиги учун бошқа нарсаларга муҳтож бўлганлари эса, номукамал силлогизмлар деб аталади. Номукамал силлогизмлар уларни мукамал силлогизмларга келтириш йўли билангина аниқ, тўғри хулоса берадилар»<sup>3</sup>. Ал-Форобийнинг бу фикри Аристотелнинг «Биринчи аналитика»сида билдирилган фикрига мосдир.

Ал-Форобий исботлашда кўлланиладиган силлогизмни аподиктик ёки илмий силлогизм деб атайдди ва уни инсонга аниқ билим берувчи силлогизмнинг олий кўриниши деб ҳисоблайди. Агар ал-Форобийда «чин билимни ҳосил қилишнинг ҳақиқатга эришиш билан бир хил деб қаралиши ҳисобга олинса, бу турдаги силлогизмнинг аҳамияти равшан бўлади. Фақат ана шундай билим инсон баркамоллигининг кўрсат-кичидир»<sup>4</sup>.

Ал-Форобий ва Ибн Синолар силлогизмни қатъий ва ноқатъий турларга ҳам ажратадилар. Тўғри силлогизм деб, асослари чин бўлган ва улардан зарурий равишда чин хулоса келиб чиқадиган силлогизм тушунилади. Нотўғри қурилганларни зиддият орқали ҳосил бўлган силлогизмлар деб ҳам атайдилар. Бунда улар зиддиятли, шубҳали

<sup>1</sup> Ал-Фараби. Логические трактаты. —Алма-Ата, 1975. —С. 164.

<sup>2</sup> Қаранг: Гафуров Б. Т., Касимжонов А. Х. Ал-Фараби в истории культуры. —М., 1975. —С. 97.

<sup>3</sup> Ал-Фараби. Логические трактаты. —Алма-Ата, 1975. —С. 164.

<sup>4</sup> Қаранг: Шарипов А. Д. Проблемы логики в книге «Ключи наук» Абу Абдаллаха Хорезми //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. —Т.: Фан, 1981. —С. 105.

хукмларнинг чинлигини аниқлаш учун қўлланилади. Масалан, бирор ҳукмнинг чинлигини аниқлаш учун унга зид бўлган бошқа ҳукм олинади, кейин унга чин асос қўшилади. Агар бу асослардан келиб чиқувчи хулоса хато бўлса, унда дастлабки ҳукмнинг чинлиги исботланган бўлади. Зиддият орқали бўлган силлогизмлар исботлашда кенг қўлланилади. Шу нуқтага назардан ёндашилганда, силлогистик хулоса чиқариш билан дедуктив исботлаш ўзаро бир-бирига мос келади<sup>1</sup>.

«Абу Абдуллоҳ Хоразмий ҳам Форобий ва Ибн Синоларнинг фикрларини ривожлантириб, ноқатъий ва қатъий силлогизмларни исботлаш орқали ажратиш мумкин дейди»<sup>2</sup>.

Энди Аристотел ҳамда Яқин ва ўрта Шарк мутафаккирларининг хулоса чиқариш ва исботлашнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги фикрлари ҳозирги мантикий тасаввурларга қанчалик яқин келишини кўриб чиқа-миз.

Аваллам бор шуни айтиш керакки, ҳозирги замон мантик илмида исботлаш ва далиллаш тушунчалари ўзаро фаркланади. Бу фикрни асослаш жараёни ҳозирги тасаввурларни анча аниқлаштиришни тақозо этади. Бу ҳолни хулоса чиқариш ва исботлашнинг ўзаро алоқасини таҳлил этишда албатта ҳисобга олиш зарур. Далиллаш деб бирор фикр-мулоҳазани ёки мулоҳазалар тизимини воқеликка бевосита муурожаат қилиш йўли билан (кузатиш, тажриба йўли билан) ёки чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар ёрдамида асослаб беришга айтилади.

Далиллаш бевосита ёки воситали бўлади. Бевосита далиллаш ҳис-сий билишга, яъни кўриш, эшитиш ва ҳоказоларга асосланган бўлиб, кузатиш, тажриба орқали амалга оширилади. Воситали далиллаш эса чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазаларга асосланади ва хулоса чиқариш кўринишида намоён бўлади. Далиллашнинг биринчи усули кўпроқ эмпирик, иккинчи усули асосан назарий билимга тегишlidir. Назарий ва эмпирик билимларнинг чегараси нисбий бўлгани каби далиллашнинг юқоридаги икки усулга ажратилиши ҳам нисбийдир.

Далиллаш ва исботлаш тушунчалари ўртасидаги муносабат ҳозир-ги рус мантиқшунос олими Ю. В. Ивлев

<sup>1</sup> Қаранг: Шарипов А. Д. Проблемы логики в книге «Ключи науки» Абу Абдаллаха Хорезми // Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т.: Фан, 1981. -С: 70.

<sup>2</sup> Уша асар, 105-б.

томонидан куйидагича тушунтирилади: далиллашнинг исботловчи ва исботловчи бўлмаган турлари мавжуд. Бунда исботлаш ва далиллаш тушунчалари ўзаро мос келади. Баъзи ҳолларда далиллаш исботловчи характерга эга бўлмайди, яъни далиллаш ва исботлаш тушунчалари ўзаро фаркланади. Чин асослардан ҳосил қилинган чин хулоса исботловчи далиллашдир<sup>1</sup>. Ю. В. Ивлев исботловчи бўлмаган далиллашнинг куйидаги уч турини кўрсатиб ўтади.

1. Исботлаш дедуктив хулоса чиқариш кўринишида бўлган, аргументларнинг ҳаммаси ёки баъзилари ҳақиқатга ўхшаш (эҳтимолий), ишончли бўлмаган ҳукмлардан иборат далиллаш.

2. Исботлаш усули дедуктив бўлмаган хулоса чиқариш кўриниши-да ва аргументлари чин ҳукмлардан иборат бўлган далиллаш.

3. Аниқ хулоса чиқариш шаклига эга бўлмаган, аргументлари тўлиқ асосланмаган ҳукм кўринишидаги далиллаш»<sup>2</sup>.

Ал-Фаробий фикрича, «силлогистик санъатларнинг барчаси (фалсафа, диалектика, софистика, риторика, поэтика) шундай умумийликка эгаки, улар силлогистик шаклда мавжуд саволлар бериш ва жавоблар олишда ифодаланадиган мантикий жараёнда мужассамлашади»<sup>3</sup>. Бу айниқса диалектика, софистика, риторикага тааллуқлидир. Одатда, силлогизм ё инсонларнинг бир-бири билан бўлган мулоқотида ёки улардан бирортасининг дилида ақл билан бирор нарсани келтириб чиқаришда қўлланилади.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда силлогизмнинг фалсафада қўлла-нилишини ал-Фаробий тушунтириб берган «фалсафий фикрлаш исботланадиган (далиллар келтириб бўладиган) муаммодир ва у ҳақиқатни ўрганишга, уни аниқлаб берадиган нарсаларни очишга қаратилган»<sup>4</sup>.

Шотландиялик мантиқшунос олим Минто таъкидлаганидек, Аристотель даврида «фикрларни бир-бири билан мувофиқлаштириш» зарур деган шиор қўйилган бўлса, ўрта асрларнинг шиорларида «фикрларингни обрўли қишилар (авторитетлар) фикри билан мувофиқлаштир»<sup>5</sup>,

<sup>1</sup> Қаранг: Ивлев Ю. В. Логика. —М., —1998. —С. 80.

<sup>2</sup> Ивлев Ю. В. Логика. —М., 1998. —С. 25.

<sup>3</sup> Ал-Фараби. Вводный трактат в логику. —С. 129.

<sup>4</sup> Ал-Фараби. Вводный трактат в логику. —С. 129.

<sup>5</sup> Аристотель. Вторая аналитика. Сочинения. —М.: Мысль, 1978. —Т. 2. —С. 275.

деган талаб қўйилган. Бошланғич билим Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг фикрича, хулосалаш учун асос, исботлаш учун аргумент ҳоли-да шаклланган. Хусусан, «Форобий «Мантиқ илмига кириш» асарида бошланғич билимларнинг қуйидаги турларини санаб ўтади:

Мақбулот - ёлғиз, бир киши розилиги ёки маъқуллаши билан қабул қилинадиган билим.

Машҳурот - барча одамларга ёки уларнинг кўпчилик қисмига маълум ва машҳур бўлган фикр-раъй асосида қабул қилинадиган билим.

Маҳсулот - сезги аъзолари воситасида ҳосил қилинган ва фаҳм-ланидиган билимлар.

Мақбулоти аввал эса илмнинг бошланишидаёқ маълум бўлган чин фикрлар, яъни аксиомалардан иборат.

Дастлабки билимларга асосан ҳиссий қабуллаш воситасида ҳосил бўлган билимлар, аксиомалар, постулатлар ва ҳамма томонидан қабул қилинган фикрлар кириб, исботлашга муҳтож бўлмайди. Улар инсон томонидан воқеиликни фаол ўзлаштириш учун керак, лекин етарли ҳисобланмайди»<sup>1</sup>.

Ал-Форобийнинг фикрича, силлогизм ва исботлаш усули энг тўғ-ри хулосага олиб келувчи усул бўлиб, илм-фан, фалсафий билим шуларга асосланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Форобий тафаккурнинг асосий шакллари бўлган тушунча, ҳукм ва унинг турлари, хулоса чиқариш, яъни силлогизм ва унинг фигуралари, моҳиятини чуқур таҳлил қилиб, уларни исботлаш билан боғлаб, яхлит, изчил мантиқий таълимот яратди.

Ал-Журжоний ҳам силлогистик хулоса чиқаришни унинг таркибий элементлари бўлган мулоҳазалар ва тушунчаларни таҳлил қилиш-дан бошлайди. У модаллиги бўйича воқелик, зарурийлик ва эҳтимоллик ҳукмлари бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. «Кубро» номи асарида «Субъект билан предикат ўртасидаги муносабат, унинг тасдиқ ёки инкор бўлишидан қатъи назар, зарурийдир, улар алоҳида бўла олмайди», - деб ёзади. Бундай ҳукмлар - қатъий зарурий ҳукмлардир. Масалан, «Ҳамма одамлар

<sup>1</sup> Ал-Фараби. Логические трактаты. -Алма-Ата, 1975. -С. 185.

хайвонлардир»<sup>1</sup>.

Мутафаккир ««Авсат» асарида у ёки бу сабабни кўрсатувчи қатъий ҳукмларни зарурий ҳукмлар деб атади ва уларнинг 13 турини кўрсатиб ўтади. Ал-Журжонийнинг ҳукмларни бундай тасниф қилиши Ибн Сино ва Насриддин Тусийнинг модал ҳукмларнинг бўлиниши ҳақидаги фикрларини ривожлантиради»<sup>2</sup>.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Яхъё ибн Али Сулаймон, Абу Хайялар ҳам Форобийнинг, Ибн Синонинг мантиққа оид гояларини ривожлантирдилар.

Улар ҳам ал-Форобий каби билим бу билинаётган нарсанинг билувчи жонидаги образидир, деб ҳисобланганлар. Айтиш мумкинки, улар билиш жараёнининг босқичлари ва улар ўртасидаги алоқадорликни тўғри тушунишда мантиқий далиллаш, исботлашнинг аҳамиятини ало-ҳида таъкидлашган. «Улар Форобий каби билинаётган объект - бу билувчининг жонидаги образи асосидир, деб айтганлар. Хусусан, «Соф биродарлар»нинг «Мактублар»ида «жон билинаётган нарсаларнинг» шаклини ҳар хил қабул қилади: 1. Сезгилар воситасида. 2. Далиллар воситасида»<sup>3</sup>, деб кўрсатишган.

Инсонлар ҳамма вақт янги билимларга эhtiёж сезиб келган. Шу сабабдан, Шарқ мутафаккирларининг фикрича, мантиқни ўрганишдан асосий мақсад, исботлаш усули тарзидаги чин хулоса чиқариш шарт-шароитларини билишдир. Хулосанинг чинлиги эса, асосларнинг чинлигига ва уларнинг ўзаро мантиқий алоқасига боғлиқдир.

Исботлаш усули деганда «Хулоса чиқариш деб икки ва ундан ортиқ чин ҳукмлар воситасида янги ҳукмни шакллантирувчи мантиқий жараён тушунилади. Хулоса чиқаришнинг дедуктив, индуктив ва аналогия каби турлари мавжуд. Булардан энг ишончлиси чин хулосавий билим берувчи дедуктив хулоса чиқариш, яъни силлогизмдир»<sup>4</sup>. Силлогизм санъати ҳақиқатни асослаш ва исботлашга хизмат қилади. У, Форобийнинг айтишича, далилланган ҳақиқий билимларни беради.

Дедуктив хулоса чиқариш воситали хулоса

<sup>1</sup> Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. — Душанбе: Ирфон, 1965. — С. 106.

<sup>2</sup> Қаранг: Уш а ерда.

<sup>3</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби // Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. — Т.: Фан, 1981.

<sup>4</sup> Аристотель. Первая Аналитика. — М.: Мысль, 1978. — Т. 2. — С. 122-129.



чиқаришнинг ва исботлашнинг муҳим туридир. Мантикда дедуктив хулоса чиқариш ишончли исботлаш усули деб ҳисобланади. Силлогизм шунинг учун воситали хулоса чиқаришдирки, унда икки ҳукм бир-бири билан мантиқий кўшилиб, янги учинчи ҳукм - хулоса (исботлашнинг тезиси) пайдо бўлади.

Абу Наср ал-Фаробий фикрича, исботлаш усули сифатида қўлланилатган «Силлогизм иккита ёки бир нечта чин ҳукмлардан хулоса чиқаришдир. Бу ҳукмларнинг ўзаро боғланиш ва чинлигидан мантиқан зарурий хулоса келиб чиқади. Силлогизм фикрлашнинг тўғрилигини, унинг тузилиши, шакли бўйича эмас, балки мазмуни, материяси бўйича кўрсатувчи воситадир»<sup>1</sup>.

Фаробий фикрини давом эттириб, Журжоний, «мантиқийликнинг зарурийлиги ва давомийлиги ҳамма вақт ҳам ички қарама-қарши фикрларнинг бўлишига боғлиқ эмас, деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, бошланғич ва зарурий билимларга таяниб, назарий билимларни ҳосил қилиш»<sup>2</sup> ҳамда исботлаш мумкин.

Хусусан, Ал-Фаробий ҳам, дедуктив хулоса чиқаришни хулосачиқаришнинг (ва исботлашнинг) олий тури деб ҳисоблаган. Унинг таъкидлашича, фалсафанинг олий принциплари фақат асосий турлари қатъий ва шартли силлогизм бўлган дедуктив хулоса чиқариш орқалигина тушунилиши ва исботланиши мумкин.

Аристотелдан фарqli равишда Ибн Сино ўз мантиқий назариясида индукция ва анологияни хулоса чиқаришнинг ва исботлашнинг мустақил тури сифатида алоҳида кўриб чиқади. Ибн Сино индукцияни текширар экан, уни, биринчидан хулоса чиқариш шакли, исботлашда эса зарурий натижага эришиш воситаси сифатида, иккинчидан, тажрибавий йўл орқали мавжуд ҳақиқатлардан умумий билимларни келтириб чиқариш ва демак, исботлаш усули сифатида талқин қилади.

Ибн Сино индуктив хулоса чиқаришнинг бир қанча усуларини ишлаб чиққан. У Фрэнсис Бэконнинг илмий индукция усуларини кашф қилишидан анча олдин диалектик мунозарада индукция ёрдамида хулоса ҳосил

<sup>1</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фароби // Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т.: Фан, 1981. -С. 65.

<sup>2</sup> Қодиров М. Логико-гносеологические идеи Мир Сайида Шарифа Джуржани // Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т.: Фан, 1981. -С. 75.

қилишнинг баъзи бир усулларини асослаб берган. Аристотел индукциясини ўрганиш ва уларни ривожлантириш орқали Ибн Сино мантиқнинг замонавий тушунчаларини яратишга жуда яқин келган.

Индукциядан ташқари Ибн Сино аналогияни ҳам кўриб чиқади. Унинг фикрича, аналог хулоса чиқариш ва исботлаш усули сифатида индукцияга нисбатан бир оз соддароқдир. Аналогияда икки нарсанинг бир хил белгиларига қараб хулоса чиқарилади. Ибн-Сино фикрича, аналогия орқали зарурий хулоса чиқариш бўлмайди, уни жузъий ҳукмларни исботлашда ҳам қўллаш мумкин.

Индукцияни кўриб чиқар экан, ал-Форобий шундай деб ёзади: «Биз айрим нарсаларни улардан бири ҳақида мулоҳаза чиқариш учун ўрганар эканмиз, шунинг ўзи индукциядир»<sup>1</sup>. У индукцияни силлогизм билан таққослайди ва шу билан бирга «индукция - силлогизмнинг биринчи фигураси кучига эга бўлган мулоҳазадир. Унда биз ўрганадиган айрим нарсалар ўрта термин бўлиб ҳисобланади», деб кўрсатади.

Ал-Форобий индукцияга хусусийдан умумийга борадиган хулоса чиқариш шакли, исботлаш усули сифатида қарайди ва уни силлогизмдан сўнг билишнинг иккинчи муҳим воситаси, деб ҳисоблайди. У «индукция орқали содир бўладиган силлогизмдир». «Ҳар қандай ҳаракат - бу юриш, сузиш, учиш ва бошқалар» ва «Ҳар қандай юриш, сузиш, учиш ва бошқалар вақт ичида мавжуддир»<sup>2</sup>. «Бундай индукцияни Форобий, Аристотел каби, яъни силлогизм биринчи фигураси асосларини асослаш воситаси сифатида тушунади. Демак, ал-Форобий фикрича, индукция дедукцияга суянади»<sup>3</sup>.

Исботлаш усули сифатида силлогизм ва индукциядан сўнг Ал-Форобий аналогия бўйича хулоса чиқаришни кўриб чиқади. У аналогияни индукция билан таққослайди ва унинг индукцияга яқинлигини кўрсатади. Индукцияда хулоса барча ёки, кўпроқ жузъий ҳолатларни ўрганишга асосланади. «Мутафаккир «аналогия» бўйича хулосалаш - бу бир жузъий вазиятдан бошқасига мулоҳазани олиб ўтишдир; улардан бири иккинчисидан кўра кўпроқ маълум ва ҳам умумий

<sup>1</sup> Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. — Душанбе: Ирфон, 1965. — С. 195.

<sup>2</sup> Ўша асар. — С. 340.

<sup>3</sup> Ўша асар. — С. 346.

маънода берилганки, унинг асосида камрок маълум бўлгани ҳақида хулоса чиқарила-ди. Аналогияда жузъийдан жузъий хулоса чиқарилади»<sup>1</sup>. Шундай қилиб, ал-Форобий фикрича, кўрсатилган воситаларнинг барчаси ёки улардан баъзилари силлогистик санъатда хусусан, исботлашда қўлланилади. Аподиктикада, унинг фикрича, чин асослардан шакланган қатъий ва шартли силлогизмлар ва аподиктив индукция қўлланилади. Диалектика, ҳақиқатда қабул қилинган, қатъий ва шартли силлогизм шакллари ҳам эга бўлган асослардан шакланган диалектик силлогизмлар ва диалектик индукция тарзида қўлланилади. Риторикада эса энтимема, аналогия ва риторик индукция қўлланилади. Ал-Форобий энтимемани риторик силлогизм, деб атайди ҳамда уни риториканинг асосий воситаси, деб ҳисоблайди.

Форобий каби ал-Журжоний ҳам мантикнинг асоси ва мавжудлигини силлогизм - дедуктив хулоса чиқариш ва исботлаш усулининг мавжудлигида деб билади. Ал-Журжоний мантиқий шакллари тушунча ҳукм, хулоса чиқариш ва исботлашга ажратади. Бу эса Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг мантиқий таълимотлари учун характерли хусусиятдир.

Ал-Журжоний хулоса чиқаришнинг ҳамда исботлашнинг уч турини тан олган: силлогизм, индукция ва аналогия. Бунда силлогизмни хулоса чиқаришнинг ва назарий билим олишнинг асосий воситаси деб билган. «Исботлаш бу умумийликдан жузъийликка олиб борувчи мулоҳаза юритиш усули бў-либ, у силлогизм (қиёс) деб аталади. Агарда исботлаш жузъийдан умумийга қараб борса, у ҳолда хулосалаш индукция (экстра) деб аталади, агар исботлашда бирор жузъийдан бошқа бир жузъийга қараб ҳаракат-ланса, у аналогия (тамсил) деб аталади»<sup>2</sup>.

Индукция деганда, шундай хулоса чиқариш ва исботлаш усули тушуниладик, унда жузъий тушунчалардан умумий хулоса келиб чиқади. У тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган индукция турларини ажратади.

Ибн Синонинг «Кўрсаткичлар ва танбеҳот»лар асарида ёзишча индукция ва аналогия силлогизм билан бир қаторда самарали исботлаш шакли бўлиб ҳисобланади.

<sup>1</sup> Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. — Душанбе: Ирфон, 1965. — С. 348.

<sup>2</sup> Қодиров М. Логико-гносеологические идеи Мир Сийида Шарифа Джуржонии // Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. — Т.: Фан, 1981. — С. 174.

Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг Аристотел хулоса чиқариш назариясидаги хулоса чиқариш ва исботлашнинг ўзаро алоқаси ҳақидаги ғояларини ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келамиз:

1) Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари таълимотларида мантиқ илмининг билимларни чинлигини аниқлаб берадиган энг муҳим бўлимларидан бири сифатида хулоса чиқариш эътироф этилади.

2) Хулоса чиқаришдан асосий мақсад янги билимга эришишдир, хулосалаш эса, фикрларнинг чинлигини исботлашдир.

3) Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари Аристотелнинг силлогистик назариясини исботлаш ҳақидаги таълимот сифатида чуқур ва ҳар томонлама ўрганганишгани ҳолда, унга ижодий ёндашдилар ва янги ғоялар билан бойитдилар.

4) Уларнинг таъкидлашларича, силлогизм исботлаш усули сифатида ҳақиқатга олиб келувчи энг тўғри усул бўлиб, илмий, фалсафий билимларга асосланади. Улар шартли ҳукмларга асосланган хулоса чиқаришни силлогизм кўринишларидан бири деб ҳисоблаб, унинг модусларини аниқладилар ҳамда шартли силлогизмнинг исботлаш жараёнида қўлланишини ва аҳмиятини кўрсатдилар.

Иккинчи бобда қўйилган масалаларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мовароуннаҳар мутафаккирлари янги ижтимоий ва гносеологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, илм-фанлар, жумладан фалсафанинг тажрибавий усулларига катта эътибор берганликлари таъсирида Аристотелга қараганда мантиқни нафақат тўғри фикрлаш, балки ҳақиқатни билиш қонун ва қоидаларини ўрганувчи фан сифатида талқин қилдилар ва ривожлантирдилар, мантиқ фани ривожланишининг янги босқичини белгилادилар.

2. Хусусан Форобий ва Ибн Сино Аристотелнинг мантиқий қараш-ларини ўргана бориб, унинг таълимотидаги баҳс талаб масалаларни, шу жумладан силлогизм назариясини, мантиқий концепцияларини янада ривожлантиришни онгли равишда ўз олдига вазифа қилиб қўйдилар.

3. Яқин ва Ўрта Шарқ, айниқса Марказий Осиё мутафаккирларининг йирик хизматларидан бири шундан иборатки, улар Аристотел мантигини юнон мантиқшунослиги

соҳасидаги янги стоицизм, эпикуризм ғоялари билан ривожлантирилди ва янги назариялар билан бойитди.

4. Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари мантиқий шакллар, шартли ва ажратувчи хулоса чиқариш усуллари ва айниқса, силлогизм тизимининг структуралари, улардаги терминларни формаллаштиришга ҳаракат қилдилар.

5. Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари ўзларининг мантиқий таъ-лимотларида импликация, дизъюнкция муаммоларини ва айниқса, сил-логизмнинг тузилишини конкретлаштирилди, уни янги талқин қил-дилар.

6. Илк ўрта асрларда шартли силлогизмлар назариясини ишлаб чиқишда Форобийнинг ва Ибн Синонинг хизматлари катта, улар аниқ хулоса берувчи шартли силлогизмлар воқеликни билиш учун хизмат қилади деб кўрсатдилар. Унинг модусларини аниқлаб, шартли силлогизмнинг исботлаш жараёнида қўлланишини ва аҳамиятини кўрсатдилар.

3-Боб.

ЎРТА АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ

## МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ ҒАРБДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИГА ТАЪСИРИ

### 3.1 Марказий Осиё мутафаккирлари силлогистик таълимотларининг ғарбда анъанавий мантиқнинг ривожланишига кўрсатган таъсири.

Силлогистика узоқ вақт давомида ягона маълум соф илмий фикрлаш назарияси бўлиб келган. Хулосалашнинг бошқа носиллогистик шакллари XIX асрнинг ўрталарига қадар жуда кам ўрганилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Европада таркибида силлогистика салмоқли ўринга эга мантиқ фани Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг мантиқий таълимотлари асосида ва Аристотел силлогистик назарияси таъсирида ривожланди.

«Европа схоластикаси ривожланишини икки даврга ажратиш мумкин. Биринчи давр IX-XII асрларга тўғри келиб, унда ҳали қадимги юнон фалсафаси Европада кам тарқалган эди. Аристотелнинг мантиққа оид икки-уч асарларигина лотинчада маълум бўлган. Силлогистик таълимот билан жуда кам кишилар, асосан тадқиқотчиларгина таниш эдилар. Бу даврда ҳали неоплатонизм таъсири устун эди.

Иккинчи давр XIII-XIV асрларни камраб олган бўлиб, Европада ўрта аср Шарқ маданияти фалсафасининг таъсири (асосан Испания, Италия орқали) кучайди. Таржима марказлари вужудга келиб, уларда арабчадан турли фанларга оид асарлар лотин тилига таржима қилина бошланди. Аристотел ва бошқа юнон файласуфларининг асарлари ҳам араб тилидан лотинчага таржима қилинди»<sup>1</sup>.

Испанияда салкам саккиз аср давом этган араблар ҳукмронлиги, ярим оролда Шарқ маданияти, илм-фан, фалсафа, бадиий адабиётнинг ривожланиши, халифаликни ташкил этган бошқа халқлар маданияти айниқса, Мовароуннаҳр, Эрон маданиятининг араблар томонидан ўзлаш-тирилишига олиб келди. Бу билимларнинг Испанияда янада такомиллаштирилиши натижасида унинг Европа халқлари, айниқса Испания билан чегарадош мамлакатларга таъсири кучли бўлди. Француз олими Г. Куарди «Араб

<sup>1</sup> Қаранг: Хайруллаев М. М. Введение //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. –Т.: Фан, 1981. –С. 10-11.

фалсафаси ўрта аср Европасида» номли асарида шундай деб ёзади: «Бағдодда Аббосийлар, Кордовада умавийлар ва алмовийлар саройида VII-XII асрларда Марказий Осиёда мусулмон риёзиёт ва файласуф мутафаккирлари билан боғлиқ бўлган ажойиб олимлар мактаби фаолият кўрсатади. Улар илм-фаннинг юксак ривожини тامينладилар. Шундай қилиб, Самарқанддан Толедогача яхлит бир маданий тараққиёт йўли чўзилди. Европа то XII асргача грек-араб фанининг чекка вилояти эди, холос»<sup>1</sup>.

Испанияда шаклланган таржимонлар мактаби нафақат «грек-араб фани»нинг, балки Мовароуннаҳр файласуфлари Муҳаммад Мусо Хоразмий, ал-Форобий, ал-Фарғоний, Ибн Сино, ал-Беруний каби кўплаб олимларнинг асарлари билан Ғарбий Европани баҳраманда қилди.

Ал-Киндий, ал-Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, ар-Розий каби Шарқ мутафаккирларининг асарлари лотинчага бир неча бор таржима этилиб, улардан ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилди.

Франуз олими Гюининг фикрича, «Европа XII-XIII асрларда Шарқ олимлари асарлари таржимаси билан танишгач, Шарқ маданияти билан янада яқинроқ алоқада бўлишига эҳтиёж туғилди. Шарқ фани хазинасидан янада кўпроқ фойдаланиш, ўрганиш учун 1311-1312 йилларда Вена соборининг қарорига мувофиқ Париж, Рим, Оксфорд, Болония каби университетларда Шарқ тиллари кафедралари очилди»<sup>2</sup>.

Профессор Б. Д. Петровнинг ёзишича «Европани Аристотел таълимоти билан таништириш хизмати ал-Форобийга тааллуқлидир. Ал-Форобий умуман ўрта аср маданиятининг энг буюк фигураси бўлмиш Ибн Синони юзага келишига замин ҳозирлади»<sup>3</sup>.

Форобий юнон тилини яхшигина билган. «Унинг исботи - мутафаккир асарларида келтирилган парчалар эканлигини айтиб ўтиш жойиз. Бундан ташқари, олим юнонча сўзлар, айрим илмий атамаларни тушуниш осон бўлсин учун уларни маъно жиҳатидан тенг бўлган бир неча араб сўзлари билан бирга берган»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Голенищев-Кутузов И. Н. Данте и предвозрождение. Литература Возрождения. -М., 1967. -С. 60.

<sup>2</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -225 б.

<sup>3</sup> Петров Б. Д. Ибн Сина - творец «Канона». Предисловие к первой книге «Канон врачебной науки». -Т., 1954. -С. 29.

<sup>4</sup> Ушв асар. -227 б.

Юқорида қайд этилганидек, Ибн Сино ўзининг мантикий таълимотларини қадимги юнон мутафаккирларига суяниб яратган. Умуман Марказий Осиё ва Эрон мантиқшунослари мантиқ илмининг асосчиси сифатида Аристотелни тан олганлар.

Ал-Форобий, Ибн Синолар ўз замондошлари сингари «биринчи ўқитувчининг» мантикий асарларини катта қизиқиш ва эътибор билан ўргандилар. Аммо ўзининг мантикий изланишларида ва дунёқарашла-рида улар Аристотелга бевосита тақлид қилишмаган.

Абу Али Ибн Сино ва унинг замондошларининг фалсафий таълимотлари, сўзсиз, Ғарбий Европа мамлакатларининг фалсафий, илмий ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Хусусан, Ибн Сино «Аристотел қарашларини ўргана бориб, фалсафа ва мантиқни ўз ҳолича, мустикал равишда ривожлантирди. У, баъзи ҳолларда ўз қарашларини Аристотел қарашларига қарши қўяди. Бу билан у, Аристотелнинг фалсафий, мантикий таълимотларининг тақлидчиси эмаслигини такидлаган. Ибн Сино «Ҳикмат-ул-машриқийин» асарининг сўз бошисида Шарқ фалсафасининг ўзига хос хусусиятларини ва махсус фалсафий қарашларини очиб беришга ҳаракат қилган.

Айнан мана шу асарида Ибн Сино Аристотелнинг ҳаққоний деб тан олинган фалсафий назариясининг ҳақиқатан бир оз оғишганлигини айтиб ўтган. Ибн Сино бу асарида Аристотел таълимотларидан ўзиб кетиб, ўзининг хусусий қарашларини ифодалаган. XII асрда ижод этган араб файласуфи Ибн Туфайл Ибн Сино фалсафий қарашлари билан унинг ўтмишдошларининг фалсафий қарашлари ўртасидаги бу фарқни кўра билган.

Бу «итоб кейинги давр файласуфларнинг таълимотларига сўзсиз катта таъсир кўрсатган. Хусусан «XIII асрнинг буюк файласуфи Роджер Бэкон асарида буни пайкаб олиш қийин эмас»<sup>1</sup>.

Афсуски, ҳозирда бу асарнинг сўз бошиси ва мантиқ қисмига оид унча катта бўлмаган қисмигина сақланиб қолган. Мутафаккир бу қисмда қадимги юнон мантигига таълуқли умумий саволларни кўриб чиққан-лигини, кейинги асарларида эса бу саволларни жиддийроқ текшириб, ўзининг танқидий фикрларини билдиришини айтиб ўтган.

<sup>1</sup> Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. — Душанбе: Ирфон, 1965. — С. 160.



Юқорида айтиб ўтган фикрлардан кўриниб турибдики, Ибн Сино фалсафий муаммоларни мантиқий муаммолар билан аралаштиришга қарши бўлган; шу жиҳати билан ҳам у Аристотел билан келишолмасди. Чунки унинг қарашларида бу икки фан муаммолари ўртасида аниқ чегара йўқ эди.

«Француз олими Л. Массиньон, Ибн Синонинг бизга етиб келмаган «Шарқ мантиғи» номли асарининг баъзи жиҳатларини ва сўз-бошисини ўрганиб, шундай хулосага келади: Ибн Сино Раймонд Луллийдан (1235-1315) бир мунча вақт илгари математик принциплар асосида мантикни формализация қилишга ҳаракат қилган»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам Ибн Сино мантик ва риёзиётни боғлашга ҳаракат қилган ва риёзиётнинг методларини мантик соҳасида қўллаш жуда яхши натижалар беришига математиканинг катта билимдони сифатида ҳеч ҳам шубҳа қилмаган.

Форобий, Ибн Сино ва унинг мактаби вакиллари қадимги юнон мутафаккирларининг фикрларини, хусусан Аристотел таълимотини шунчаки ўрганиб ва уларга тақризлар ёзиш билан чекланмай, балки уларнинг камчиликларини тuzатдилар, ҳамда ўзларининг ғоя ва мулоҳазалари билан ривожлантирдилар.

Шунингдек, уларнинг таълимотларида қадимги Шарқ мутафаккирларининг қарашлари ҳам сезиларли аҳамиятга эга бўлган. Масалан; «Эрон тадқиқотчиси Муҳаммад Таги биринчи манбаларга асосланиб «Ибн Сино даврида мантик» деб номланган мақоласида Ибн Синонинг нафақат юнон мантиғини, балки ҳинд мантиғини ҳам жуда яхши билганлигини исботлаб берган»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб Ибн Сино Аристотел таълимотининг оддий тарғиботчиси эмас эди. У Аристотел таълимотининг илғор томонларини янада ривожлантирди. Ибн Сино Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон файласуфларининг фалсафий қарашларини, юнон файласуфларининг қарашлари билан солиштириб ўзига хос фалсафий таълимот яратишга ҳаракат қилди. Бу масала юзасидан ўзининг шогирдига ёзган мактубида шундай дейди: «Мен «Инсоф» номли асар ёзиб,

<sup>1</sup> Massignon L. "Avicenna", et les influences orientales, в "Larevue du Caire", Caire, june, 1951. -P.10

<sup>2</sup> Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики Ибн Сины и его школы. — Душанбе: Ирфон, 1965. — С. 16.

унда олимларни икки гуруҳга: шарқчилар ва ғарбчиларга бўлдим. Шарқчилар ва Ғарбчилар ўзаро бахшлашадилар. Ҳар бир соҳада мен улардаги задиятларини аниқлай-ман ва ундан сўнг бу масалани адолатли ҳал этиш йўлини кўрсатиб бераман. Бу китоб тахминан 28 минг масалани ўз ичига олади»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, мутафаккир ўз фалсафий ва мантиқий қараш-ларида Аристотел таълимотларига тақлид қилмаганлигини, унинг таъли-мотларини жон-жаҳди билан ҳимоя қилмай, унинг камчиликларини тузатганини бир неча маротаба таъкидлаб ўтган. Ибн Синонинг мустақил ижодий тадқиқотлари билан ўзининг фалсафий ва мантиқий мактабини яратди. Б. Э. Быховскийнинг такидлашича, «Олим ўзининг таълимотлари билан Аристотелнинг таълимотларига яқин бўлган, аммо ҳеч ҳам перипатетиклар фалсафасининг тикловчиси бўлмаган. Ибн Сино Аристотел таълимотларини ижодий ишлаб чиқади, баъзи қоидаларини мукаммаллаштиради ва тўғирлайди»<sup>2</sup>.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун «Кўрсаткичлар китоби» асарининг мантиқ бўлимини ўқишнинг ўзи kifоя. Ибн Сино ҳар бир кўриб чиқилган муаммони мустақил ҳал этади. Аристотел «Аналитикалар»ида берилган маълумотларга қарши фикр билдиради ва шу зохоти ўзининг фикрларини айтиб исботлайди»<sup>3</sup>.

Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг кўпчилиги мантиқни фикрлаш шакллари ҳақидаги фан, деб атайдилар. Улар мантиқни зарурий ва етарли асос қонунларини ўрнатишни ўрганадиган ва тўғри фикрлаш ҳақидаги илм турларига ажратадилар.

Улардан биринчиси, бизга маълумки, формал мантиқ ёки умумий мантиқ деб, иккинчиси эса амалий мантиқ ёки методология (илмий тадқиқот мантиғи) деб аталади.

Формал мантиқ фикрларнинг шаклларини ва умумий қонунларини текширади. Амалий мантиқ табиатан текшириладиган объектга мос келадиган ва қўллаш мумкин бўлган махсус қонун-қоидаларни, тўғри фикрлашнинг алоҳида методларини ўрганади.

<sup>1</sup>Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики Ибн Сины и его школы. –Душанбе: Ирфон, 1965. –С. 78.

<sup>2</sup>Быховский Б. Э. Философское наследие Ибн Сины //Вопросы философии. –1995, №5-С. - 139.

<sup>3</sup>Уша асар -С. 140

Бошқача айтганда, формал мантиқ исботлаш, хулоса чиқариш шакларини ўрганади. «Масалан: «ҳар қандай А-В бўлади» ва «ҳеч бир В-С эмас», демак, у ҳолда «ҳеч бир А-С эмас» деган фикр келиб чиқади. Лекин, «ҳар қандай А-В бўлади» ва «ҳар қандай С-В дир» деган икки асослардан ҳеч қачан «ҳар қандай А-С дир» деган хулоса келиб чиқмайди».<sup>1</sup> Формал мантиқнинг қонун ва шакллари маъно жиҳатидан бир бирига яқин турган ҳар қандай аниқ фикрга нисбатан қўлланилади.

Шундай қилиб, Аристотел, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушдларнинг мантиққа оид асарлари, ўрта асрлар охирида Европадаги мантиқ фанининг асосини ташкил этган. Бунда Аристотелнинг «Органони» ва умуман унинг мантикий таълимоти Шарқ орқали Европага кириб келганлигини, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд асарларининг Европада мантиқ илмининг кучайишига сабаб бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур.

«Француз файласуфи Эрнест Ренан «Аверроэс ва аверроизм» номи китобида ва инглиз файласуфи Бертран Рассел «Ғарб фалсафаси тарихи» номи катта китобида Шарқ фалсафасини камситишга, унинг Европа уйғониш даври фалсафасининг тараққиётига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаганини исботлашга ҳаракат қилишган. Ибн Синони эса Аристотелнинг тақлидчиси деб атаган»<sup>2</sup>. Евроцентризм нуқтаи назардан билдирилган Э. Ренан ва Б. Расселнинг бу фикрлари ҳақиқатни акс эттирмайди. В. Ф. Асмуснинг бу китоб ҳақида билдирган фикрида, Расселнинг ҳатто XII асрларда тараққий этган араб фалсафасининг католик фалсафаси (Рассел термини бўйича) тараққиёти йўлига жуда катта таъсир кўрсатганини тан олишни ҳам хохламаганини айтиб ўтган. Улардан фарқли ўлароқ, «XIII асрда ном қозонган Ғарбий Европа схоластлари баъзи фундаментал билимларни Ибн Сино ва бошқа араб файласуфларидан олганликларини тан олганлар. Масалан: француз схоласти Роджер Бэкон Аристотелдан кейин Ибн Синони фалсафанинг «йўлбошчиси ва шоҳи» деб атайдиган ва ўзининг асарларида ҳайратланиб, Ибн Синодан сўнг Ибн Рушддан ва Ал-Форобийдан цитаталар келтирган»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. Душанбе: Ирфон. -1965. -С. 80.

<sup>2</sup> Уша асар 72 б.

<sup>3</sup> Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы.

Мана шунга ўхшаш фикрлар Марказий Осиё, Эрон, Хитой, Ҳин-дистон мутафаккирларининг фалсафий - мантикий қарашлари ва илмий кашфиётлари Европанинг фалсафий, илмий қарашларининг тараққий этишига катта таъсир кўрсатди, деган хулосанинг тўғрилигини тасдиқлайди. Шубҳасиз, бу илмий кашфиётларсиз ва таълимотларнинг таъсирисиз Европа уйғониш даври фалсафий, илмий фикрлари ривожини тасаввур қилиш қийин.

Шарқ фанларининг Европа маданиятига таъсири ҳақида сўзлаб, Ирландиялик арабшунос олим М. Уотт «Исломнинг ўрта аср Европасига таъсири» асарида қуйидаги ҳақиқатни тан олган: «Европоликлар мусулмон маданиятидан, ... айниқса, фалсафа ва тиббиёт соҳасида, ўзларининг қанчалик қарздор эканлигини ҳис қилганлари йўқ. Бунга кўшимча мусулмон маданиятининг ижобий таъсири ва кўламини пасайтириш, ва ҳатто, тамоман эсга олмасликка уринамиз. Бизнинг мусулмонлар билан яхши муносабатларимиз уларнинг олдидаги қанчалик қарздор эканли-гимизни тан олишга мажбур қилди. Буни яшириш ёки тан олмаслик сохта ғурурдан бошқа ҳеч нарса эмас»<sup>1</sup>.

Француз файласуфи Александр Койренинг таъкидлашича, «Юнон тилидаги фалсафий ва илмий асарларнинг лотин тилига дастлабки таржималари бевосита юнончадан эмас, балки араб тилидан бўлган бўлса, бунга Ғарбда қадимги юнон тилини биладиганларнинг қолмаганлиги эмас, балки мураккаб асарлар бўлган Аристотелнинг «Физика», «Риёзиёт»ини ёки Птоломейнинг «Алмагест»ини ал-Форобий, Ибн Сино ёки Ибн Рушднинг ёрдамисиз ҳеч ким тушуниш қобилиятига эга булмаганлигидандир. Аристотел ва Платонни тушуниш учун қадимги юнон тилини билиш кифоя қилмайди, бундан ташқари, яна фалсафани билиш зарур»<sup>2</sup>.

А. Койренинг бу эътирофи Шарқ, хусусан, Марказий Осиё мутафаккирларининг Европа маданиятига катта таъсир кўрсатганлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Уйғониш даврининг йирик олимлари Николай Кузанский, Кампанелла, Рамус, Жордано Бруно, Ян Амос Каменский, Леонардо да Винчи ва бошқа алломаларнинг асарларида билиш назарияси, мантиқ масалалари кенг

---

-Душанбе: Ирфон, 1965. -С. 160.

<sup>1</sup> Уотт У. М. Влияние Ислама на средневековой Европы. -М.: Наука, 1976. -С. 24.

<sup>2</sup> Койре А. Очерки истории философской мысли. -М.: Прогресс, 1985. -С. 97.

ёритилди. Уларнинг асарларида схоластик метод, Аристотел мантигининг заиф томонлари, айниқса, силлогистиканинг имкониятларининг бўртирилиши кескин танқид қилиниб, унинг чегараланганлиги кўрсатиб берилди. Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, уйғониш даври мутафаккирлари силлогистик назарияни ва, умуман, хулоса чиқариш ҳақидаги таълимотни ривожлантиришга қаратилган тадқиқотларни системали тарзда амалга ошира олмадилар.

Уйғониш давридаги силлогистиканинг жиддий камчилиги – мураккаб ҳукмлар ва муносабатларни ифода этувчи фикрлардан хулосалар келиб чиқмаслигининг тадқиқ этилмаганидир<sup>1</sup>.

Аристотел силлогистикаси янги давр файласуфлари, мантиқшу-нослари томонидан ҳам қаттиқ танқид олинди. Хусусан инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон (1561-1626) силлогистикага асосланган ўрта аср мантигини танқид қилиб, уни ўрганишни бекорчи машғулот, деб атади. Бэкон фикрича, «Аристотел «Органон»и илм-фан олдида турган янги вазифаларни ҳал қилишга ожиз»<sup>2</sup>. Ўзининг тадқиқотларида у, айниқса, Аристотел силлогистикасини танқид қилди.

Лекин шуни ҳам унутмаслик зарурки, Бэконнинг Аристотел мантигини танқид қилишининг ижобий томони ҳам бор эди. Олим Аристотел силлогизмларининг формал жиҳатдан тўғрилиги ва асосли эканлигини кўрсата олди.

Яна шуни айтиш керакки, «Бэконнинг танқиди нафақат Аристотел силлогистикасини, балки унинг умумий мантиқий концепциясини ҳам шубҳа остига олиб қўйди»<sup>3</sup>.

Энди қиёсий таҳлил қилишига уриниб кўрайлик. Аристотел софизмга қарши курашади, Бэкон эса эмпирик негизга эга бўлмаган, яъни тажрибага асосланмаган ғоялар, тасаввурларга қарши курашади. Аристотел абстракт ғояларнинг борлиқни тўғри тушунишга имкон беришини таъкидлайди. Бэкон фикрича эса, «абстракт ғоялар ўз ҳолича дунёни, оламни тўғри англашга ҳалақит беради, ҳақиқатни

<sup>1</sup> Маркин В. И. Силлогистические теории в современной логике. Из-во Московского ун-та, 1991. –С. 5.

<sup>2</sup> Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Ситы и его школы.

–Душанбе: Ирфон, 1965. –С. 360.

<sup>3</sup> Уша асар. –С. 360-361.

бўяб кўрсатади»<sup>1</sup>.

Томас Гоббс мантиқ илмини бошқачароқ тушунди. Унинг фикрича, мантиқ ҳақиқатни текшириш курали бўлиш билан бирга унинг ёрдамида кашфиётлар ҳам қилинади. Гоббс мантиқнинг энг асосий қисми деб илмий тушуниш методини ҳисоблайди. Гоббснинг белги, унинг маъноси, билишдаги вазифалари ҳақидаги фикрлари мантиқда символлардан унумли фойдаланиш мумкинлигини асослашга, унинг математика билан узвий боғлиқлигини кўрсатишга ёрдам берди, дедуктив методга эътиборни кучайтиришга олиб келди<sup>2</sup>.

Маълумки, мантиқ фанининг муҳим қисмларидан бири бўлиб дедуктив ҳулоса чиқариш ёки дедукция назарияси ҳисобланади. Ўрта асрдан тортиб, то ҳозирги даврга қадар математика фанида мантиқнинг қўлланилиши натижасида символик мантиқ тез ривожлана бошлади. Шундан бошлаб авваллари етарли эътибор берилмаган дедуктив ҳулоса чиқариш назарияси янада ривожлана борди.

Дедукция деганда, исботлаш жараёни ёки асослардан натижа чиқариш тушунилади. Дедуктив ҳулоса ҳукмлар занжиридан иборат бўлиб булардан ҳар бири ё асос, ё ҳулоса бўлади ва бу ҳулоса мантиқ қонунларига кўра мазкур занжирдаги бошқа ҳукмлардан бевосита келиб чиқади.

Назария куришнинг дедуктив методи ҳозирги замон фанида кенг ёйилгандир. Бу метод одатда билимнинг маълум соҳасида фактли материал тўплангандан кейин ана шу материални чуқурроқ ўрганиш, уни системалаштириш, барча натижаларни қатъий суръатда ҳулоса қилиб чиқариш ва шу каби ишларни бажариш мақсадида қўлланилади. Ҳозирги замон фанида дедуктив метод турли шаклларда, асосан аксиоматик метод, шунингдек гипотетик - дедуктив метод шаклида қўлланилади.

Мавжуд далилий маълумотлардан дедуктив йўл билан назариялар кўрганда, одатда, бошланғич қоидаларнинг (аксиомаларнинг) мажмуи танлаб олинади ва улардан маълум бир принциплардан фойдаланиш йўли билан қолган бутун билимлар ҳулоса қилиб чиқарилади. XX аср бошларигача дедукция ёрдамида фақат математика ва логика назариялари

<sup>1</sup> Мчедлишвили Л. И. Позитивная асерторическая силлогистика и логика одноместных предикатов // Логика и системные методы анализа научного знания. - М., 1986. - С. 25.

<sup>2</sup> Қаранг: Бочаров В. А. Аристотель и традиционная логика. - М., 1984. - С. 42.

қурилган бўлса, ҳозирги вақтда физика, биология, лингвистика, социология, психология ва шу каби фанларнинг назарияларини ҳам дедуктив тарзда қуришга интилиш мавжуд.

Хулоса чиқариш, ўз навбатида, бевосита дедуктив хулоса чиқа-ришга ва редуктив хулоса чиқаришга бўлинади. Дедуктив хулоса мантиқ қонунларига биноан муайян асослардан заруран келиб чиқади. «Редуктив хулосалар эса фақат бир қадар эҳтимоллик билан тасдиқлаш тариқасида чиқарилади»<sup>1</sup>. Дедуктив хулосалаш силлогистик хулосалар киради. Бу хулосалашнинг назариясини Аристотел ишлаб чиққан. Редуктив хулоса чиқаришга, жумладан Бэкон, Милл ва бошқа олимлар томонидан ишлаб чиқилган индуктив хулоса чиқариш киради.

XVII асрнинг энг йирик мутафакирларидан бири франциялик Рене Декарт (1596-1650 й.) «ўзининг «Метод ҳақида мулоҳазалар» номли асарида математика, механика ва геометрия натижаларига таяниб, билишнинг дедуктив усулини янги асосда ишлаб чиқишга, хусусан уни Аристотел силлогистикаси доирасидан чиқариб, кенгрок илмий билим негизида таҳлил қилишга уринди»<sup>2</sup>.

Декарт дедуктив билим тўғрисидаги таълимоти билан ҳамда математик билимнинг мантикий характери устидаги кузатишлари асосида янги давр рационализмига асос солди.

Рационализм интеллект, яъни ақл табиатидан келиб чиқувчи умумийлик ва заруриятга асосланадиган усулдир. Шунинг учун ҳам Декарт билиш жараёнида дедукция ролига алоҳида аҳамият берди. Дедукция деганда «Декарт ишончли бошланғич умумий қоидаларга таянадиган ва изчил мантикий хулосалар занжиридан иборат муҳокама юритишни тушунади. Аксиомаларнинг бошланғич умумий билим сифатидаги ишонч-лилиги интуитив йўл билан тушунилади. Дедукция бўғинларининг бутун занжирини аниқ тасаввур қилиш учун хотира иштироки керак»<sup>3</sup>. Шунинг учун ҳам бевосита бошланғич қоидалар ёки аксиомалар дедукция муҳокамаларида нисбатан устуналикка эга. Ақл, агар у ҳақиқий илмий методга асосланса, ва айниқса, дедукция

---

<sup>1</sup> Бочаров В. А. Аристотель и традиционная логика. -М., 1984. -С. 15.

<sup>2</sup> Макавельский О. История логики. -М.: Наука, 1967. -С. 130.

<sup>3</sup> Ўша асар. -С. 131.

имкониятларидан/ фойдаланса, билимнинг ҳамма соҳаларида ишонччиликка эришишга қулай шароит яратади.

Декарт томонидан яратилган дедуктив усулнинг талаблари қуйи-дагилардан иборат:

1. «Билиш аниқ, шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада бўлиши керак. Бу қоида талаби дедукция талабидан бевосита келиб чиқади. Чунки дедуктив хулоса чиқариш, яъни силлогизм зарурий хулоса чиқариш ҳисобланади; унинг хулосаси, силлогизм қоидаларига риоя қилинган тақдирда чин, ишончли бўлади.

2. Текшириладиган муаммоларни, имкони борича, майда қисм-ларга бўлиб ўрганиш лозим. Бу қоида дедуктив хулоса чиқаришнинг аналитик метод билан узвий боғлиқлигини ифода этади.

3. Фикр юритганда энг олдин оддий нарсадан бошлаб, сўнг мураккабга ўтиш керак. Бу қоида дедуктив хулоса чиқаришнинг ва, биринчи навбатда, унинг асосларининг бошқа методлар ёрдамида олинган натижаларга таяниши зарурлигини таъкидлайди.

4. Билиш жараёнида тадқиқот натижаларини тўла шарҳлаб бориш керак, ҳеч нарсани изохсиз қолдириш мумкин эмас. Мазкур қоида индуктив методнинг исботлаш воситаси сифатидаги аҳамиятини кўрсатади»<sup>1</sup>.

Билимларнинг етуқлиги, Декарт фикрича, умумий ғояларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Улар интуитив йўл билан ҳосил қилинган тушунчалар ва аксиомалардан иборат бўлиб, илмий билишда, айниқса математикада, дедуктив (силлогистик) усулнинг самарали қўлла-ниши учун қулай шароит яратади. «Бирдан бир чиндан ҳам ишончли метод математик дедукция ҳисобланади»<sup>2</sup>.

Декартнинг билиш назарияси ва Аристотел мантигига асосланиб Пор Роял черкови мактабидан чиққан француз муаллифлари Арно ва Пьер Николай 1662 йилда «Пор-Роял мантиғи» номи билан машҳур бўлган «Мантиқ ёки фикрлаш санъати» асарини нашр этдилар. Асар муаллифлари «Мантиқни нарсаларни билиш учун ақлни тўғри ишлатиш санъати» деб талқин этдилар ва тўғри фикрлашнинг асосий шакллари - тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш ва шунингдек исботлашнинг қисқача баёнини бердилар»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каранг: Макавельский О. История логики. -М.: Наука, 1967. -С. 130.

<sup>2</sup> Декарт

<sup>3</sup> Соколов В. В. Очерки философии эпохи Возрождения. -М.: Наука, 1979. -С. 55.



3.2 Марказий Осиё мутаффакирларини хулоса чиқариш тўғрисидаги қарашларининг Ғарбда символик (математик) мантиқни шаклланишига туртки бериши.

XVI-XVIII асрларга келиб механика фанининг ривожланиши билан математик методни мантиққа тадбиқ этиш имконияти ортиб борди. «Немис олими Лейбниц ҳар хил масалалар ечишга имкон берувчи мантиқий математик метод яратишга интилиб, математик мантиққа асос солди»<sup>1</sup>.

Лейбниц ҳукм ва тушунчаларни рақам ва ҳарфлар билан белгилаш ёрдамида хулоса чиқариш, шу жумладан, силлогистик хулоса чиқариш, аниқроғи, берилган фикрий материални ҳисоблашнинг умумий мето-дикасини аниқлашга муваффақ бўлди. У ҳатто математик мантиқнинг баъзи тушунчаларини ишлаб чиқди, уларни ўзига хос тарзда талқин қилди. Масалан, мантиқий ва фактик ҳақиқат (мантиқий ва амалий ҳақиқат) мантиқий тушунчалар бўлиб, улар Лейбницга бориб тақалади. Лейбниц зарур ҳақиқат ёки «факт ҳақиқатларини (ёки «ақл ҳақиқат-лари» билан тасодифий ҳақиқатларни)» бир биридан фарқ қилади: биринчининг чинлиги мантиқ қонунларидан келиб чиқади, иккинчининг чинлиги эса ҳақиқат ҳолга мувофиқликдан келиб чиқади. Ҳозирги замон мантиғида ҳам бу фарқ сақланиб қолган. Чунончи Карнап-Кемени логик семантикаси системасида муайян формаллаштирилган тилнинг йўл қўй-иш мумкин бўлган барча интерпретацияларида чин бўлган мулоҳазалар мантиқан чин деб йўл қўйиш мумкин бўлган барча талқинларда эмас, балки ажратиб олинган талқинлардаги чин бўлган мулоҳазалар чин ҳисобланади.

XVIII асрларда Бул томонидан туркумлар алгебраси сифатида мантиқий алгебраси вужудга келган. Кейинроқ у мулоҳазалар алгебраси сифатида шарҳланди. Мантиқий алгебра ҳарф символикасида фойдаланади. Мулоҳазаларнинг ўзини билдирувчи символлардан ташқари мантиқий операциялар учун символлар жорий этилади ва бу символлар ёрдамида мантиқий алгебранинг бир хилдаги ифодаларидан иккинчи хилдаги ифодалари тузилади. Ҳозирги вақтда мантиқ алгебраси электр ва релей-кон-такт схемалари назариясида ҳам тадбиқ этилмоқда.

---

<sup>1</sup> Маркин В. И. Аксиоматизация фундаментальной силлогистики Т. Лейбница //Философские проблемы истории логики и методологии науки. Часть 1. -М., 1986. - С. 52.

Математик мантик, асосан XIX аср ўрталарига келиб ривожлана бошлади. Рус олими И. С. Порецкий, немис ва инглиз олимлари Ж. Бул, Фуре, Морган, Шредер каби олимлар ўзларининг қатор асарларида математик мантикнинг айрим муҳим масалаларини тадқиқ қилиб, бу фаннинг илмий билимлар системасида мустақкам ўрин эгаллашига, унинг амалий қимматини оширишга катта хисса қўшдилар. XX асрга келиб «А. Н. Колмогоров, П. С. Новиков, А. А. Марков каби рус олимлари математик мантикни янги йўналишларда ривожланишига ўз хиссаларини қўшдилар»<sup>1</sup>.

Математик мантиқ ва ҳисоблаш принциплари ёрдамида амалга ошириладиган турли амаллар инсоннинг мазмунли муҳокама юритиш апаратининг муҳим қуроли сифатида янги ҳулосавий билим олишига ёрдам беради ва фаннинг турли соҳасидаги интеллектуал жараёнларни мантиқан изчил амалга оширишига имкон яратади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Аристотел мантикий таълимотларини чуқур ўрганиб, тадқиқ этиш бошланди. «Уни аввало фалсафа тарихчилари ўргандилар ва ривожлантирдилар»<sup>2</sup>.

Қатор тадқиқотчилар (Я. Лукасевич, Е. Слупецкий, В. А. Смирнов ва бошқалар) томонидан турли формал (ҳисоблаш) тизимлар назарияси ишлаб чиқилди, уларда қатъий фикрларнинг мантикий шакллари элементар формула бўлди, мураккаб формулалар эса пропозиционал боғланишлар ёрдамида шакллантирилади. «Мулоҳазалар мантиғи тавтологияси ушбу ҳисоблашлар теоремаси, шунингдек силлогистик қонунлар аналогияси бўлади»<sup>3</sup>.

Ҳозирги формал мантиқда силлогистик ҳулоса чиқаришнинг талқин этилиши, аслини олганда, худди Аристотел таъкидлаганидекдир. Стагирит фикрича, «силлогизм баъзи мулоҳазани бошқа иккита мулоҳазадан келтириб чиқаришдан иборат, шу билан бирга келтириб чиқаришнинг ўзи бизнинг тафаккуримиз учун зарурий характерга эга»<sup>4</sup>, деб ёзади Г. Клаус.

Поляк мантиқшуноси Я. Лукасевич (1878-1956) мантикни алоҳида фан сифатида чуқур ўрганади ва

<sup>1</sup> Хинтикка Я. Логика-эпистемологические исследования. -М.: Прогресс, 1980. -С. 7.

<sup>2</sup> Соколов В. В. Очерки Философии эпохи Возрождения. -М.: Наука, 1979. -С. 30.

<sup>3</sup> Болтаев М. Н. Вопросы гносеологии и логики произведений Ибн Сины и его школы. -Душанбе: Ирфон, 1965. -С. 17.

<sup>4</sup> Клаус Г. Введение в формальную логику. -М., 1960. -С. 261.

ривожлантиради. У Львов ва Варшава университетларининг, кейинчалик Қиролик Ирландия академиясининг профессорлари бўлган. Я Лукасевич Львов, Варшава мантик мактабининг энг таниқли вакилларидан биридир. «У кўп маъноли мантик системасини, мантикий символикани ишлаб чиққан, Аристотел силлогистикасини, илк стоикларнинг мантикий таълимотини, дедукция ва модал мантикнинг классик ва интуиционистик назариясини оригинал суратда тадқиқ қилган. Аристотелда силлогизм импликацияни ташкил қилиши-ни биринчи марта Я. Лукасевич ўзининг асарига кўрсатган»<sup>1</sup>.

Узоқ вақт силлогизм - бу икки фикр мазмунининг бирикишидан келиб чиқадиган мулоҳаза, деган фикрни Аристотелга тегишли, деб ҳи-соблаб келган эдилар. Аслда эса у кейинги мантикшуносларнинг талқи-ни бўлиб чиқди.

Аристотел силлогистикасида мантикий ўзгарувчилар кенг қўлла-ниланган бўлиб, улар нафақат терминларга, яъни ҳукмлардаги субъект ва предикатларга, шу билан бир қаторда мулоҳазалар ифодасига ҳам тегишлидир. Я. Лукасевич Аристотел силлогизмини нотўғри тушуниш ва уни анъанавий силлогизм билан бир хил деб қарашдан келиб чиқадиган англашимоवчиликларни кўрсатиб беради.

Анъанавий силлогизм ҳар қандай В - А дир, ҳар қандай С - В дир, ҳар қандай С - А дир кўринишида бўлган. Форобий ишлатган анъанавий силлогизм таркибини асослар ва хулоса ташкил этади, унинг хулосаси чин ёки хато бўлиши мумкин.

«Аристотел силлогизми эса иккита фикр - антецедент ва консеквентнинг конъюнкциясидан ташкил топган «агар ..., унда»нинг импликациясидир»<sup>2</sup>. Бошқача айтганда, Стагирит силлогизми бир бутун гапни иккита бўлиб (у ўз хусусиятига кўра чин ёки хато бўлиши мумкин), уларнинг боғланиши импликацияни ҳосил қилади, деб кўрсатди. Дар-ҳақиқат, «агар ..., унда» боғловчисининг мавжудлиги бизга хулосалашни иккита мустақил гапдан бир бутун чин ёки хато гапни тузишга имкон беради. Ана шуларга эътиборини қаратиб, «Аристотелча анъанавий силлогизм билан унинг давомчилари силлогизми орасидаги фарқ фундаментал

<sup>1</sup> Лукасевич Я. Аристотелевская силлогистика с точки зрения современной формальной логики. -1959. -С. 30.

<sup>2</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. -Т., 1981. -С. 71.

характерга эга»<sup>1</sup>, деб эслатади Я. Лукасевич».

Мантик ривожининг ҳозирги даврида силлогистиканинг «қайта жонланишига» туртки бўлган бошқа бир омил унга алоҳида, предикатлар мантиғига муқобил бўлган мулоҳазалар мантиғи устида қурилади-ган квантор назарияси бўлди.

Кванторлар - математик логика операторлари бўлиб, улар мантикий ифодаларга тадбик этилади ва предметлар соҳасининг миқдорий характеристикасини белгилаб беради. Умумийлик квантори ва мавжудлик квантори ҳозирги замон мантиғида уларнинг энг кўп ишлатиладиган турларидир.

Аристотел ва ўрта аср мантикшунослари силлогистик назарияларни иккига: ассерторик ва модал силлогистикага бўлган эдилар.

Ассерторик силлогистика қатъий ва номодал фикрлардан шакланган хулосалар, назариялар йиғиндисидан иборат. Модал силлогистика таркибига ассерторик ва модал хукмлар киради.

Маълумки, силлогистикада атрибутив хукмлар алоҳида предметнинг (ёки маълум бир ҳодисанинг) бор ёки йўқлиги факти, ёки табиати ҳақидаги фикрлар бўлиб, улар ўртасидаги мантикий алоқалар муҳокама юритишда кенг қўлланилади. «Хосса тегишли нарса ёки нарсалар синфини кўрсатадиган термин атрибутив хукм субъекти, хоссани кўрсата-диган термин эса, унинг предикати деб аталади»<sup>2</sup>.

Аристотел атрибутни акцидентлардан фарқ қалган. Декарт эса «атрибутни субстанциянинг асосий хоссаси деб қараган, шунинг учун унда жисмоний субстанция атрибути сифатида кўлам, рухий субстанция атрибути сифатида тафаккур юзага келади»<sup>3</sup>.

«Атрибутив (аниқловчи) хукмлар таснифи негизига турли асослар қўйилиши мумкин. Атрибутив хукмлар сон бўйича якка (уларда белги алоҳида предметга нисбат берилади ва уларнинг субъекти сингуляр термин бўлади) ва тўпламга (уларда фикр предметларнинг бирор гуруҳига ёки бутун синф предметларига тегишли бўлади) бўлинади. Тўплам хукмлар орасидан умумийлари (умумийлик квантори

<sup>1</sup> Лукасевич Я. Аристотелевская силлогистика с точки зрения современной формальной логики. -1959. -С. 30.

<sup>2</sup> Маркин В. И. Силлогистические теории в современной логике. -М.: Из-во Моск. ун-та, 1991. -С. 3.

<sup>3</sup> Уша асар. 3-б.

ёрдамида ҳосил бўладиганлар) ва жузийлари (мавжудлик квантори ёрдамида ҳосил бўла-диган) ажратилади. Атрибутив ҳукмлар сифат жиҳатидан тасдиқ (хосса мавжудлиги фактини кўрсатувчи) ва инкор (хоссанинг йўқлиги фактини кўрсатувчи) ҳукмларга бўлинади»<sup>1</sup>. Модалик бўйича атрибутив ҳукмлар ассерторик (предметга хоссанинг фақат хослиги ва хос эмаслиги фактининг ўзини кўрсатувчи) ва модаллик (предикт характериға кўра зарур, мумкин ёки тасодифий) ҳукмларига бўлинади. Атрибутив ассерторик фикрлар қатъий фикрлар деб аталади.

Ҳозирги вақтга келиб силлогистика турли мантиқий системалар йиғиндиси сифатида шаклланди. Уларни ҳукмлар мавжудлиги ва қайси тилдаги терминларнинг ушбу ҳукмларнинг субъекти ва предикати бўли-ши мумкинлигидан келиб чиқиб синфларга бўлиш мумкин.

«Семантик жиҳатдан терминлар икки типга бўлинади - тушунчалар (предметлар синфини кўрсатувчи, масалан «ақлга эга жонзот») ва сингуляр (алоҳида предметларни ифода этувчи терминлар, масалан, «мантиқ асосчиси») терминлар»<sup>2</sup>. Ассерторик силлогистика тизимлари тилида қатъий фикрлар субъектлари ва предикатлари ўрнида тушунчалар эмас, фақат терминлар ишлатилади ва улар соф силлогистикани ташкил этади.

Таркибида ҳам тушунчалар, ҳам сингуляр терминлар бўлган қатъ-ий фикрлардан ҳосил бўлган хулосалаш назарияси сингуляр силлогистикани ташкил этади.

Тушунчалар, терминлар оддий (улар таркибида бошқа терминларни ажратиш мумкин эмас) ва мураккаб (улар таркибида бошқа терминларни ажратиш мумкин бўлади) бўлиши мумкин. Мураккаб терминлар оддий терминлардан термин ясовчи операторлар - терминнинг инкори, конъюнкцияси, дизъюнкцияси ва бошқа шу каби боғловчилар ёрдамида ҳосил қилинади.

Мураккаб терминларнинг қуйидаги турлари фарқланади: «инкор этувчи - «ақлга эга бўлмаган жонзот», конъюнктив - «файласуф ва қадимий юнонлик», дизъюнктив - «қадимий юнонлик ёки римлик» ва бошқалар»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Маркин В. И. Силлогистические теории в современной логике. -М.: Из-во Моск. ун-та, 1991. -С. 6.

<sup>2</sup> Ўша асар. -С. 7.

<sup>3</sup> Маркин В. И. Силлогистические теории в современной логике. -М.: Из-во Моск. ун-та, 1991. -С. 4.

Позитив силлогистика деб терминларнинг ички тузилиши ҳисобга олинмайдиган қатъий фикрлардан келиб чиқадиغان хулосалаш системалари, назариялари йиғиндисига айтилади ва шу сабабли бундай системалар, назариялар таркибида термин ясовчи операторлар йўқ. Агар назария таркибида ягона термин ясовчи оператор - инкор термин мавжуд бўлса (икки типдаги терминлар - ижобий ва салбий терминлар фарқ-ланади), унда мазкур тизим негатив силлогистикага тегишли бўлади.

Кенгайтирилган силлогистикани ҳам оддий, ҳам турли хил мураккаб субъект - предикатли тузилишдан келиб чиқувчи хулосалар ташкил этади.

Шуни таъкидлаш зарурки, позитив, негатив ва кенгайтирилган силлогистика ҳам соф (агар субъектлар ва предикатлар урида фақат тушунча, терминлар бўлса), ҳам сингуляр (қатъий фикрлар таркибида, шунингдек сингуляр терминлар бўлиши мумкин бўлган ҳолларда) бўлиши мумкин.

Соф позитив силлогистика Аристотел томонидан «Биринчи аналитика» китобининг дастлабки етти бобида мукамал ишлаб чиқилган.

Мантиқ жараёнларини турли символлар билан ифодалашга бўлган интилишни ҳам Аристотелда учратамиз. У шакл жиҳатидан ўзаро фарқ қилувчи ҳукмларни турли символлар билан белгилаган. Шунингдек, негатив, сингуляр ва кенгайтирилган силлогистиканинг алоҳида фрагмент-лари Аристотел томонидан кўриб чиқилганини таъкидлаш зарур. Аристотелнинг шогирди Теофраст ва кейинроқ ўрта асрлар мутафаккирлари шу жумладан баъзи ўрта Осиё мутафаккирлари соф негатив силлогистикани системали равишда тадқиқ қилишган. «Сингуляр силлогистикага эса (ҳам позитив, ҳам негатив) анъанавий мантиқ доирасида қаралган, бунда жузъий ҳукмлар умумий ҳукмларнинг бир тури сифатида талқин қилинган. Аристотел ҳам негатив, сингуляр ва кенгайтирилган силлогистикани алоҳида кўриб чиққан»<sup>1</sup>. Кенгайтирилган силлогистикасига келганда эса, у замонавий мантиқнинг асосчиларидан бири Де Морган томонидан биринчи марта чуқур ўрганилган.

Аристотел силлогистикаси билан кейинги силлогистика ўртаси-даги фарқ ва айти бир пайтда уларнинг ўхшашлиги ҳозирги пайтда силлогизмнинг тузилиши ва

<sup>1</sup> Аристотель. Сочинения в 4-х томах. Том 2. -М., 1978. -С. 70.

турларини тушунтириш билан боғлиқ бошқа фикрларда ҳам кўринади.

Ҳозирги ақлий билишнинг диалектикасини, унинг кенг ва чуқур мазмунини ҳар томонлама очиб берувчи диалектик мантиқ вужудга келиб, унинг ривожлана бориши билан бирга, инсон тафаккурининг тузилиши билан шуғулланувчи узоқ тарихга эга бўлган формал мантиқ ҳам ўзининг тадбиқ қилиниши доирасини аниқлаштириб, кенгайтириб бормоқда. XIX асрларнинг ўрталаридан бошлаб формал мантиқ проблематикаси қатъий суръатда тузилган формаллаштирилган тиллар (формал-лаштириш) доирасида ишлаб келмоқда.

Инсоннинг билиш фаолияти учун мантиқ категорияларининг универсал характерга эга бўлиши уларни турли фанларда, ишлаб чиқариш жараёнларида, техника тармоқларида ихтисослашган ҳолда тадбиқ этиш имкониятини туғдиради<sup>1</sup>.

Фаннинг, техниканинг тобора ўсиб, табиат сирларини тобора чуқурроқ била бориши ундаги мураккаб қонуларнинг очилиши, илмий билиш методи ва мантиқ ашпаратини шунга мослаштиришни, тафаккурнинг ҳар бир конкрет масала устида аниқ, ҳатосиз, тезда ҳулосалар бера олишини талаб қилади.

Илмий ва техник тараққиётнинг бундай талаби натижасида турли фанларга ихтисослашган мантиқ тармоқлари вужудга кела бошлади. Хусусан, бу жараёнда ҳуқуқий мантиқ, квант-физика мантиқлари пайдо бўлди. Бундай ихтисослашган мантиқлар ичида математик мантиқ, унинг муҳим мустақиллашган тармоғи сифатида техник мантиқ қатга аҳамиятга ва истиқболга эгадир.

Кўп вақт давомида мантиқий фикрлаш жараёнларини математика усуллари ёрдамида турли машиналарда қўллаш фикри олимларни ўзига жалб қилиб келган. Бу масалани муҳокама қилиш асосида муҳим тамойиллар ётади:

1) фикрлаш жараёнининг структурасини, турли мантиқ категорияларини символик белгилар билан алмаштириш;

<sup>1</sup> Бу тўғрисида батафсилроқ маълумот учун қarang: Шарипов М. Категориальные знания и их виды. —Т.: Изд-во ТашГУ, 1995.

2) мантиқ ва математиканинг бир-бирига яқинлашишига асосланган ҳолда математик методларни тадбиқ қилиш;

3) турли мантиқий омиллари ифодаловчи символик белгилардан фойдаланган ҳолда, автоматик равишда маълум «ақлий жараёни» бажара оладиган, берилган аргументлар асосида хулоса чиқара оладиган машина яратиш мумкинлиги.

XX асрнинг бошида ва ҳозирда техниканинг ниҳоятда тез ривожланиши, техник системалар тузишда ёрдамчи усуллардан фойдаланиш, математик мантиқнинг ривожланиши символика ва маълум тамойилларга асосланган ҳисоблаш ёрдамида ифодаланиши мумкин бўлган мантиқий амалларни турли механизм ва техник машиналар орқали амалга оширишнинг реал имкониятини яратди.

Формаллаштирилган белги системаларида математик мантиқ ва математика доирасида ўтказиладиган тадқиқотлар белги назариясининг яратилишида катта аҳамиятга эгадир.

Белгиларнинг гносеологик функцияларини қараб чиқишга катта эътибор берган XVII-XVIII асрнинг олимлари Локк, Лейбниц, Кондильякинг бу соҳадаги хизматлари буюқдир. XIX асрда лингвистика ва математик мантиқда белгилардан фойдаланишнинг янги ҳолатлари яратилди. «Ч. Пирс, Соссюр, Ч. Моррис каби ҳозирги замон структурализмининг вакиллари белги ҳақида махсус фан - семиотикани вужудга келтирдилар. Белгиларнинг информацион узатиш жараёни билан алоқаси фавқулода муҳим бўлиб, у ҳозирги информацион технологияларида кенг қўлланилади»<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, мантиқий машиналарнинг яратилиши, яъни математик операцияларни эмас, балки фақат мантиқий операцияларни бажарувчи машинанинг яратилиши мантиқ ва кибернетика тарихида катта воқеа бўлди.

«Кибернетик ғояларнинг илгари сурилиши ҳисоблаш техникасининг ривожланиши, шунингдек математик ва формал мантиқнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Смирнова Е. Д. Логическая семантика и философские проблемы логики. -М.: МГУ 1986. -С. 15.

<sup>2</sup> Кибернетика и логика. -М.: Наука, 1978. -С. 8.



XX асрнинг бошларида замонавий формал мантикка муносабат тубдан ўзгарди. «1948 йилда Амстердамда X ва 1953 йилда Брюсселда XI халқаро фалсафий конгресслар бўлиб ўтди. Бу конгрессларда миллий-фалсафий, мантикий изланишлар ҳаёт талаби эканлиги ва уни ривожлантириш зарурлиги каби масалалар кўриб чиқилди»<sup>1</sup>.

Таниқли фин мантиқшуноси ва файласуфи Я. Хинтикка мантикий-эпистемологик ғояларни илгари сурди ва бу билан мантиқни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Я. Хинтикка ўтмишда яратилган мантиқ ва билиш назариялари соҳасидаги ютуқларга таянган ҳолда мантикий-эпистемологик тадқиқотларга ва ғояларга ўзига хос услубда ёндашди. Уни математик-мантикий боғланишларнинг, аввало статистик ғоя ва методларнинг ҳисоблаш асбобларида қўлланиши қизиқтирар эди. Шу билан бирга унинг мақсади кибернетикани вужудга келтирувчи комплекс илмий йўналишларга эга бўлган ва маълумотни қайта ишлайдиган мураккаб тизимни яратиш эди. Бундай кибернетикани яратиш ғоялари Норберт Виннер ва Жон фон Нейманнинг асарларида ҳам аниқ, равшан кўрсатилган. «Модал кўплик услублари биринчи мартаба 1955 йилда Я. Хинтикка томондан таклиф қилинди. У билан бир вақтда шунга ўхшаш натижага Э. Бет ҳам эришади. Аммо кейинроқ Р. Симульян янги модал кўпликни Хинтиккиники деб атади ва у ҳозирги вақтда назарияларни исботлашда, классик ва ноклассик мантикий тизимларда кенг қўлланилаётти»<sup>2</sup>.

«Математика ва мантиқнинг бирлашиши ва статистик машинани яратишда, кибернетика назариясини ишлаб чиқишда биринчи қадам-ни қўйган А. А. Ляпунов ва М. П. Цетлиннинг хизматлари каттадир. Мантикий алгоритмнинг кибернетикадаги аҳамиятини А. И. Берг ҳам ўз асарларида таъкидлаб ўтган»<sup>3</sup>.

Ҳозирда турли хил амалларни тўғри бажара оладиган, миллионлаб рақамлардан фойдаланган ҳолда турли математик амалларни бажара оладиган, матнни бир тилдан, иккинчи тилга таржима қила оладиган электрон ҳисоблаш машиналари халқ хўжалигимизда кенг фойдаланилмоқда. Олимларимиз ақлий жараёнларнинг янада мураккаброк

<sup>1</sup> Хинтикка Я. Логико-эпистемологические исследования. —М.: Прогресс, 1980. —С. 9.

<sup>2</sup> Уша асар. —С. 8.

<sup>3</sup> Кибернетика и логика. —М.: Наука, 1978. —С. 8.

хилларини машиналарга кўчириш устида иш олиб бормоқдалар.

Мантикий машиналарнинг вужудга келиши билан ақлий жараён, фикрлашнинг ички қонуниятларини янада тўлароқ, чуқурроқ ўрганиш зарурияти туғилди. Ҳозирда мантиқшунослар томонидан муҳокама қи-либ келинаётган «Инсон қандай фикрлайди?» деган савол назарий қизиқишлар доирасидан чиқиб, амалий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Учинчи бобда қўйилган масалаларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Диссертацияда юқорида кўрсатилган мантиқ муаммоларини ҳал этишда Марказий Осиё мутафаккирларининг хизматлари фақат мантиқ соҳасидаги фан ютуқларини қамраб олмасдан, балки катта умумфалсафий аҳамият касб этади ва фалсафа тарихи жараёнида фалсафа ривожланишида муҳим омиллاردан бири бўлиб чиқади.

2. Ҳозирги ақлий билишнинг диалектикасини, унинг кенг ва чуқур мазмунини ҳар томонлама очиб берувчи диалектик мантиқ вужудга келиб, унинг ривожлана бориши билан бирга, инсон тафаккурининг тузилиши билан шуғулланувчи узоқ тарихга эга бўлган формал мантиқ ҳам ўзининг тадбиқ қилиниши доирасини аниқлаштириб, кенгайтириб бормоқда.

3. Фаннинг, техниканинг тобора ўсиб, табиат сирларини тобора чуқурроқ била бориши ундаги мураккаб қонунларнинг очилиши, илмий билиш методи ва мантиқ ашпаратини шунга мослаштиришни, тафаккурнинг ҳар бир конкрет масала устида аниқ, хатосиз, тезда хулосалар бера олишини талаб қилмоқда.

4. XX-асрга келиб мантикий машиналарнинг яратилиши, яъни математик операцияларни эмас, балки фақат мантикий операцияларни бажарувчи машинанинг яратилиши мантиқ ва кибернетика тарихида катта воқеа бўлди.

Умумий хулосада диссертациядаги материаллар назарий умумлаштирилган. Унда Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан Марказий Осиё мутафаккирлари, бошқа илм соҳаларида бўлгани каби, мантиқ илмида ҳам, назарийётчи ва амалиётчи сифатида буюк салоҳиятга эга эканлиги исботлаб берилган.

Шунингдек тадқиқот натижалардан ҳозирда амалий фойдаланиш имкониятлари очиб берилган.

## ХУЛОСА

Ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқнинг машҳур олимлари Муҳаммад Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Фахриддин Розий, Насриддин Тусий, Тафтазоний, Журжоний ва бошқаларнинг фалсафий-матикий таълимотларининг ўзига хослиги ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётининг хусусиятларидан келиб чиқади. Бу мутафаккирлар қадимги давр файласуфлари, айниқса Аристотел асарларида илгари сурилган гояларни, шу жумладан мантиққа оид фикр-мулоҳазаларини ўз даври тафаккури, илмининг ютуқлари асосида ривожлантирган ҳолда мазмунан янги илмий ва фалсафий таълимотларни яратдилар. Бунда мантиққа тегишли таълимотлар салмоқли ўрин эгаллаган. Уларда тўғри фикр юритиш шакллари ва қонун-қоидалари, айниқса янги худосавий билимларни ҳосил қилиш йўллари тадқиқ этишга қатъа эътибор берилган.

Маълумки, жамиятда янги билимларга эҳтиёж доимо мавжуд бўлади, шу сабабли, Шарқ мутафаккирлари фикрича мантиқни ўрганиш ва ривожлантириш муҳим аҳамият қасб этади. Бундан кўзланадиган асосий мақсад муҳокамани тўғри қуриш, чин билимлар ҳосил қилиш усуллари, қоидалари билан танишиш, улардан амалий муҳокама юритиш ва илмий билишда самарали фойдаланишга эришишдир.

Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари Аристотел «Органон»ида муҳим ўрин тутган «Аналитикалар»ни тўғри фикрлаш ва чин билимларни ҳосил қилишнинг меъёрий қоидаларини тушунтирувчи асар деб ҳисоб-лаб, уларни чуқур ўрганиш ва кейинчалик ривожлантиришга ҳаракат қилганлар.

Аристотелнинг «Аналитикалар»ида қуйидаги муҳим фикрлар, ғоялар илгари сурилган ва асосланган:

- Хулоса чиқариш фикрни қуриш шакли ва янги билим ҳосил қилиш воситасидир.

- Хулоса чиқаришнинг муҳим усули дедукция ҳисобланади. Аристотел силлогизм (дедуктив хулоса чиқариш) назариясини яратишга асосий эътиборини қаратган, лекин у индукция ва аналогияни ҳам тадқиқ этган.

- Шунингдек, Аристотел хулоса чиқаришни фақат фикрни қуриш шакли ва янги билим ҳосил қилиш усулигина деб эмас, балки яратилган билимнинг чинлигини исботлаш воситаси деб ҳам билган. Ана шунинг учун у хулоса чиқариш ҳақидаги таълимотини икки қисмга: аналитика ва аподиктикага ажратади ва шунга мувофиқ ҳолда «Биринчи аналитика»да хулоса чиқаришнинг фикрлаш шакли ва янги билим яратиш усули сифатида, «Иккинчи аналитика»да хулоса чиқаришнинг исботлаш (ва рад этиш) шакли тарзида тадқиқ этади.

- Аристотел силлогизм структурасини қуйидаги импликация шаклида: «Агар  $A$  ҳар қандай  $B$  га тааллуқли ва  $B$  ҳар қандай  $C$  га тааллуқли бўлса, унда  $A$  ҳар қандай  $C$  га тааллуқлидир» кўринишида талқин қилган.

- «Биринчи муаллим» силлогизм структурасидаги элементларни-терминларини латин алфавитидаги ҳарфлар - ўзгарувчи кийматлар билан белгилаб, формал жиҳатдан талқин қилган.

- Юнон мутафаккири силлогизм таркибидаги ўрта терминни (юқоридаги схемада  $B$  ни) дедуктив хулоса чиқаришнинг муҳим элементи деб ҳисоблаб, уни ўрганишга эътиборини қаратган ва унинг асосида силлогизмнинг турли кўринишларини - силлогизм фигуралари ва модусларини ажратган.

- Аристотел силлогизмнинг тўрт фигураси ва уларга тегишли модусларини тавсифлаган. Бунда силлогизм 4-фигурасини фикр юритишда кам ишлатиладиган, билимда

унчалик аҳамиятга эга эмас шакл деб хи-соблаб, уни махсус ўрганмаган.

- Стагирит оддий ва мураккаб силлогизмларни қатъий тарзда чегараламасдан, уларни биргалиқда тадқиқ этган.

- Аристотел энтимемани, яъни қисқартирилган силлогизмни ажратиб, махсус ўрганган.

- Қадим грек мутафаккири силлогизмни, яъни дедуктив хулоса чи-қаришни кўпроқ индуктив хулоса чиқаришига қарама-қарши мантиқий хулосалаш усули сифатида тасаввур қилган, улар ўртасидаги алоқа-дорликка урғу бермаган.

Аристотел ўз таълимотини силлогизмининг моҳияти ва шаклларини тушунтиришдан бошлаган бўлса, Марказий Осиё алломалари мантиққа оид тадқиқотларини тушунча ва ҳукмнинг табиатини аниқлашдан бошлайдилар. Чунки билимлар қайси соҳага тааллуқли бўлишидан қатъий назар тушунча ва ҳукм шаклида ифодаланган бўлиб, мантиқий хулоса чиқариш билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади.

Хусусан, Ал-Фаробий тўғри тафаккурлашнинг асосий тамойилларини: аниқлик, фикрларнинг ўзаро зид бўлмаслиги, изчиллиги, ҳар қандай хулосанинг асосланган бўлиши ва бошқа муҳим мантиқий масалаларни ҳар томонлама ишлаб чиқди ва бу масалада Аристотел фикрларини чуқурлаштирди.

Ибн Сино эса мантиқ муаммоларини фалсафа билиш назарияси масалалари билан алмаштириб юбормаслик зарурлигини уқтирди ва мантиқ масалаларини нисбатан конкрет ҳолда тадқиқ этди. Мана шу жиҳати билан Ибн Синонинг мантиқий таълимоти Аристотел яратган мантиқ фанига нисбатан жиддий фарқ қилади.

Ибн Сино «Биринчи муаллим»нинг мантиққа оид асарларини чуқур ўрганди ва унинг илмий асосини очиб берди. «Нажот» ва «Донишнома» китобларида у мантиқнинг фан сифатидаги мақсадини шундай изоҳлайди: «Билим - бу фикрда нарсаларни тасаввур этиш ёки ишонтиришдир. Тасаввур этиш биринчи билим бўлиб, инсонга нарса ёки ҳодисалар кўринишларини ифодалаб беради. Предметни тасаввур этиш уни таърифлаш орқали ҳосил бўлади, ишонч - эътиқод эса хулоса чиқариш орқалигина вужудга келиши

мумкин. Тушунча ва хулоса чиқариш шундай икки куролки, булар орқали ҳақиқий билимга эришиш мумкин»<sup>1</sup>.

Ал-Фаробий ва Ибн Сино талимотларининг давомчиси Тафтазонийнинг «Тахзиб-ал-мантиқ ва ал-қалом» асарида мантиқнинг фикрлашда хатолардан холи бўлишга ва янги билимларга эга бўлишга ёрдам бериши айtilган. Унинг мантиқий таълимотида силлогизм, индукция ва исботлаш назариясига катта аҳамияти берилган.

Аристотел силлогизм терминларига, хусусан ўрта терминга ҳам тўхталиб ўтган ва унга қуйидагича таъриф берган: «Силлогизм терминлари деб - силлогизмда хулоса чиқаришга хизмат қиладиган тушунчаларга айтилади. Агар тушунча икки асос учун умумий бўлиб, хулосада учрамаса, у ўрта термин бўлади»<sup>2</sup>.

Ал-Фаробий ҳам шу хусусда ўз фикрини билдириб: «ўрта термин икки бирлашаётган асосларнинг ҳукмларида уч хил жойлашган: у ёки иккаласининг ҳам предикати, ёки иккаласининг субъекти, ёки биттасининг предикати ва бошқасининг субъектидир»<sup>3</sup>. Ўрта терминнинг ҳолати бизга силлогистик хулоса чиқаришнинг структурасини аниқлаш ва у орқали унинг фигурасини белгилаш имконини беради.

Аристотел силлогизм фигураларининг қайси тамойилларга асосланиб ажратилгани ҳақида ҳеч қаерда тўғридан-тўғри гапирмайди. Ал-Фаробий эса бу масалани ривожлантириб: «Силлогизмда ўрта термин биринчи асос субъекти ва иккинчисининг предикати бўлса, биз биринчи фигурага эга бўламиз, ўрта термин иккала асосда ҳам ҳукмнинг предикати бўлса, у силлогизмнинг иккинчи фигурасини ташкил этади, ўрта термин ҳар иккала асос субъекти бўлса у силлогизмнинг учинчи фигурасини ҳосил қилади»<sup>4</sup>, деган фикрларни билдиради.

Силлогизмда асосларнинг ўзаро мос келиши турлича бўлиши мумкин, аммо ҳар қандай мосликдан ҳам чиқ хулоса келиб чиқмас-лигини ал-Фаробий таъкидлаб ўтади. Мутафаккир жузъий тасдиқ, жузъий инкор ҳукмларнинг ўн тўртта модусининг мослашувини ўрганган.

<sup>1</sup> Ибн Сино. Донишнома. — Сталинобод, 1957. — 71 б.

<sup>2</sup> Аристотель. Аналитики. В 4-х томах. — М.: Мысль, 1974.

<sup>3</sup> О логическом учение ал-Фароби. — Алма-Ата: Наука, 1982. — С. 72.

<sup>4</sup> Муталибов С. А. Учение о силлогизме в логике Фараби // Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. — Т., 1981. — С. 74.

Аристотел қатъий силлогистик хулоса чиқаришнинг биринчи фигурасининг тўрт модусини фарқ қилади. Ал-Фаробий ҳам қатъий силлогизмларни кўриб чиқиб, «силлогизм» номи рисоласининг 10-қисмида оддий қатъий ҳукмларнинг ҳажмига кўра тўққиз хил бирикиши мумкинлигини кўрсатиб ўтади.

Ибн Сино ҳам бу муаммога тўхталиб ўтади аммо силлогизмнинг тўртинчи фигурасини кам эслайди. Ал-Фаробий ва Ибн Сино таълимотининг давомчиларидан бири Фахриддин Розий мантикнинг асосий тадқиқот объектини хулоса чиқаришнинг таркиби ва тузилиши каби масала ташкил этишини ва уларнинг оддий ва мураккаб турларга бўли-нишини таъкидлайди. Оддий ҳукмларга қатъий силлогизмлар киришини, улар ажратувчи ва боғловчи ҳукмлардан иборат бўлишини айтиб ўтади. Мураккаб ҳукмларга эса шартли-боғловчи ва шартли-ажратувчи ҳукмларнинг киришини ва модаллиги бўйча 15 турга ажралишини кўрсатиб беради.

Аристотел билиш методларидан бири сифатида «индукция» атамасини қўллайди. Бу атама мантикнинг техник атамаси сифатида қўл-ланган бўлиб, эгалланган бир хил (хусусий) билимлардан янгиларига (хулосавий билимга) ўтиш усулини аниқлаётган. Аристотел «индукцияси» яқка ҳодисалардан умумий қоидаларга ўтиш йўлини аниқлатади деб «Топикада» изоҳ беради. Лекин «Аналитикалар»да индукция яқкадан хусусийга, хусусийдан умумийга йўналувчи метод сифатида дедукцияга қарама-қарши қўйилган ва мутафаккирнинг таъкидлашича, «диалектик силлогизм» ва «индукция» икки кўринишидаги формал структурани белгилайди. Бу кўринишларни олим «энтимема» ва «мисол» деб атайди.

Аристотелдан фарқли равишда Марказий Осиё мутафаккирлари ўз мантикий назарияларида индукция ва аналогияни хулоса чиқаришнинг мустақил тури сифатида алоҳида ўрганадилар ва уларнинг бир неча янги усулларини ишлаб чиқдилар.

Ал-Фаробий индукцияга шундай таъриф беради: «Биз айрим нарсаларни улардан умумий мулоҳаза чиқариш учун ўрганар эканмиз, шунинг ўзи индукциядир». Индукцияни силлогизм билан таққослаб, «индукция - биринчи фигуранинг силлогизми кучига эга бўлган мулоҳаза-задир», деб кўрсатади. Марказий Осиё мутафаккирлари Стагиритдан

## ФҲЙДАЛАЛГАЛ АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасини Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –46 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. I жилд.–Т.: Ўзбекистон, 1996. –324 б.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. II жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.–380 б.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. III жилд.–Т.: Ўзбекистон, 1996. –312 б.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. IV жилд –Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. V жилд.–Т.: Ўзбекистон, 1997. –325 б.
7. Каримов И. А. Хафсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. VI жилд –Т.: Ўзбекистон, 1998. –686 б.
8. Каримов И. А. Биз келагагимизни ўз кўлимиз билан кураимиз. VII жилд - Т.: Ўзбекистон, 1999. –626 б.
9. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. VIII жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000. –442 б.
- 10.Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. Мафотих ал-улум. Баходиров Р. М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Т., 1995. Б. 98-114.
- 11.Абу Наср Фараби. Комментарий к «Категория»м Аристотеля //Избранное произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. –М., 1961. – С. 178-211.
- 12.Абу Наср Форобий. Энциклопедиясидан Логика бўлимининг бир қисми /М. М. Хайруллаев тахрири остида //Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. –Т., 1963. –212-216 б.
- 13.Абу Наср Форобий. Логика (мантик) ҳақидаги рисолага муқаддима // Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. –Т., 1963. –216-222 б.
- 14.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.,1999 -224 б.



15. Абу Хамид Газзолий. Мухошифат-ул Кулуб. Т.: Адолат, 2002. –512 б.
16. Аликулов Х. Жалолиддин Давоний. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –72 б.
17. Аристотель. Сочинения в 4-х томах. –М.: Мысль, 1975. –400 б.
18. Аристотель. Аналитики первая и вторая. –Л.: Госкомиздат, 1952. –300 б.
19. Асмус В. Я. Античная философия. –М.: Наука, 2001. –200 б.
20. Астафьев В. К. Законы мышления в формальной и диалектической логике. –Львов: Из-во Львовского университета, 1968. –208 с.
21. Ахманов А. С. Философия. Логика. Язык. –М.: Прогресс, 1987. –225 б.
22. Бочаров В. А. Аристотель и традиционная логика. –М.: МГУ, 1984. –150 б.
23. Баратов М. Б. Абу Али Ибн Сино – буюк мутафаккир. –Т.: Ўзбекистон, 1975. –220 б. . .
24. Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. –Душанбе: Ирфон, 1965. –150 б.
25. Логика. –Душанбе: Ирфон, 1965. –300 б.
26. Великие ученые Средней Азии и Казахстана (VIII-XIX вв.) –Алма-Ата: Казахстан, 1965. –240 с.
27. Григорян П. С. и Стяжкин Н. И. Развитие логических идей от античности до эпохи возрождения. –М., 1974. –230 б.
28. Григорян С. Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. –М.: Наука, 1966. –200 б.
29. Грюнбаум Г. Э. Классический ислам. –М.: Наука, 1998. –250 С.
30. Джохадзе Д. В. Диалектика Аристотеля. –М.: Наука, 1971. –213 б.
31. Жураев Ш. Абу Али Ибн Синонинг фалсафий карашлари. –Т., 1980. –150 б.
32. Закуев А. К. Из истории арабоязычной логики средних веков. –Баку, 1971. –280 б.
33. Ибн Сина. Даниш-наме. Книгоиздания. –Сталинабад, 1957. –375 б.
34. Ибн Сино. Китоби мантик. Осори мунтахаб. –Душанбе, 1992
35. Ибн Сино и Средневековая философия. –Душанбе: Дониш, 1981. –167 с.

36. Казыбердиев А. Л., Муталлибов С. А. Абу Наср аль-Фараби. Исследования и переводы. –Т.: Фан, 1986. –200 с.
37. Койре А. Очерки истории философской мысли. –М.: Прогресс, 1985. –285 с.
38. Ивлев Ю. В. Логика. –М.: Логос, 1998. –271 с.
39. Ирисов А. Улуғ табиб ва олим Ибн Сино. –Т.: Фан, 1960. 150 б.
40. Ирисов А. Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси /М. М. Хайруллаев тахрири остида. –Т.: Фан, 1980. 208 б.
41. Кибернетика и логика. –М.: Наука, 1979. –208 с.
42. Кондаков Н. И. Логический словарь. –М.: Наука, 1971. –237 б.
43. Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. –Т.: Фан, 1981. –200 с.
44. Лукасевич Я. Аристотелевская силлогистика с точки зрения современной формальной логики. –М., 1959. –310 с.
45. Маковельский А. О. История логики. –М.: Наука, 1967. –230 б.
46. Маркин В. И. Силлогистические теории в современной логике. –М.: Из-во Москов. ун-та, 1991. –198 с.
47. Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. –Ташкент: Фан, 1976. –588 с.
48. Мельвилль Ю. К. Философия Чарльза Пирса. –М., 1964.
49. Луканин Р. К. «Органон» Аристотеля. –М.: Наука, 1984. –50 б.
50. О логическом учении Ал-Фараби. –Алма-Ата: Из-во Наука, 1982. –200 с.
51. Насыров А. Н. Проблема познания в ранней средневековой философии Средней Азии IX-XII вв.: Дис. ... д-ра фил. наук. –Т., 1990.
52. Насыров Р. Н. Фараби о рациональном познании //Общественные науки в Узбекистане. –1973. -№6. –С. 64-66.
53. Петров Б. Д. Ибн Сина. –М., 1980.
54. Смирнова Е. Д. Логическая семантика и философские основания логики. –М.: МГУ, 1986.
55. Соколов В. В. Очерки философии эпохи Возрождения. –М.: Наука, 1979.

56. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр. Тарихдан лавҳа-лар /Маъсул муҳаррир М. М. Хайруллаев, -Т.: Ўзбекистон, 1995. -240 б.
57. Ўрта Осиё халқдари хурфикирлиги тарихидан /Маъсул муҳаррир М. М. Хайруллаев. -Т.: Фан, 1990. -188 б.
58. Файзуллаев А. Ф. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии. -Т.: Фан, 1974. -148 с.
59. Файзуллаев А. Ф. Научное творчество Мухаммада ал-Хорезми. -Т.: Фан, 1983. -61 с.
60. Хайруллаев М. Абстрактлик ва конкретлик диалектикаси. -Т., 1978.
61. Хайруллаев М. Буюк сиймолар, алломалар. -Т., 1996.
62. Хайруллаев М. Абу Али Ибн Сино. -Т: Ўздавнашр, 1957. -70 б.
63. Хайруллаев М. Абу Наср Форобий ҳаёти, фаолияти ва таълимоти ҳақида қисқача очерк. -Т.: Фан, 1961. -275 б.
64. Хайруллаев М. М., Зоҳидов А. Малоизученные страницы наследия Ибн Сино (о переписки и посланиях) //Вопросы философии. -1980. -№7.
65. Хайруллаев М. Логика ва тўғри фикрлаш. -Т.: Ўздавнашр, 1961. -150 б.
66. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. -Т.: Ўзбекистон, 1971. -250 б.
68. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. -Т.: Фан, 1994. -80 б.
69. Хайруллаев М., Баҳадиров Р. М. Абу Абдуллах ал Хоразмий. X век. -М.: Наука, 1988. -250 с.
70. Хайруллаев М. Абу Наср ал Фараби (873-950). -М.: Наука, 1988. -250 с.
71. Хайруллаев М. Мироззрение Фараби и его значение в истории философии. -Т.: Фан, 1967. -200 с.
72. Хинтиikka Яаакко. Логико-эпистемологические исследования. -М.: Прогресс, 1980. -447 с.
73. Чалоян В. К. Восток-Запад. Переемственность в философии античного и средневекового общества. -М.: Наука, 1979. -213 с.

74. Шарипов А. Д. Великий мыслитель Абу Райхан Беруни. –Т.: Узбекистан, 1972. –175 с.
75. Шокиров Ю. Ислом шариати асослари. –Т.: Меҳнат, 1986. 72 б.
76. Қодиров М. Философское воззрение и логика Мирсаида Шарифа Джурджони. //Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. –Т.: Фан, 1981. –209 с.
77. Имомходжаева А. Б. Ибн Сина и Аристотель. Развитие логических идей: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. –1990. –22 с.
78. Муталибов С. А. Логическое учение Аль-Фараби: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. –1992. –30 б.
79. Сайдуллаев Н. М. Логика Ибн Сины (в сравнении с логикой Аристотеля и стоиков): Автореф. дис. ... д-ра филос. наук. –М., 1992. –36 с.
80. Файзихўжаева Д. И. IX-XI асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантикқа оид қарашларида исботлаш муаммолари: Автореф. дис. ... фалс. фан. номзоди. –Т., 1999. –30 б.
81. Ahmad Saeed Khan. A bibliography of the works of Abul-Raihan al-Beruai //Indian National Science of Academy New Dehli.
82. Van Eernereren F. N., Grotendorst R. 1982 Spitch Acts in Argu- mentative Descussions, Dordrecht (Holland); Cinnaminson (USA). –1984.
83. Afnan S. M. Avicenna. His life and works. –London, 1958. –247 p
- 8 4. Rescher H. The developмент of Arabic logic. –Pittsburgh, 1964. –453 p.
85. Файзуллаев О. Ф. Фалсафа //Халқ сўзи. –2003. –№31 (3143). –3 б.
86. Абдуллаева М. XXI аср бўсағасида фан //Фан ва турмуш. –2000. –№4. –2 б.
87. Шомуродов И. Арасту хато қилган ми? //Гафаккур. –2003. –№3. 108-115 б.

Муксимова Х.В.

Аристотел “Аналитикалар”и ва IX-XII аср Марказий Осиё  
мутафаккирларининг мантикий таълимотларининг ривож.

Монография ТАТУ “Фалсафа” кафедрасининг

илмий-услубий семинарида муҳокама қилинди

(баённома № 20; 15 феврал 2006 йил)

Мухаррир: Қ.Парпиева

Босишга рухсат этилди 02.05.06.

Бичими 60x84<sup>1/16</sup> Адади 100.

143-буюртма. Босма табоғи 1,75

Тошкент ахборот технологиялари университетинг тасарруфидаги

«ALOQACH» нашриёт-матбаа марказида чоп этилди.

Тошкент ш, Амир Темур кўчаси, 108-уй